

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«Хизматлар курсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси**



---

**«ИНТЕЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ»**

**фанидан**

**ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА**

---

|                         |         |                                                          |
|-------------------------|---------|----------------------------------------------------------|
| <b>Билим соҳаси:</b>    | 600 000 | - Хизматлар соҳаси                                       |
| <b>Таълим соҳаси:</b>   | 610 000 | - Хизмат кўрсатиш соҳаси                                 |
| <b>Таълим йўналиши:</b> | 5610400 | - Аҳоли ва туристларни овқатланишини ташкил этиш сервиси |

**САМАРҚАНД 2019**

**Д.Мирзаахмадов «Интеллектуал мулк муҳофазаси» Ўқув услубий  
мажмуа. Самарканд. СамИСИ. 2019 йил, \_\_\_\_\_ бет.**

**Тузувчилар:**


Мирзаахмадов Д. «Хизмат курсатиш, сервис ва уни ташкил этиш»  
кафедраси ассистенти

**Такризчилар:**

- Файзиев Ж.С. - СамИСИ, «Хизмат курсатиш, сервис ва уни ташкил  
этиш» кафедраси доценти, т.ф.н.  
Юсупова А. - Самарқанд ветеринария медицинаси институти  
доценти

**Ўқув-услубий мажмуа Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
Илмий Кенгашида муҳокама этилган ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш  
ҳамда нашр учун тавсия этилган. Баённома №\_\_\_\_, 2019 йил \_\_\_\_август.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**



---

---

**«ИНТЕЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ»**

**фанидан**  
**(ўқув материаллари)**

---

---

**САМАРҚАНД – 2019**

## **I-Модул. Интеллектуал мулк муҳофазаси фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари**

### **1-мавзу: Интеллектуал мулк муҳофазаси фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари**

#### **Асосий саволлар:**

1. Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи, материал базасининг яратилиши бўйича шарт-шароитлар
2. Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ривожланишида дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлиги
3. Интеллектуал мулк муҳофазаси фанининг моҳияти, предмети ва мақсади

**Таянч тушунча и иборалар:** Интеллектуал мулк; устувор йўналишлар; Вена конвенцияси; ДИТД.

#### **1. Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи, материал базасининг яратилиши бўйича шарт-шароитлар**

Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилашда фуқаролик жамиятига ўтиш, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш билан, мамлакатни модернизацияси ва ислоҳ этишда Президентимиз томонидан белгиланган устувор йўналишларда иқтисодий ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинаётган чоралар иқтисодий соҳаларини ривожлантиришнинг муҳим мақсадли дастурларининг амалга оширилиши, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир этиб, барча соҳаларда таркибий ўзгаришларнинг давом эттирилиши, мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳибларининг кўпайишига олиб келияпти.

Хозирги замон иқтисодийнинг жадал суръатларда ривожланиши учун беш «И», яъни: инвестиция, инновация, инфратузилма, институт ва интеллектнинг қўлланилиши ҳозирги вақт талаби бўлиб келмоқда.

Маълумки, инвестиция (лотинча, қуймок) кенг маънода келгусида қўйиштиришни мақсад қилиб капитал қўйишдан (қўчириладиган ва қўчмас мулк, турли молиявий воситалар, номоддий активлар ва х.к.) иборат бўлса, инновация янгиликни, амалиётга киритиш, яъни жамият талабидан келиб чиққан ва иқтисодий мазмунга эга бўлиш мақсадидаги ғоя, изланиш, нафақат ихтирони яратиш, балки амалиётни самарадорлигини ошириш учун барча янгиликларнинг киритилиши ҳисобланади. Бунга янги маҳсулот, янги технология, жараён ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш фирмаси; янги бозор, молиявий инструментлар ва структуравий ташкил топишга мос ижтимоий-иқтисодий вазифаларни, янги бошқарув жараёни ва ечими, энг аввал, инсон маънавий соҳасидаги янгиликларни яратиш ва тадбиқ этиш тушунилади.

Албатта, буларнинг ҳар қандай соҳада тадбиқини амалга оширишда инфратузилма (лотинча, қуйи тузилма, тузилиши) моддий ишлаб чиқариш соҳасининг барқарорлиги ва жамият ҳаёт фаолияти шароитини таъминлаш учун шу соҳадаги иншоот, бино, хизматлар системаси ва ҳ.к беришга бўлиши лозим. Инфратузилманинг ишлаб чиқариш (йўллар, каналлар, омбор, портлар ва алоқа системаси ва ҳ.к) ва ижтимоий (мактаб, касалхона, театр, стадионлар ва ҳ.к) ёки уларнинг хўжалик комплекс соҳалари (транспорт, алоқа, таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к) бирлигида кўриш мумкин. Инвестиция, инновация, инфратузилма мавжуд институтлар билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Чунки, институт (лотинча, инстетум) икки хил маънони билдиради. Биринчидан, низом, қоидалар ёки уларнинг тўпланиши; иккинчидан, маҳкама, муассасаларни билдиради. Яъни, улар иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа соҳаларга бўлинади. Ижтимоий институтларга давлат, оила, гуруҳлар ва ҳ.к киради. Шу ўринда маданият ҳам ижтимоий институт сифатида муҳим аҳамиятга эғалигини таъкидлаш лозим.

Навбатдаги «И»да, инсон интеллект, интеллектуал салоҳияти, фаолияти инобатга олинган. Агар биз инсоннинг ақл-идрокини, тафаккурини, билимини ва илмини, заковатини, қобилиятини ва ҳ.к. унинг интеллект, шулар ёрдамида, ижод этиш, маҳсулот яратиш (интеллектуал мулк) унинг интеллектуал фаолиятини кўрсатади.

Келтирилган «И»ларнинг ҳар бири ўз ўрни, моҳияти билан ҳар қандай соҳани ривожлантиришда улкан салоҳиятга эга. Аммо, соҳаларнинг ривожланишида (шу қаторда таълим, кадрлар тайёрлашда) уларнинг ҳар бирининг таъсири маълум даража касб этса, уларнинг бир бутун бирликдаги таъсирининг таҳлили соҳа ривожланиш юритувчи кучини янги-янги омилларини имкониятларини келтириб чиқаради. Мақсадга мувофиқ, интеллектнинг бошқа «И» лардан фарқи шундаки, у ҳам «И»ларга ҳам истеъмолчи ҳам барчасини яратувчиси ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, интеллектнинг ёки интелегенцияни тайёрлашда яъни, сервис соҳасида ўқимишли, ўйловли, юқори малакали кадрларни тайёрлашда «И»ларнинг таъсири ва салоҳиятини кўриб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Мустақиллик йилларининг охириги ўн йилида, ушбу «И»ларнинг хизматлар, хизмат кўрсатиш, сервис ва айниқса, туризм соҳаларига таъсирини оширишда ҳукуматимиз турли салоҳиятли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Бунга: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш каби институциавий қарорлар мисол бўлади. Ушбу умумий ва алоҳида соҳалар бўйича (Ўзбектуризм, хизмат кўрсатиш, маиший хизмат ва ҳ.к.) қабул этилган барча чора-тадбирлар билан давлатимиз бош инвестор сифатида соҳа инфратузилмаси ва институтининг ислохотчиси бўлиб келмоқда. Бунинг натижасида давлат таълим стандартлари,

ўқув режалари, ўқув дастурлари, моддий – техникавий базаси, амалиёт базаси ўқув–услугий таъминотини ва ҳ.к. бажарилди. Шу билан бирга соҳа амалиётида инфратузилма, институтлар ривожлантириб борилмоқда. Масалан, Самарқанднинг 2750 йиллик муносабати билан фақатгина Самарқанд шаҳар йўллар инфратузилмасига 40 млрд сўм, туристик иншоотлар учун ҳам 40 млрд сўм инвестициянинг давлат томонидан ажратилиб, қўлланилгани фикримизнинг тасдиғи ҳисобланади.

Сервис соҳаси кадрлар тайёрлашдаги инвестиция, инфратузилма, институтлар кўлами маъқул даражада бўлсада, аммо инновация, интеллектуал таъминланганлик нисбатан паст даражада. Шунинг учун ҳозирги вақтдаги энг замонавий янгиликларни, ихтироларни амалиётга тадбиқ этиш, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнига таниқли интеллект соҳиблари, уларнинг инновацион ишларига жалб этилса, тайёрланаётган интеллект кадрлар сифати оширилса, соҳада киритилган инвестицияларнинг, яратилган ва қўлланилаётган инфратузилма ва институтларнинг самараси янада ошар эди. Масалан, инновацияда, замонавий илғор технологиялардан – нанотехнологияни амалиётда, синергетикани назария, ҳамда амалиётда, ГАЛС – технологиясини инфратузилмада ва ҳ.к. қўлланилиши кадрларни ҳозирги вақт талаби бўйича тайёрлашни таъминлайди, пировардда иқтисодиётимизни кескин равишда ривожлантиради.

Умуман олганда, беш «И» ни ташкил этувчи инвестиция, инновация, инфратузилма, институт ва интеллект ўзаро беш юлдуз қирралари каби боғлиқликда ва доимо ўзгариб, янгиланиб туриши талаб этилади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланганлик даражаси, ундаги интеллектуал мулкнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун, барча мамлакатлар ўз интеллектуал мулкларини ривожлантириш борасида, айниқса унинг давлатда ва бутун дунёда ҳимояланишига катта эътибор берадилар.

Агар биз инсоннинг ақлини, тафаккурини, билимини ва илмини, заковатини, қобилиятини ва ҳ.к. унинг интеллекти десак, унда ана шулар ёрдамида яратилган, ижод этган маҳсулот ёки мулк унинг интеллектуал мулки деб юритилади.

Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи бўлиб инсоннинг илмий-тадқиқот фаолияти, инсон яшаб турган жамиятнинг бу фаолиятга, айниқса, билимига, илмига, умуман фанга техникавий ривожланишга бўлган муносабати ва мамлакатнинг илмий ва технологик салоҳияти ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда интеллектуал мулкнинг яратилиши ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича ишларининг ташкиллаштириш дунё мамлакатларида давлат миқёсида – муҳим давлат ишлари сифатида олиб борилади. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш даражаси, ундаги интеллектуал мулк бўйича ишлар қандай даражада олиб борилишига, унинг янги техника-технологиялар яратилишига, жамият ва табиат қонунларини ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этганлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, ер юзидаги минглаб илмий муассаса

ва корхоналарида, мунтазам равишда миллионлаб илмий тадқиқот натижалари олиниб, таҳлил этилиб инсон ҳаёти – амалиётига тадбиқ этиб – башарият цивилизациясининг ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам ўзининг ривожланган интеллектуал мулк материал базаси кенг илмий фонди, илмий ишлари дунё миқёсида тан олинган юқори малакавий илмий кадрлари билан Марказий Осиёдаги катта салоҳиятга эга бўлган илмий марказ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси илмий-изланиш комплексини жами соҳалар профили бўйича 363 академик, олий таълим ташкилотлари ташкил топган.

Бунда 102 – илмий-изланиш институти; 55 – олий ўқув юрлари илмий-изланиш бўлимлари; 65 – лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари; 32 – илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва экспериментал корхоналар; 30 – ахборот-ҳисоб марказлари мавжуд.

## **2. Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ривожланишида дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлиги**

Ўзбекистон Республикаси ўзининг интеллектуал мулк ривожланишини Дунё ҳамжамияти билан кадам-кадам ҳамкорликда, ўзаро келишувда олиб бормоқда. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилотини (БИМТ) қўйдаги ҳужжатларини имзолаган ва қўшилган:

1. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ташкил этувчи конвенция. 1967 йил 14 июль Столгоҳда қўйилган ва 1979 йил 2 октябрь узгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасида 1991 йил 25 декабрда қўйилган. БИМТни асосий фаолияти: янги халқаро битимларни ва миллий қонунчиликни бирлаштириш лойиҳаларни ишлаб чиқиш; интеллектуал мулк объектларни халқаро қўйилган утқазилган таъминлаш; техник, илмий ва бошқа маълумотларни қўйилган ва тарқатиш

2. Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси. 1883 йил 20 мартда қабул қилинган (1900 й 14 дек Брюссельда, 1911 йил 2 июнь Вашингтонда 1925 йил 6 ноябрь Гаагада, 1934 йил 2 июнь Лондонда, 1958 йил 31 октябрь Лиссабонда, 1967 йил 14 июль Стокгоҳда қайта қўйилган ва 1979 й 2 ноябрь узгартирилган). Ўзбекистон Республикасида 1991 йил 25 декабрда қўйилган.

3. Адабиёт ва бадий асарларни муҳофазаси бўйича Берн конвенцияси. 1971 й 24 июль қабул қилинган ва 1979 й 28 сентябрь узгартирилган. Ўзбекистон Республикасида 2005 йил 19 апрельда қўйилган.

4. Патент ҳуқуқи бўйича шартнома. Дипломатик конференция томонидан 2000 й 1 июнь қабул қилинган. Ўз Рес-да 2006 й 19 июльда қўйилган.

5. Товар белгилари қонунлари ҳақида шартнома. 1994 й 27 октябрь Женевада қўйилган. Ўзбекистон Рес. 1998 йил 4 сентябрда қўйилган.

6. Янги усимлик навларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция. 2 декабрь 1961 йилда қабул қилинган. 1972 йил 10 ноябрь, 1978 йил 23 октябрь ва

1991 йил 19 мартда Женевада қайта қурилган. Ўз Р 2004 й 14 ноябрда қучга қирган

7. Белгиларни халқаро руйхатдан утказиш хақида Мадрид битими 1891 й 14 апрел (1900 14 декабрда Брюселяда, 1911 й 2 июнь Вашингтонда, 1925 й 6 ноябрда Гаагада, 1934 й 2 июнь Лондонда, 1957 й 15 июнь Ниццеда ва 1967 й 14 июль Стокгольмда қайтадан қурилган). Ўз Р 2008 й 1 январьдан қучга қирган.

8. Патент кооперацияси бўйича шартнома. 1970 й 19 июньда қул қуйилган, 1979 й 2 октябрда қайтадан қурилган, 1984 й 3 февральда ва 2001 й 3 октябрда узгартиришлар қиритилган Ўз Р 1991 й 25 декабрда қучга қирган

9. Белгилари руйхатдан утказ учун товар ва хизматларни халқаро класификаторни таъсис этиш бўйича Ницца битими. 1957 й 15 июньда қул қуйилган. 1967 й 14 июльда Стокгольмда, 1977 й 13 майда ва 1978 й 28 сентябрда Женевада қайтадан қурилган. Ўз Р 2002 й 12 январьдан қучга қирган.

10. Халқаро патент классификацияси бўйича Страсбург битими. 1971 й 24 мартда қул қуйилган. 1978 й 28 сентябрда узгартирилган. Ўз Р 2002 й 12 октябрда қучга қирган.

11. Саноат намуналари халқаро классификатори таъсис этиш бўйича Локарн битими. 1968 й 8 октябрда қул қуйилган. 1978 й 28 сентябрда узгартирилган. Ўз Р 2006 й 19 июльда қучга қирган.

Юқорида айтиб утилган халқаро конвенциялар, битимлар ва шартномалар давларлар аро интеллектуал мулк муҳофазасини шақиллантириб тартибга солади Булардан ташқари бутунжахон Интеллектуал мулк ташкилотини (БИМТ) стандарти мавжут. Хозирги пайта 54 стандар мавжут.

Ўзбекистон ҳозирги вақтда дунёхамжамиятида интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича нуфузли бўлган Париж конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланади. Мақсадга мувофиқ Париж конвенциясининг ташкил этилиш моҳиятини тарихини кўриб чиқамиз.

Париж конвенцияси деб аталувчи халқаро шартнома, асосий мақсади – қатнашувчи давлатлар конвенциясига оид мулклар, ихтиролар муҳофазасини патентлаштиришни чегарадан ташқарида ҳам қенгайтиришдан иборатдир. Бу конвенцияда товар белгилари, саноат намуналари, ихтиролар муҳофаза ҳуқуқини назорат қилиши халқаро битимда кўрсатилди. Конвенциянинг асосий мақсади – ихтирларга, саноат намуналарига, бир давлатдан иккинчи давлатга қорхона, фуқаролар, фирмалар томонидан маҳсулот белгиларини қайд қилинишида кўпгина имтёзларни яратишдан иборат.

Инсоният тарихида Париж конвенцияси қарори қабул қилишдан олдин халқаро конференциясига ихтирога бериладиган муҳофаза ҳуқуқи ҳақидаги ҳар хил саволлар устида узоқ муҳокама бўлиб ўтди. Биринчи бор конвенциянинг проекти махсус комиссияда 1880 йилда Франция пойтахти Париж шаҳрида Париж конференциясида муҳокама қилинди. Ундан сўнг конференция 1883 йил

бўлиб, унда 11 давлат томонидан имзоланди. Келгуси конференциялар Брюсселда (1900 й.), Вашингтонда (1911 й.), Гаагада (1925 й.), Лондонда (1934 й.), Лиссабонда (1958 й.), Стокгольмда (1967 й.) кўриб чиқилиб ва тўлдирилиб борилди. Париж конвенциясининг саноат мулки муҳофазасида 100 дан ортиқ давлат қатнашяпти. Ҳар хил мамлакатлар учун, яъни Париж конвенциясининг қатнашчилари ҳар хил тахрирда қандай мамлакат тасдиқланса, ўш ерда ҳаракат қилади.

Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқи таркибида 1965 йилдан Париж конвенциясининг ҳамма тахририга қўшилди. Худди шундай Стокгольм матнини конвенциясини ҳам тасдиқлади.

Париж конвенциясининг таркиби ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни инобатга олиш керакки, у халқаро патент беришни бошқа мамлакатга – конвенция иштирокчисига таъсир қилишини кўзда тутмаган.

Ҳоҳлаган мамлакат – иштирокчиси – ихтиродан мукофот тўловисиз, патентланмаган бўлса, эркин фойдаланиши мумкин. Худди шундай конвенция халқаро саноат намуналарини ва маҳсулот белгиларини яратиш вазифасига кирмайди. Шундай қилиб, бу битимнинг мақсади, ҳар хил давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳаётчан, замонавий талабларга, ихтиролар қонун томонидан унификация қилинмаган, чет элликлар ихтирларини патентлашда яхши шароит яратишдан иборат.

Конвенциянинг асосий низоми бу биринчидан, миллий режим қонуни, иккинчидан конвенциянинг устунлик қонуни, учинчидан, патент билан тақдимланган, фақат ҳуқуқ билан боғлиқликлардан суистеъмол қилишни олдини олишга йўналтирилган қонун ҳисобланади.

Париж конвенциясининг асосий принципларидан бири бу миллий режим ҳисобланади. Париж конвенцияси (2 моддаси) келажакда шу давлат қонунида фуқаролар ёки фирмаларга муҳофаза қандай берилган ёки бериладиган бўлса, бошқа давлат фуқаролари ёки фирмалари ҳам худди шундай муҳофаза билан таъминланади. Конвенция бошқа миллий режимни ҳисоблаб, ишини бажаради. Муҳофаза Париж иттифоқига кирмайдиган фуқароларга, агар улар шу иттифоқни таркибига кирадиган давлатда яшашса ёки ўша ерда корхонаси бўлса ҳам ташкил этилади.

Конвенция талабига мувофиқ патентга талаб берилади, бошқа мамлакатнинг қонун мажмуасидан келиб чиққан ҳолда бериш керак. Бу чет элдаги ихтироларни патентлаштиришда – Париж иттифоқининг қатнашчиларида ҳар хил патент қонунлари ҳаракат қилади.

Конвенция қонунининг асосий қонунларидан бири Конвенцион устунлик ҳуқуқи ҳисобланади. Бу ҳуқуқ шуни билдирадики, конвенция иштирокчии бошқа мамлакатга берилган талабнома, йил давомида ҳамма мамлакатларда устунликка эга бўлади.

Даъво қилувчи бошқа мамлакатлардан 12 ой мобайнида биринчи талабномани расмийлаштирилгани асосида муҳофазани илтимос қилиб олиши мумкин: бу учун талабноманинг шарти шундан иборатки, бу талаб биринчи

талабнома берилган кунда қилинган. Бошқача айтганда, бу талабнома бошқа талабномаларга нисбатан устунликка эга, қайсиким шу муддатда иккинчи шахс томонидан худди шу ихтиро эслатилиб ўтилади. Бундан ташқари, бу талабномалар биринчи талабномага асосан, шу вақт мобайнида ҳаракатлар ноқонуний кучга эга бўлиши мумкин эмас, масалан, учинчи шахс ҳуқуқи шу ихтиродан фойдаланиши ёки нашр қилиниши берилмайди.

Конвенция устунлиги ҳуқуқи кўпинча амалиётда фойдаланилади. Конвенция устунлиги қонуни қуйидаги тушунтирилади: ким биринчи ихтирога талабномани берса, ўша патентни олади. Чет элда ихтиро янгилик патентлаган бўлса, бу бошқа мамлакатда «янги» ҳисобланмайди ва у бошқалар томонидан патентланмайди. Бир вақтда бир мамлакат ихтирони патентлаштириши - жуда мураккаб жараён. Конвенция устунлигининг қондасига асосан мамлакат иштирокчиларининг ишини енгиллаштиради.

Бу қонуннинг чет элда ихтироларни патентлаштириш яна бир устунликка эга. Чет элда ихтироларни патентлаштириши жуда кўп ҳаражатларга эга. Ихтирога эга бўлиш муддати конвенция бўйича бир йил, яъни 10-11 ойдан сўнг ўзининг мамлакатидан бошқа мамлакатга талаб қилинмайди. Бу вақтда талабгор чет элда патентлаштиришнинг иқтисодий томонини аниқлаши мумкин, яъни бу патентни олиш унинг ҳаражатларини қоплайдими ёки йўқми деган саволни ечиши мумкин. Бундан ташқари, бу вақт ичида чет элда талабномани расмийлаштириш учун материалларни яхшилаб тайёрлаш мумкин.

Кўпинча конвенционли устунлик биринчи навбатда шундай мамлакатларнинг корхона ва команияларида қўлланиладики, қайсиким чет элда ўзларининг ихтироларини фаол патентлаштиришлари мумкин. Умумий бундай талаблар ҳамма мамлакатларда, Париж иттифоқининг иштирокчилари, ҳар йили тахминан 350 минг киши беради.

Худди конвенциянинг бошқа қонунларидек, конвенцион устунлик ҳақидаги қонун ўзаро икки томонлама тузилади. Бу эса шуни билдирадики, Ўзбекистонга бошқа чет эл талабгорлари – конвенция иштирокчилари томонидан устунликка имтиёзлар берилади. Париж конвенцияси патент эгаларининг ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳуқуқлардан суистеъмол қиладиганларга ҳам қарши курашади. Патент эгаси бирон мамлакатда ихтирога патент олиши мумкин, ихтиродан фойдаланмасдан ва махсус ҳуқуқга эга бўлиб, бошқаларга ихтиродан фойдаланишга йўл қўймайди. Бундай ҳолатларда конвенция мажбурий лицензия берилиши мумкин, яъни бошқа шахсга ихтиродан фойдаланишга рухсат берилади. Агар лицензия суистеъмолликка қарши фойда бермаса, патент олиш ҳуқуқидан маҳкум этилиши мумкин. Париж конвенцияси мамлакат иштирокчиларининг мулкани ва ихтиронинг муҳофазасининг кўргазмасини ҳам ташкил этди. Саноат мулкисининг объектларига саноат намуналари ҳам киради. Конвенция саноат намуналарининг расм ва модел шакллари ҳамма мамлакатларда қўриқлайди.

Париж конвенцияси ташқи савдода катта рол ўйнайдиган товар белгиларининг рўйхати билан боғлиқ саволларни ҳам тартибга солиб туради. Товар белгилари ва саноат намуналарининг устунлигининг белгиланган муддати 6 ой. Конвенцияда қўйдиагиларга (регистрация) қайд қилиш рақами белгиланмайди: давлат герби, корхоналарнинг, ташкилотларнинг эмблемалари бор.

Патент кооперациясининг битими Париж конвенциясининг ихтироларини патентлаштиришни ривожлантириш шартларида жуда катта масшабли чет элларда патентлаштиришни ўтказишда кўпгина камчиликлар юзага келди. Бутун бир мамлакатнинг ярмидан кўп қисмида патентлашган ихтиролар яна патентлашди фақат бошқа мамлакатларда шу масалада халқаро ҳамкорликни кучайтириш эҳтиёжи пайдо бўлди. 1970 йилда қилинган катта ҳар томонлама битим Вашингтонда тузилди. Катта капиталистик давлатлардан – Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония, собиқ Совет иттифоқи Патент кооперация битимининг тасдиқлари ва у 1978 йил 1 июндан Собиқ СССР да кучга кирди. Битимда 32 та давлат қатнашди. Битимда талабгор ихтиро муҳофазасини бир неча мамлакатга берса, шундай пайтда «Халқаро талабнома» миллий патент қайдномасига берилади ва кўриб чиқилади. Шулардан бири Давлат ихтиро ташкилоти ҳисобланади. Бу ташкилот аввал талабнома қайси мамлакатга берилаётган бўлса, ўша ернинг миллий патент қайдномасини текшириб, сўнгра ҳужжатлаштиради. Изланишнинг (текширишнинг) натижасида экспертиза қилинган ҳужжатларни тўплашади. Кейин изланганлиги ҳақида талабларга ҳисоботи ва нусхаси юборилади. Кейин миллий талабнома ҳисоботи талабгар қайси мамлакатда муҳофаза олмакчи бўлса, ўша жойларга юборилади. Бу ерда қўйдиагиларга эътибор бериш лозим: миллий талабнома биринчи берилган муддатдан бошлаб 12 ойнинг охирида берилади. 20 ой мобайнида патентлаштиришни миллий талабнома мамлакатларда кўриб чиқилади ва ш у вақт мобайнида миллий изланиш ҳақида ҳисобот тайёр бўлиши керак. Миллий талабнома БИМТ да 18 ойдан сўнг нашр қилинади.патент қайдномаларини кўриб чиқиш системасининг афзаллиги шундаки, патентлаштирмоқчи бўлган мамлакатлар такроран экспертиза қилинмайди. Талабгар учун афзаллик шундан иборатки, у фақат битта миллий талабни бир тилда бериши мумкин.

Патент кооперацияси битимининг қабул қилиниши, чет мамлакатлардаги патентлаштиришга кетадиган харажатларнинг камайишига, тез ҳал бўлишига олиб келди.

**Рационал шартнома.** Ягона патентларни бериш ва ихтиро ҳақидаги қонунларнинг унификация қилиниши, олдинда кўга тутилишида алоҳида регионал шартномаси мавжуд. 1962 йилда саноат мулки, ихтиро муҳофазасининг ягона тартиби, товар белгиларининг қайдномаси Франциянинг аввалги колониясида бўлган Африка мамлакатлари Афро – Мальгашск қайдномаси ҳақида битим тузилди. 1977 йилда эса битим Африка ташкилотларининг интеллектуал мулки (ОАНИ) ҳақида шартнома билан

ўзгартирилди, бу шартномада 12 Африка давлатлари қатнашди. 1976 йил бошқа Африка давлатлари (Буюк Британиядаги колониялар) Африканинг саноат мулки инглиз тилида гапирувчи битим тузилди (ЕСАРИПО).

1973 йилда Мюнхен конференциясида 21 европа давлатлари қатнашуви асосида «Европа патентларини бериш Конвенцияси» имзоланди. Конвенция «Европа патенти» номли Европа патенти қайдномаси асосида қонунларни бир шаклга келтириш мақсадида тузилди. Талабларга бир хил патент шартномаларини ва шакллари кўйди. Ҳар бир мамлакатда 1973 йил конвенция иштирокчиси – берилган патент худди миллий патентдек, яъни патент ғояси миллий қонунчилик асосида фаолият кўрсатди. 1975 йилда Общего рынка ЕЭС мамлакатлари томонидан Люксембургли конвенцияда «Общего рынка» учун европа патенти ҳақида битим имзоланди. Бу ерда Европа патентига эга бўлган мамлакат ЕЭСда ягона патент фаолият юритади, яъни патент эгаси конвенцияда қўрилган қонун бўйича фаолият юритади.

Ахдлашган давлатларнинг ҳаммаси учун Мюнхенда Европа патент қайдномаси, Люксембург конвенциясида патент ҳуқуқининг бирлиги яратилди. ЕЭС мамлакатлари учун бериладиган патентлар «уюшма патенти» деб номланди. ЕЭС мамлакатларини миллий европа патент органи ва Европа патенти системаси патент сиёсатини ўтказилишини таъминламоғи лозим, ҳаммадан ҳам давлат монополистик бирлашмага қулай бўлиши керак.

**Товар белгилари ҳақида шартнома.** Чет элда товар белгиларининг қайдномаси миллий қонунчилиги асосида, халқаро битимлар асосида белгиланади. Бир нечта Париж конвенция иштирокчилари – мамлакатлар 1891 йилда Мадрид конвенциясида халқаро товар белгилари қайдномасини имзолади. Женевадаги халқаро бюрога товар белгиси талабномаси берилади, кейин бу талабнома иштирокчи мамлакатлар бюросининг идорасига юборилади. Миллий идора қайд қилинишига рози бўлмаслиги мумкин. Агар розилик берилса халқаро қайдномада ҳамма мамлакат иштирокчилари товар белгисини муҳофаза билан таъминлайди. Мадрид конвенциясида 25 мамлакат иштирок этади. 1973 йил 12 июнда кўпроқ қатнашувчиларни таъминлаш мақсадида Венада товар белгиси учун янги шартнома товар белгиси қайдномаси ҳақида битим тузилди (ТРТ). Собиқ СССР бу шартномада қатнашмади.

**Интеллектуал мулкнинг халқаро ташкилоти (ВОИС).** Саноат мулки муҳофазасининг халқаро бирлашмасидан ташқари Париж конвенцияси иштирокчилари ва бошқа конвенция иштирокчилари (Патент кооперацияси ҳақида битим, товар белгилари қайдномаси (халқаро Мадрид конвенцияси ва бошқалар) учун муносиб бирлашган давлатлар тузилди. Бу бирлашмани бир системага тушишини, ҳар хил саноат мулки муҳофазаси ҳақидаги саволларни, шу жумладан, конвенцияни қайта кўриб чиқишни ВОИС бажариши керак. 1967 йилда ВОИС ҳақида конвенция Стокгольм конференциясида тасдиқланган эди.

Халқаро тузилмада 105 давлатлар (1 январ 1984 йил), шу жумладан, собиқ СССР, Белоруссия, Украиналар ҳам бор эди. ВОИСнинг бош аъзоларига

Генерал ассамблеяси, координация комитет ива Халқаро бюро ва охирги, халқаро аъзоларининг доимий котиблари генерал директор ҳисобланади. Юқорида кўрсатилганидек, ВОИСда махсус бирлашмалар фаолият кўрсатади.

Собиқ СССР:

- 1965 йил – Париж бирлашмаси;
- 1976 йил – Товар белгиларини Мадрид бирлашмасининг халқаро қайдномаси;
- 1976 йил – Страсбург бирлашмасининг халқаро кашфиётлар классификацияси;
- 1971 йил – Ницк бирлашмасининг халқаро товар белгиларининг қайдномаси учун товар ва хизматларнинг классификацияси;
- 1972 йил – Локарно бирлашмасининг халқаро саноат намуналари классификациясининг аъзоси бўлиб кирди.
- 1980 йил – СССР – РСТ, ТРТ битим аъзолари тасдиқланди.

Будапешт Патент муолажаси мақсадида микроорганизмларни сақлаш учун топшириқ халқаро тан олинди. Будапешт битимини 1978 йил илмий изланишлар халқаро Женева битими қайдномаси имзоланди. Совет бирлашмаси ВОИСда ўтказиладиган саноат мулки соҳасида техник ҳуқуқий ёрдам бериш, ихтиро классификациясини такомиллаштириш, ихтирок ахборотлари соҳасида халқаро ҳамкорликни яхшилаш борасидаги тadbирларда фаол иштирок этди.

Ўзбекистон ўзининг фан ва технологиялари ривожланишини дунё ҳамжамияти билан қадамма-қадам ҳамкорликда, ўзаро келишувида олиб бормоқда. Ҳозирда, Ўзбекистон Рио Декларациясига, БМТнинг иқлим ўзгариши, биологик турли хиллик, саҳроланишга қарши конвенциясига, озон қатламини ҳимоялаш Вена конвенциясига, хавфли чиқиндиларнинг ташилиши ва чиқарилишини назорат қилиш Базен конвенциясига қўшилиб ратификация қилган. Бундан ташқари, яна 12 дан кўп атроф-муҳитни сақлаш бўйича халқаро битимлар ва ҳамкорлик шартномаларига қўшилган. Масалан: “Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзолаган Саноат намуналарининг халқаро тансифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида”ги, 1972 йили собиқ Совет иттифоқи таркиби ва “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 1 июлда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида”ги қонунлари чиқарилди.

Ўзбекистон ҳукумати фаоллигида Орол денгизи ва Орол денгизи бассейнида экологик муҳитни яхшилаш учун концепция ишлаб чиқилди ва бу концепция 1994 йили Марказий Осиё давлатлари томонидан қабул қилинди ва бу ҳақда Халқаро конференция (1995 йил сентябр Нукусда) ўтказилди ва Нукус Декларацияси қабул қилинди.

Юртимиз ҳаётида турли хилдаги Миллий дастурлар ишлаб чиқилганки, уларнинг асосий вазифаси иқтисодиётимиз асосий тармоқларини технологик модернизация қилиш, экспорт потенциалини ривожлантириш ва

Ўзбекистоннинг дунё иқтисодиёт (сообщество)га интеграциясини амалга оширишдан иборатдир.

Давлатнинг илмий-техника сиёсатида, 2006-2008 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастурларнинг номлари ва улар доирасида амалга ошириладиган илмий тадқиқотларнинг устивор йўналишлари (ДИТД-1-11) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши раиси томонидан тасдиқланган.

Юқорида келтирилган манбалардан маълум бўлдики, Ўзбекистон сўнгги йилларда интеллектуал мулк бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва

иқтисодий ривожланишда, мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилиб келмоқда. Замонавий саноат ишлаб чиқариш, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, фан ва техниканинг ғоят муҳим илмий ва технологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлар соҳасидаги 25 давлат илмий-техника дастури бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Илмий-тадқиқот муассасаларини базавий таъминлаш тизимидан илмий-техник вазифаларни ҳал қилишга қаратилган мақсадли лойиҳаларни молиялашга ўтиш илмий жамоалар ижодий фаоллигини рағбатлантирилишини, уларнинг саъй-ҳаракатлари реал якуний натижаларга эришишга сафарбар қилинишини, фан ва техника тараққиётининг долзарб масалалари ҳал қилинишини, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлади. Илмий-техника, айниқса интеллектуал мулкни муҳофазаси соҳасида халқаро алоқалар жадал ривожланмоқда. Бундай натижалар, албатта илмий изланиш ишлари юртимизда давлат томонидан тўғри йўналтирилганлигини натижасидир.

Ўзбекистонда интеллектуал мулкни ривожланишини асосий йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан аниқланиб берилади ва истикболли – ўта муҳим интеллектуал ишларнинг барча соҳаларига биринчи ўринда кадрлар жалб этилиб керакли материал ва молиявий ресурслар билан таъминланади. Ўзбекистон халқининг фаровонлигини оширувчи, кўзланган иқтисодий ва социал мақсадлар, жамиятнинг маънавий-маданий ҳаётини ривожлантирувчи, давлатимиз хавфсизлигини мустаҳкамловчи барча илмий-изланиш ишлари-истикболли, ўта муҳим илмий ишлар ҳисобланади.

Илмий изланишларнинг умумий ташкиллантирилиш ва ривожланишини умумий бошқарилиши Олий Мажлис, унинг фан, таълим, маданият ва спорт бўйича қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси олиб борсада интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофазасини Ўзбекистон Патент идораси олиб боради.

Мақсадга мувофиқ шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданок фан ва техника соҳасининг ривожланиши учун кўплаб ташкилий-амалий ишлар олиб борилди. Жумладан, 1992 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси “Фан ва техника қўмитаси” тузилди, 2002 йил 20 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 3029 фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 77-қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши” тузилди ва технологиялар маркази ҳамда йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ташкил этилди, 2006 йил 7 августдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техника тараққиёти бошқарувини эркинлаштириш, илмий тадқиқотлар технологик ва конструкторлик ишланмалари даражаси, сифати ва долзарблигини ошириш, улардан самарали фойдаланиш учун шароит яратиш мақсадида, мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг ижрочи органлари – Фан ва технологиялар маркази ҳамда йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши тугатилиб, ўрнига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси” ташкил этилди. Қўмитанинг таркибий қисми 42 киши, ижро аппарати бошқарув ходимларининг энг кўп сони 25 киши этиб белгиланди.

Қўмитанинг асосий вазифаларига: фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишини ишлаб чиқиш; устивор йўналишларни амалга ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришни таъминлаш; илмий-тадқиқот ишлар натижаларини қўлланилишини мониторинг қилишни ташкил этиш; халқаро ҳамкорликни ривожлантириш. Илмий лойиҳалар танловига қатнашиш учун кўмаклашиш ва бошқалар.

Олий Мажлис депутатлари орасидан сайланган махсус фан, таълим, маданият ва спорт қўмитаси турли вазирликлар, марказий муассасалар, корпорация, концернлари, уюшма ва компанияларидаги илмий изланиш ишларининг натижаларини баҳолаш ва назоратини олиб боради ва интеллектуал мулк равнақига катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарувининг олий органи сифатида, юртимизда олиб борилаётган илмий изланиш ишларининг умумий раҳбарлигини олиб боради. Шу билан бирга юртимизда фан ва техника умумий сиёсатини таъминлайди; ахборотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштиради; илмий ва илмий техникавий муаммоларнинг асосий йўналишларини аниқлайди; илмий изланиш ишларининг эффективлигини

ошириш учун аниқ қарорлар қабул қилиб, илмий изланиш натижаларини халқ хўжалиги соҳасига тадбиқ этишни ташкиллаштиради.

Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси фан ва техника асосий йўналишини белгилайди, илмий-изланишларнинг эффективлигини ошириш, олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этиш чора-тадбирларни кўради; илмий-техникавий ахборотларнинг тадбиқи назоратини олиб боради; тармоқлараро муаммоларни координация ишларини амалга ошириш билан бирга фан ва техника соҳасида алоқаларни олиб боришни амалга оширади.

Фан ва техника қўмитаси илмий-техникавий ахборот бўйича методологик раҳбарликни ва асосий йўналиш ишларининг бажарилиш назоратини ва илғор технологияларни ва ташвиқот қилиш ишларини олиб боради.

Юқорида қайд этилган барча ташкилий-амалий ишлар Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг яратилиши унинг муҳофазаси бўйича қилинган муҳим ишлар ҳисобланиб, унинг равнақиға ўз ҳиссасини қўшади.

### **3. Интеллектуал мулк муҳофазаси фанининг моҳияти, предмети ва мақсади**

Жамиятни демократлаштириш ва янгилашда фуқаролик жамиятга ўтиш, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, мамлакатни модернизацияси ва ислоҳ этишда барча соҳалар каби мамлакатимизда интеллектуал мулкни ривожлантириш, айниқса уни муҳофаза этиш ўта долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк бўйича билим билан бир қаторда унинг мамлакатимизда ҳуқуқий муҳофазаси ҳақидан масалаларни қамрайди.

Фанинг ўқитишдан мақсад - талабаларни интеллектуал мулк ҳуқуқий ҳимояси асослари бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бу соҳадаги қоидалар билан боғлиқ бўлган кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Фанининг вазифаси - интеллектуал мулк моҳияти, унинг муҳофазасини қонуний ҳимояланиш, патент ишлари, ихтирочилик, фойдали моделлар, саноат намуналари, товарлар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарлар келиб чиқиш жойларининг номлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини, фирма номлари ҳақида маълумот ва уларни тасдиқловчи ҳужжатлар, Ўзбекистон патент идораси ахборотномаси ва бошқалар ҳақида маълумотлар бериш.

«Интеллектуал мулк муҳофазаси» фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- интеллектуал мулк объектлари ва субъектлари тавсияларини, ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари ҳисобланган қонун ва қоидаларни *билиши керак*;
- талаба интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофазаси қонун қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, уларни тўғри таҳлил этиш, ҳулосалар чиқариш ва ҳар бир интеллектуал мулк гуруҳлари бўйича ҳужжатларни танлаш, қўллаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*;

- талаба мустақил равишда интеллектуал мулк ҳуқуқини олиш бўйича ҳужжатларни тузиш, хулосаларни ёзиш *малакаларига эга бўлиши керак.*

«Интеллектуал мулк муҳофазаси» фани иккинчи семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган: «Сервисда техник-технология», «Сервис техник–технологик жихозлар эксплуатацияси», «Ахборот технологиялари ва тизимлари», «Сервис тизими фаолияти асослари», «Хизмат ва маҳсулотлар сертификацияси» каби фанлар билан боғланган.

«Интеллектуал мулк муҳофазаси» фанини хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлаб чиқаришдаги ўрни муҳим ҳисобланиб, унда интеллектуал мулк соҳиби бўлиши, интеллектуал мулк ва унинг муҳофазасига боғлиқ масалаларни ҳуқуқий асосда тартибга солиб туриш тизимининг ажралмас бўғинидир.

#### ***Назорат саволлари:***

1. Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи деганда нимани тушунаси?
2. Бешта «И»нинг моҳияти.
3. Рационал шартноманинг аҳамияти
4. Интеллектуал мулкнинг халқаро тузилмасининг моҳияти
5. «Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш» қўмитасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. «Интеллектуал мулк муҳофазаси» фанининг мақсади нималардан иборат?
7. «Интеллектуал мулк муҳофазаси» фанининг вазифаси нималардан иборат?

## **II-Модул. Интеллектуал мулкнинг таснифланиши**

### **2-мавзу: Интеллектуал мулкнинг структуравий таркиби**

#### **Асосий саволлар:**

1. Интеллектуал мулкнинг структуравий таркиби
2. Фан, адабиёт, санъат асарлари ва улардан интеллектуал мулк сифатида фойдаланиш

**Таянч тушунча ва иборалар:** Мулк структураси; саноат мулки тушунчаси; мулк таркиби; Давлат рејстри; саноат мулки объектлари; патент эгаси; талабнома; саноат намуналар; носаноат мулки; фан, адабиёт, санъат асарлари.

#### **1. Интеллектуал мулкнинг структуравий таркиби**

Интеллектуал мулк - бу инсонни ижодий фаолият натижасига ҳуқуқи деб айталади Ўзбекистон Республикасини Фуқаролар кодексини 164 моддасига асосан Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф

этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.


Интеллектуал мулк асосини фан-иждо, техника ва ишлаб чиқариш бўлиб, булар бир-бирига чамбарчас боғланган. Энг янги илмий иждо маҳсулидан унинг амалиётга тадбиқ этилишигача бўлган йўлни ташкил этади.

Бундаги илмий-техникавий ривожланиш, халқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида иқтисодий қонунларига асосланган ҳолда, мунтазам равишда фан ва техника ютуқларини амалиётда қўллаб бориш билан олиб борилади.

Илмий-техникавий ривожланишда, мамлакатдаги ихтирочиликга бўлган муносабат ўта муҳим ҳисобланади. Ихтироларнинг халқ хўжалигида қўлланилиши натижасида олинган иқтисодий самара илмий-техникавий ривожланишнинг ҳал қилувчи омилларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам интеллектуал мулк бўлган ихтиро – патентларнинг янги технология, техника сифатида халқ хўжалигига тадбиқи юртимиз иқтисодиётига ялпи ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштиради.

Иқтисодиётимизнинг жадал ривожланиш вақтида мавжуд ва бўлажак интеллектуал мулкнинг муҳофазасига юртимизга катта эътибор берилаяптики, бунга айниқса юқорида келтирилган, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонун ва қоидалар бунинг исботи бўла олади.

Интеллектуал мулк структуравий таркиби бўйича у асосан саноат мулки, носаноат мулки ва фан адабиёт саноат асарлари ва улардан фойдаланиш бўйича бўлинади (расм-2.1).



Расм-2.1. Интеллектуал мулк структуравий таркиби.

## **2. Фан, адабиёт, санъат асарлари ва улардан интеллектуал мулк сифатида фойдаланиш**

Интеллектуал мулкнинг яна бир энг катта гуруҳини фан, адабиёт ва санъат асарлари ташкил этади. Уларга: Адабий асарлари (адабий-бадий, илмий, ўқув, публистик ва бошқалар); драма ва сценарий матнли ёки матнсиз мусиқа, мусикали драма; хореография асарлари ва пантомималар; аудиовизуал асарлар ранг тасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн, тасвирий асарлар; манзарали амалий ва сахна безаги; архитектура шаҳарсозлик ва боғ-парклар барпо этиш; фотография ва уларга ўхшаш асарлар; жўғрофия, геология хариталари, топография ва ҳ.к. киради.

## **3-мавзу. Интеллектуал саноат ва носаноат мулки**

### **Асосий саволлар:**

1. Интеллектуал саноат мулки
2. Интеллектуал носаноат мулки

**Таянч тушунча ва иборалар:** Мулк структураси; саноат мулки тушунчаси; мулк таркиби; Давлат реестри; саноат мулки объектлари; патент эгаси; талабнома; саноат намуналар; носаноат мулки; фан, адабиёт, санъат асарлари.

Саноат мулки интеллектуал мулкнинг муҳим таркибий қисми бўлиб у ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини ҳамда товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларини ўз ичига олади. Саноат мулки сифатида бирон-бир моддий объектларни – корхоналар биноларини, асбоб-ускуналарни ва бошқаларни кўзда тутиш нотўғри ҳисобланади.

Саноат мулкига бўлган ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқидаги каби уларнинг яратилиши факти билан эмас, балки улар Интеллектуал мулк агентлигига белгиланган тартибда экспертизадан, Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганидан, рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни Интеллектуал мулк агентлигининг бюллетенида эълон қилинганидан ва муҳофаза ҳужжатлари берилганидан кейингина пайдо бўлади.

Селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологиялари каби объектлар саноат мулки объектлари бўлиб ҳисобланмайдилар. Улар интеллектуал мулкнинг алоҳида турлари бўлиб ҳисобланмайдилар. Селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига муҳофаза ҳужжатлари шунингдек Интеллектуал мулк агентлигига томонидан берилади.

Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофазаси ҳақида гапирар эканмиз, бундай муҳофаза “Ихтирлар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” қонунда батафсил келтирилган.

**Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.** Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш.** Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворсиларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Агар саноат мулки объектини бир неча шах сбир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани Интеллектуал мулк агентликга биринчи бўлиб топширган шахсга тегишли бўлади.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган саноат мулки объектини бошқалар ғайриқонуний ўзлаштириб олиш натижасида бу объектга талабнома топширилган ёки патент олиган бўлса, патент берилганлигига қарши эътироз билдириш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектининг патенти давлат экспертизаси ўтказилгандан кейин берилади.

Ихтиро патенти ихтиронинг янгилигини, ихтиролик даражасини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасаруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Фойдали модель патенти фойдали моделнинг янгилигини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг фойдали моделга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасаруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тадиқлайди.

Саноат намунаси патенти саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини; унинг ҳақиқийлигини ҳамда патент эгасининг саноат намунасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат мулки объекти патентининг тўла ҳажмдаги ҳуқуқий муҳофазаси ёки бу муҳофазанинг фақат бир қисми ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патенти ҳақиқий эмас деб даъво қилётган тараф зиммасига юкланади.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи саноат мулки объекти рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маъумотлар Интеллектуал мулк агентликнинг расмий ахборотномасига эълон қилинган санадан эътиборан амалда деб ҳисобланади.

Интеллектуал мулк агентликга патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисобланганда ихтиро патенти йигирма йил

мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал қилади.

Ихтиро патентининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда патент эгасининг илтимосномасига биноан Интеллектуал мулк агентликги томонидан кўпи билан беш йил муддатга узайтирилиши мумкин. Бундай ихтиро патентининг амал қилишини ўзлаштириш тартиби Интеллектуал мулк агентликги томонидан белгиланади.

Саноат намунаси патентининг ва фойдали модель патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан Интеллектуал мулк агентликги томонидан тегишлича беш йилга ҳамда уч йилга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро ҳамда фойдали модель патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми эса буюмнинг (макетнинг, расмнинг) тасвирида акс эттирилган муҳим белгилари ва (ёки) уларнинг комбинацияси (бундан буён матнда унинг муҳим белгилари мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Саноат мулки объекти патенти, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади.

**Саноат мулки объектининг ҳуқуқ субъектлари.** Саноат мулки объектининг муаллифи. Ижодий меҳнат билан саноат мулки объектини ратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Агар саноат мулки объекти бир нечта жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси шу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифлари деб эътироф этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмадиган ва топширилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқдир.

**Патент эгаси.** Саноат мулки объектининг патенти қуйидагиларга берилади:

- саноат мулки объектининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (уларнинг ўзи рози бўлган тақдирда);

- ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда иш берувчига.

Ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектининг патентига бўлган ҳуқуқ, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат

мулки объектининг патентини ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. бунда иш берувчи патент эгасига шартномага белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида тегишли саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи саноат мулки объектини сир сақлаган тақдирда муаллифга (хаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

### **3. Интеллектуал носаноат мулки**

Носаноат мулк таркибида ЭҲМ дастурлари, ЭҲМ маълумот базалари; Интеграл микросхемалар топологиялари, Селекция ютуқлари ва фирма номлари киради. Албатта, буларнинг носаноат мулк деб ажратиш шартли равишда бажарилади.

Маълумотлар базаси, бу системалашган, объектив формада мақолалар, ҳисоблар ва ҳ.к. кўринишидаги маълумотлар бўлиб, буларни ЭҲМ ёрдамида топиш ва қайта ишлаш мумкин бўлсин:

- ЭҲМ учун дастурлар объектив формада ЭҲМ ишлаши ва ЭҲМ тармоқларининг маълум натижа олиш учун маълумотлар ва кўрсатмалар;

- бошланғич текст – дастурлаш тилида ёзилган, компилятор ёрдамида қайта ишлови мумкин бўлган текст;

- объектив код – бошланғич текстни машина кодига айлантиришда вужудга келган дастур;

- ЭҲМ учун декомпилировланган дастур деб, структура ва ЭҲМ кодлашни ўрганиш мақсадида объект кодини бошланғич текстга айлантириш техникавий приёми;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси учун адаптация дастури – конкрет шароитларда ЭҲМ дастурларини ишлаши учун, муаллифлик бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда маълумотлар базасига қўшимчалар критиш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини адаптацияси (қайта ишлови) – бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда критилган ўзгартиришлар;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини дастурини қайта ишлаб чиқариш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини бир ёки ҳоҳлаган нусхаларда материал формада, ёки хотирада тайёрлаш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини тарқатиш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини сотиш, прокатга бериш, импорт қилиш ва ҳ.к. билан ишлашга йўл қўйилишига тушунилади;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини чоп этиш – муаллифнинг розилиги билан ЭҲМ ёки маълумотлар базасини печатга, ишлашга бериш;

- ҳуқуқ эгалари деганда, унинг муаллиф, ёки меросхўри юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонун асосида тўла мулкчилик ҳуқуқига эгалигига тушунилади.

Ушбу асосий тушунчалар ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг моҳиятини ечиш учун қонунда қўлланиб келинмоқда.

**Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.** Интеграл микросхемаларнинг топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Асосий тушунчалар.** Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- **интеграл микросхема** – электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган, туга лёки оралик шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларининг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки борчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

- **интеграл микросхема топологияси** – интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

- **ҳуқуқ эгаси** – интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкӣ ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

**Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари ва шартлари.** Интеграл микросхеманинг ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзига хос топологияси (бундан буён матнда топология деб юритилади) интеграл микросхема топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади.

Муаллифнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган ва яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлмаган топология бошқача ҳолат исботлангунга қадар ўзига хос деб эътироф этилади.

Яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлган элементлардан таркиб топган топологияга, агар бундай элементлар йиғиндиси ушбу модда иккинчи қисмининг талабларига тўла мувофиқ бўлсагина, ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқий муҳофаза топологияга сингдирилган ғоялар, усуллар, тизимлар, технология ёки кодлаштирилган ахборотга нисбатан тадбиқ этилмайди.

**Топология муаллифи.** Ижодий меҳнати билан топологияни яратган жисмоний шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади. Агар топология икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳанти

билан яратилган бўлса, улар биргаликда муаллифлар (хаммуаллифлар) деб эътироф этилади.

Топологияни яратишга шахсан ижодий ҳисса қўшмаган, бироқ муаллифга техник, ташкилий ёки моддий ёрдам кўрсатган ёхуд топологиядан фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштиришга кўмаклашган жисмоний шахслар муаллифлар деб эътироф этилмайди.

Муаллифнинг топологияга бўлган ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

**Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи.** Ҳуқуқ эгасига топологиядан ўз ихтиёрига биноан фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳуқуқ эгаси топологияда, шунингдек шундай топологияни ўз ичига олган буюмларда “Т” ҳарфи ёки айланадаги “Т” ҳарфи ёхуд бошқача тарзда ифодаланган “Т” ҳарфини жойлаштиради ва бу унинг Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинишини кўрсатади.

Бир нечта ҳуқуқ эгаларига тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги шартномага биноан белгиланади.

**Фирма номи.** Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

### ***Назорат саволлари:***

1. Интеллектуалнинг структуравий таркибига нималар киради?
2. Интеллектуал саноат мулкнинг моҳияти.
3. Интеллектуал носаноат мулкнинг аҳамияти.
4. Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи деганда нимани тушунаси?
5. Фирма номининг аҳамияти.
6. Фан, адабиёт ва санъат асарларига нималар киради?

### **III- Модул. Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасининг ташкиллаштирилиши ва бошқарилиши**

#### **4-мавзу: Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасининг ташкиллаштирилиши ва бошқарилиши**

##### **Асосий саволлар:**

1. Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг юритилиши
2. Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентликнинг ташкил этилиши
3. Интеллектуал мулк агентликнинг халқаро фаолияти тўғрисида

**Таянч тўшунча ва иборалар:** Давлат сиёсати; Интеллектуал мулк агентлиги; патент эгаси.

#### **1. Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг юритилиши**

Юртимизда кўпгина ривожланган мамлакатлар қатори интеллектуал мулкнинг муҳофазаси ҳуқуқий асослари яратилгани, мулк соҳибларининг барча ҳуқуқлари, қабул қилинган қонун ва қоидалар орқали тўла муҳофазаланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бу борада жуда муҳим ишлар бажарилди. Жумладан: “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жойларининг номлари тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фирма номлари тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши, шулардан келиб чиққан ҳолда, интеллектуал мулкларни соҳибига айланиш учун талабномалар бериш, уни кўриб чиқиш ва Давлат рўйхатидан ўтиш қоидаларининг яратилиши мисол бўла олади. Шу билан бирга Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ваколатли Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилиши ва шу орқали саноат мулки, жумладан ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой намуналарини, шунингдек селекция ютуқлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларининг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга иштирок этади.

## **2. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилиши**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тузилмасини янада такомиллаштириш ва бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 20 декабрдаги ПҚ-1444-сон қарорига мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инновациявий технологиялар ҳамда илмий-техникавий ишланмаларни кенг татбиқ этишни рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ишончли муҳофаза қилиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизда Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилган. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги: Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотида ҳамда интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасини ифодаловчи ваколатли орган ҳисобланади.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланган:

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари экспертизасини ўтказиш ҳамда уларни давлат рўйхатига олиш; инновациявий технологиялар ҳамда ихтироларни, илмий-техникавий ва саноат ишланмаларини, бадиий-конструкторлик ҳамда ижодий ишларнинг бошқа турларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

патент ҳужжатларининг давлат фондини ҳамда интеллектуал мулкнинг расман рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг сақланишини таъминлаш ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, республика ҳудудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланишига чек қўйиш чораларини кўришда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари учун интеллектуал мулк соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ташкилий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг сони 68 кишидан иборат

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги бош директориға бошқарув ходимларининг умумий белгиланган сони доирасида марказий аппаратнинг тузилмасиға зарур ҳолларда ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий эгаларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш юзасидан судларға бериладиган даъво аризалари бўйича давлат божи тўлашдан озод этилган.



Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июнь даги 166-сонли қарори билан тасдиқланган низоми асосида иш юритилади.

Низом 5 та бўлимдан иборат, булар қуйдагилар

1. Умумий қойдалар
2. агентликни ассосий вазифасилари
3. Агентликни халқаро фаолияти

#### 4. Агентлиги ҳукуки ва жавобгарлиги

#### 5. Агентликни фаолиятини ташкиллаштириш

Агентлик давлат бошқариш органи бўлиб, интеллектуал мулк объектларни ҳукукий муҳофазасини ва ҳукукини ҳимояси соҳасида ягона давлатни сиёсатини шакллантириш ва рўёбга чиқаради.

Агентлик интеллектуал мулк ҳуқуқини коллектив бошқараетган ташкилотларни давлат рўйхатидан ўткази ва фаолиятини назорат қилиш бўйича махсус ваколатланган давлат органи ҳисобланади.

Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва қонлари, Олий мажлис палаталари қарорлари билан, Ўзбекистон Республикасини Президентини фармони, қарори ва фармоишлари билан, Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасини қарорлари ва фармоишлари билан ва ўз низоми асосида иш юритилади.

Интеллектуал мулк агентликнинг асосий вазифалари ва функцияларига қуйидагилар қиради:

- саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини ҳукукий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

- саноат мулки объектлари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига ҳукукий муҳофаза хизмати кўрсатиш;

- расмий рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига оид патент ҳужжатларининг давлат фондини ва маълумотлар банкини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасида илмий-техника, бадиий конструкторлик ва бошқа ижодиётларнинг ривожланиши учун шароитлар яратишга кўмаклашиш.

Бундан ташқари Интеллектуал мулк агентлиги ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради: ҳукукий муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш бўйича таклифлар киритади ва уни рўёбга чиқаришда бевосита иштирок этади; қонун ҳужжатларини тайёрлашда қатнашади, шунингдек ўз ваколатлари доирасида зарур норматив ҳужжатлар қабул қилади; рўйхатдан ўтказишга оид буюртманомаларни давлат экспертизасидан ўтказади; берилган буюртманомаларнинг белгиланган талабларига мувофиқлигини текшириш натижаларига кўра расмий рўйхатдан ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади; давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади, шунингдек муҳофаза қилиш ҳужжатларини беради, тегишли давлат реестрларини юритади; муҳофаза қилиш ва бошқа зарур ҳужжатларнинг ягона шакллари белгилайди; давлат илмий-техника экспертизасини ўтказишда қатнашиш учун манфаатдор вазирликлар,

идоралар ва ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этади; фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги лицензия шартномаларини, шунингдек, уларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги ёки уларнинг кафолати тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказди; рўйхатдан ўтказилган шартномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар банкини юритади;

Интеллектуал мулк агентликнинг бюллетенларини ва бошқа расмий нашрларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича бошқа маълумотлар ва материалларни чоп этишни ташкил қилади ва амалга оширади; давлат патент тизимини ривожлантиришнинг муҳим истиқболли муаммоларини ишлаб чиқиш ва ҳал этиш учун вақтинчалик ижодий илмий жамоларни ташкил қилади; ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги кадрларни тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади.

### **3. Интеллектуал мулк агентликнинг халқаро фаолияти тўғрисида**

Бундан ташқари, Интеллектуал мулк агентлигини халқаро фаолияти мавжуддир.

Интеллектуал мулк агентлиги:

- интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади;

- ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари (битимлари)дан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;

- тегишли халқаро ташкилотлар, патент идоралари ва чет мамлакатларнинг бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва шартномалар тузиш тўғрисида музокаралар олиб боради ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноат мазкур шартномаларни имзолайди;

- интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги чет эл тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланишни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал агентлики Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинладиган ва лавозимидан озод қиладиган Бош директор бошқаради.

Директорнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Агентликда хайят тузилади: унинг таркибига Бош директор (хайят раиси), унинг уринбосарлари ҳамда агентлики фаолиятини ассосий йуналишларини координатладиган булим бошликлари. Хайят таркиби ва сони Бош директорни такдимномасига ассосан УзР Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Ҳайъат маслаҳатлашув органи ҳисобланади, у ўзининг мунтазам равишда ўтказиладиган мажлисларида Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятининг муҳим масалаларини кўриб чиқади.

Агентлик таркибида ихтиродар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, интергал микросхемалар топодогияси, товар белгилари, хизматлар белгилари, товар келиб чиқиш жойлари номлари, ҳамда ЎзР кенг тарқалган товар белгиларни тан олиш ҳукукий муҳофазаси билан боғлиқ апелляцияларни суддан олдин куриш апелляция кенгаши мавжут.

Апелляция кенгаши таркибига Агентлик Бош директори, унинг уринбосарлари, агентликни юқори малакали ва тажрибали мутахассислари, ҳамда мустақил интеллектуал мулк соҳасида етук олимлар ва мутахассислар киради. ЎзР интеллектуал мулк агентлигини апелляция кенгаши низомини ЎзР Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Интеллектуал мулк объектларни ҳукукий муҳофазаси соҳасида тафсияларни куриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва муамони илмий таҳлил қилиш учун Агентликда юқори малакали мутахассислардан, ҳамда давлат ва хужалик бошқариш органлари вакиллардан, ташкилот ва муассасалардан, интеллектуал мулк соҳасида етук олимлар ва мутахассислардан илмий-техник кенгаши тузилади. Илмий-техник кенгашни низомини агентликни бош директори тасдиқлайди.

Бундан ташқари агентлик таркибида Ўқув марказим мавжут. Ўқув маркази интеллектуал мулк соҳасида мутахассислар тайерлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланади. Ўқув маркази низомини агентликни бош директори тасдиқлайди.

### **Интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича Ўзбекистон Республикаси қуйдаги Хукуматлараро Келишувларни қул қуйган:**

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерация ҳукумати орасида иккитомонлама харбий-техник ҳамкорликда ишлатиладиган ва олинган интеллектуал фаолит натижаларини биргаликда муҳофаза қилиш бўйича келишув.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Хитой Хал Республикаси орасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Украина Вазирлар Маҳкамаси орасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Азербайджон Республикаси ҳукумати орасида саноат мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Қирғизистон Республикаси ҳукумати орасида саноат мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати орасида саноат мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Козокистон Республикаси ҳукумати орасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Козокистон Республикаси ҳукумати орасида саноат мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Грузия ҳукумати орасида саноат мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

### **Идоралараро Келишувлар**

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Латвия Республикаси патенд идораси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида информация алмашинуви тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Беларусь Республикаси давлат патенд идораси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Тоҷикистон Республикаси миллий патенд-маълумот маркази орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат фан ва техника кумитасини давлат патен идораси ва Чехия Республикасини саноат мулки идораси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Грузия “Сакпатерти” патенд идораси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Эстония патенд идораси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳужжатлар алмашинуви тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Европа патенд идоралар ассоциацияси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳужжатлар алмашинуви тугрисида келишув.

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Литва Республикаси патенд бюроси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳужжатлар алмашинуви тугрисида келишув.

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Хорватия Республикаси патенд идораси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳужжатлар алмашинуви тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Германияни патенд ва товар белгилари идораси орасида ҳамкорлик тугрисида меморандум.

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Европа патенд идоралар ассоциацияси орасида Еврооооо патент-маълумот тизимидан фойдаланиш тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат фан ва техника кумитасини давлат патен идораси ва Россия патент ва товар белгилари агентлиги орасида ЭВМ

учун дастурлар, маълумотлар базаси ва интеграл микроскемалар топологияси соҳасида ҳамкорлик тугрисида келишув.

***Назорат саволлари:***

1. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунларни санаб беринг.
2. Ўзбекистонда Интеллектуал мулк агентлиги қачон ташкил этилган?
3. Интеллектуал мулк агентлигининг фаолиятини тушунтириб беринг.
4. Ўзбекистонда Интеллектуал мулк агентлиги вазифалари.
5. Интеллектуал мулк агентлигининг халқаро фаолиятидаги ўрнини аҳамияти.

**IV- Модул. Интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофазаси асослари**

**5-Мавзу. Ўзбекистон мустақиллик йилларида интеллектуал мулк ҳуқуқий асосларининг яратилиши**

**Асосий саволлар:**

1. Ўзбекистон мустақиллик йилларида интеллектуал мулк ҳуқуқий асосларининг яратилиши

**Таянч тушунча и иборалар:** Ихтиро; фойдали модель; саноат намуналари; экспертиза; Интеллектуал мулк агентлиги; объект; апелляция; патент эгаси; товар белгилари; хизмат кўрсатиш белгилари; ЭҲМ; микроскемалар топологияси; фирма номлари.

**1. Ўзбекистон мустақиллик йилларида интеллектуал мулк ҳуқуқий асосларининг яратилиши**

Дунёда 7 млн. патент руйхатга олинган ва ҳар йил 400-500 минг Янги патенлар кушилади. Ихтирочилик жудаям фойдали бизнес, ҳар йили лицензион шартномалар бўйча патенлар ва ноу-хау учун ажратмалар 150 млрд. АКШ долларидадан ортиқни ташкил этади. Лекин бунда Ўзбекистонни улуши жудам кам.

20 асрни 80-чи йилларда Ўзбекистонда ҳар йили 2170 ихтирога аризалар тушган, 21 асрни биринчи ун йиллигида бу курсаткич 309 тушган, яъни ихтирочилик темплари 7 маротаба тушган.

Ривожланган давлатларни ихтирочилик активлиги даражаси 2005-2009 йилларда куйдагича булган:

|                      |                                             |
|----------------------|---------------------------------------------|
| Японияда             | 28,5-30,5 та ариза (10 минг аҳолига бошига) |
| Корея Республикасида | 15,5-25,1 та ариза                          |
| АКШда                | 6,2-7 та ариза                              |
| Германияда           | 5,9-6,4 та ариза                            |
| Финляндияда          | 3,5-4,6 та ариза                            |

Данияда  
Буюк Британияда  
Россияда

3,1-3,4 та ариза  
2,9-3,4 та ариза  
1,6-2,5 та ариза

Ўзбекистон Республикасида бу курсатигич 0,09-0,21 ташкил этади ва бу давлатимизда ихтирочилик активлиги жудам паст эканлигини далолат беради.

2005-2009 йилларда Руйхатган олинган ихтироларни Халқаро патент классификатори бўйича статистик тахлили куйдагиларни курсатди:

| № | Халқаро патент классификатори бўлими | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | Жами |
|---|--------------------------------------|------|------|------|------|------|------|
| 1 | А - Инсон ҳаёт талабларини қондириш  | 127  | 85   | 120  | 85   | 78   | 495  |
| 2 | В – Турли технологик жараёнлар       | 36   | 26   | 25   | 34   | 17   | 138  |
| 3 | С – Кимё ва металлургия              | 143  | 93   | 109  | 108  | 69   | 522  |
| 4 | D – Текстиль ва қоғоз                | 26   | 24   | 13   | 9    | 20   | 92   |
| 5 | Е – Қурилиш ва тоғ иши               | 27   | 9    | 13   | 12   | 13   | 74   |
| 6 | F – Механика, ёруғлик, иссиқлик      | 13   | 16   | 15   | 17   | 15   | 76   |
| 7 | G - Физика                           | 18   | 16   | 11   | 14   | 13   | 72   |
| 8 | H - Электр                           | 17   | 3    | 6    | 9    | 10   | 45   |
|   | Жами                                 | 407  | 272  | 312  | 288  | 235  | 1514 |

Интеллектуал мулк агентликни фаолияти 3 босқичга бўлиш мумкин:

1. Биринчи этап (1992-1997 йиллар) бу даврда жаҳон патент тизимини амалий тажрибасини урганиш ва уни асосида қонунчилик тизимини ишлаб чиқиш.
2. Иккинчи этап (1998-2008 йиллар) бу даврда интеллектуал мулк объектларни муҳофазаси соҳасида қонунларни такомиллаштириш. Бу давр ичида бир нечта қонунлар қабул қилинди ва идора мутахассислар томонидан 130 ортиқ норматив ҳужжатлар тайёрлаган.
3. Учинчи этап 2009 йилда бошланган ва бу партнерлар билан ишлаш.

Интеллектуал мулк агентликни асосий вазиларидан бири бу Давлат патент ҳужжатлари фондини яратиш ва такомиллаштириш. Давлат патент ҳужжатлари фонд материаллари мустақиллик даврида 16 млн. нусхадан 67.5 млн нусхагача, яъни 4.2 маротаба ошди. 78% материаллар оптик дискларда сақланади. Давлат патент ҳужжатлари фонди олимларни, турли соҳа мутахассисларни, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқарувчиларга патент маълумотлари билан таъминлайди.

Бугунги кунда амалий тадқиқотларни ва ихтироларни раҳбатлантириш ва қўллаб қуватлашни ишлаш механизмидан бири бу

Республикаимизда Иновацион гоялар, технологиялар ва проектлар ярмаркасини утказилиши. Охирги 2 йил давомида утказилган ярмаркаларда олий таълим муасасалар илмий ходимлар тамонидан тайёрлаган мингдан ортик перспектив ишланмалар, технология ва технологик усуллар намоён этлган.

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлатимиз интеллектуал мулк ҳуқуқи устида жадал равишда ишлар олиб бордилар. Олий Мажлиснинг қонунлари асосида ягона сиёсат олиб борилди ва бу соҳадаги барча қонуний ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқилди.

Дастлаб вақтинчалик ҳужжатлар қабул қилиниб, кейинги йиллар эса улар алоҳида-алоҳида қонунлар шаклига келтирилди.

“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни 1994 йил 6 майда мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида қабул қилинган эди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил № 5, 138-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил № 3, 38-модда). Лекин унга, яъни 1 октябр 1992 йилдан Ўзбекистонда Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 15 сентябр 1992 йил №432 қарори билан “Ўзбекистон Республикаси саноат мулки вақтинча низоми” қабул қилинган эди. Ушбу низом, юқорида қайд этилган қонунни қабул қилингунга қадар қўлланилиб келинди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланиши ва унинг халқаро муносабатларда салоҳиятининг ошиши билан ушбу қонуннинг бутун дунё амалиётини ўрганган ҳолда янги таҳрири ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 29 августда “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун жами 39 модда, VII бўлимдан иборат бўлиб, унда умумий қоидалар (1-8 моддалар), Саноат мулки объектларининг ҳуқуқ субъектлари (9-13 моддалар), патент бериш ҳақидаги талабнома (14-19 моддалар), патент бериш ҳақидаги талабномани экспертизадан ўтказиш (20-23 моддалар), Саноат мулки объектга патент олиш ва бу патентнинг амал қиллишни тугатиш (24-29 моддалар), Саноат мулки объектларидан фойдаланиш (30-33 моддалар) ва якунловчи қоидалар (34-39 моддалар)дан ташкил топган.

Ушбу қонуннинг мақсади 1-моддада белгиланганидек – ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини (бундан буён матнда саноат мулки объектлари деб юритилади) яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида

назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Интеллектуал мулкнинг саноат мулки таркибига кирувчи товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш жойлари номлари тўғрисида ҳукукий муҳофазаси ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан ишлаб чиқилиб, юртимиз иқтисодиёти ҳаётида қўлланилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Маҳсулот белгилари ва хизмат белгилари тўғрисида”ги қонун (Олий Кенгаш ахборотномаси, 1993 йил №6, 244-модда), 1997 йил 26 декабардаги ҳамда 2000 йил 15 декабрданги қабул қилинган қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан, 2001 йил 30 августгача амалиётда қўлланилиб келинди.

Ушбу қонунлар такомиллаштирилиб, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, бутун дунё тажрибалари натижаларидан келиб чиққан ҳолда “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни ишлаб чиқилиб 2001 йил 30 августда қабул қилиниб, амалга киритилди.

Фан, техника ва ишлаб чиқаришда электрон ҳисоблаш машиналарининг (ЭХМ) кириб бориши, ҳозирги вақтда илмий-техника истиқболини бусиз тасаввур ҳам қилиб бўлмаслиги ва бу борада бутун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда истиқболли дастурларнинг бажарилишида, уларнинг асоси бўлган интеграл микросхемалар топологияларини ҳукукий муҳофазасини қонун билан белгиланиши ўта муҳим ҳисобланади.

“Интеграл микросхемалар топологияларини ҳукукий муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни 30 август 2001 йилда қабул қилинган бўлиб, 21 моддадан иборатдир.

Юртимизда сўнгги вақтларда тадбиркорликка бўлган эътибор, кўплаб фирма ва корхоналарнинг ташкил этилиши, уларнинг кун сайин ривожланиб бораётганлиги, бозор иқтисодиёти муносабатида ўтишдаги шарт-шароит талабларига биноан уларнинг ривожланишини ва муҳофазасини ҳукукий ҳимояланиши йўлида қабул қилинган ҳужжатлардан бири бу “Фирма номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳисобланади.

Ушбу қонун 2006 йил 20 июнда қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. 2006 йил 25 августда Сенат томонидан мақулланиб, 2006 йил 18 сентябрда № УРҚ-51 Президент томонидан амалга критилган бўлиб, унинг мақсади фирма номларини ҳукукий жихатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонун 1996 йил 30 августда қабул қилинган бўлиб, 2002 йил 29 августда эса унинг такомиллашган, замон талабларига жавоб берувчи янги таҳририда қабул қилинди ва амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни 2006 йил 23 мартда Қонунчилик палатаси томонидан

қабул қилиниб, 2006 йил 9 июнда Сенат томонидан мақулланган ва 2006 йил 20 июнда Президент томонидан амалга киритилган.

## **6-мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқий асослари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

### **Асосий саволлар:**

1. Интеллектуал мулк ҳуқуқий асослари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари

Юқорида кўриб чиқилган қонунлар ўзининг моҳияти, мазмуни билан юртимиз ҳаётига муҳим қонуний ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Чунки, улар асосида яратилган барча интеллектуал мулклар қонуний ҳимоялаш шароити яратилади.

Қуйида биз яратилган, ҳозирги вақтда ҳаётга ўз тадбиқини топган қонунларнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида гапириб ўтмоқчимиз.

“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни 1994 йил 6 майда мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида қабул қилинган эди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил № 5, 138-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил № 3, 38-модда). Лекин унга, яъни 1 октябр 1992 йилдан Ўзбекистонда Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 15 сентябр 1992 йил №432 қарори билан “Ўзбекистон Республикаси саноат мулки вақтинча низоми” қабул қилинган эди. Ушбу низом, юқорида қайд этилган қонунни қабул қилингунга қадар қўлланилиб келинди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланиши ва унинг халқаро муносабатларда салоҳиятининг ошиши билан ушбу қонуннинг бутун дунё амалиётини ўрганган ҳолда янги таҳрири ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун жами 39 модда, VII бўлимдан иборат бўлиб, унда умумий қоидалар (1-8 моддалар), Саноат мулки объектнинг ҳуқуқ субъектлари (9-13 моддалар), патент бериш ҳақидаги талабнома (14-19 моддалар), патент бериш ҳақидаги талабномани экспертизадан ўтказиш (20-23 моддалар), Саноат мулки объектига патент олиш ва бу патентнинг амал қиллишини тугатиш (24-29 моддалар), Саноат мулки объектларидан фойдаланиш (30-33 моддалар) ва яқунловчи қоидалар (34-39 моддалар)дан ташкил топган.

Ушбу қонуннинг мақсади 1-моддада белгиланганидек – ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини (бундан буён матнда саноат мулки

объектлари деб юритилади) яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворсиларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Агар саноат мулки объектини бир нечта шахс бир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани Патент идорасига биринчи бўлиб топширган шахсга тегишли бўлади.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган саноат мулки объектини бошқалар ғайриқонуний ўзлаштириб олиши натижасида бу объектга талабнома топширилган ёки патент олинган бўлса, патент берилганлигига қарши эътироз билдириш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектининг ҳуқуқий субъектлари. Ижоди меҳанти билан саноат мулки объектини яратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Агар саноат мулки объекти бир нечта жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳанти асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси шу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифлари деб эътироф этилади.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи саноат мулки объекти рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан амалда деб ҳисобланади. Ихтиро ҳамда фойдали модель патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми эса буюмнинг (макетнинг, расмнинг) тасвирида акс эттирилган муҳим белгилари ва (ёки) уларнинг комбинацияси (бундан буён матнда унинг муҳим белгилари мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Саноат мулки объекти патенти, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади.

Патент эгаси; патент эгасининг саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқи; патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар; патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши; ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома; фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома; саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома; саноат мулки объекти устуворлиги; талабномаларни ўзгартириш.

Патент бериш ҳақидаги талабномани экспертизадан ўтказишда: патент бериш ҳақидаги талабноманинг давлат экспертизаси; расмий экспертиза; фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси.

Саноат мулки объектига патент олиш ва бу патентнинг амал қилишини тугатишида: саноат мулки объектини давлат рўйхатига олиш; саноат мулки объекти рўйхатга олингани тўғрисидаги маълумотларни расман эълон қилиш; саноат мулки объектига патент бериш; саноат мулки объекти патентини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш; саноат мулки объекти патентининг амал қилиниши тугатиш; саноат мулки объекти патентидан воз кечиш.

Саноат мулки объектларидан фойдаланишда: ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш; аввал фойдаланганлик ҳуқуқи; саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш; саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши.

Қонуннинг яқунловчи қоидаларида: патент божлари, яъни саноат мулки объектларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент вакиллари; саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаш; чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари; низоларни ҳал этиш; саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Интеллектуал мулкнинг саноат мулки таркибига кирувчи товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш жойлари номлари тўғрисида ҳуқуқий муҳофазаси ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан ишлаб чиқилиб, юртимиз иқтисодиёти ҳаётида қўлланилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Маҳсулот белгилари ва хизмат белгилари тўғрисида”ги қонун (Олий Кенгаш ахборотномаси, 1993 йил №6, 244-модда), 1997 йил 26 декабардаги ҳамда 2000 йил 15 декабрданги қабул қилинган қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан, 2001 йил 30 августгача амалиётда қўлланилиб келинди.

Ушбу қонунлар такомиллаштирилиб, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, бутун дунё тажрибалари натижаларидан келиб чиққан ҳолда “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни ишлаб чиқилиб 2001 йил 30 августда қабул қилиниб, амалга критилди.

Ушбу қонун 38 моддадан иборат бўлиб, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

Қонуннинг 1-5 моддаларида асосан, қонун мақсади, ҳужжатлари товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш жой номлари, рўйхатдан ўтказилиши ва ҳ.к. ҳақида маълумотлар берилгани билан муҳофазаси кўрсатилган.

Товар келиб чиққан жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаси, ушбу қонуннинг 6-моддасида келтирилган: Товар келиб чиққан жой ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Товар келиб чиққан жой номи мазкур жўғрофий объектдаги, номи ўзлари ишлаб чиқараётган, ишлатиладиган бир ёки бир неча юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказган шахс бу номдан, башарт мазкур шахс ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий бирикмаси билан белгиланадиган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Ушбу қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан жўғрофий объектда жойлашган ва айнан шундай хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқариш жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин.

Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилганидек Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли органи ҳисобланади.

Қонунда: Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатга олиш учун талабнома бериш; товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабномага доир талаблар; Товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар; Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган товар белгилари; Товар белгисининг устуворлиги; Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш; товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмий экспертизадан ўтказиш; талабнома ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан шикоятлар ҳақида ҳам батафсил кўрсатилган.

Товар белгиси, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан ҳуқуқий рўйхатдан ўтказишга доир моддалар 17, 18, 19 – моддаларда келтирилган.

Рўйхатдан ўтказилган товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой чиққан жой номидан фойда олиш, амал қилиш ҳамда 20, 21, 22 ва унга ўзгартиришлар критич 23-модда, ҳақиқий эмас деб топиш, тугатилиши 24, 25 – моддаларда келтирилган.

Бундан ташқари қонунда: товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ; товар белгисидан фойдаланиш; товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш; огоҳлантирувчи тамғалаш; товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш; товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахсни қайта ташкил этиш пайтида; товар белгисини такрорий рўйхатдан ўтказиш шартлари ҳақида ҳам батафсил айтиб ўтилган.

Қонуннинг 33-моддасида патент божлари ҳақида шундай дейилади: Товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун патент божлари олинади. Бу унинг Ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажаришга доир ҳаражатларни қоплаш учун тўланади.

Албатта, қонун сўнгида патент вакиллари; товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда; чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари; низоларни ҳал этиш; товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларга жавобгарлик тўғрисида ҳам маълумотлар ёритиб ўтилган.

Фан, техника ва ишлаб чиқаришда электрон ҳисоблаш машиналарининг (ЭҲМ) кириб бориши, ҳозирги вақтда илмий-техника истиқболини бусиз тасаввур ҳам қилиб бўлмаслиги ва бе борада бутун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда истиқболли дастурларнинг бажарилишида, уларнинг асоси бўлган интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофазасини қонун билан белгиланиши ўта муҳим ҳисобланади.

“Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни 12 май 2001 йилда қабул қилинган бўлиб, 21 моддадан иборатдир.

Ушбу қонун, бу тўғрисидаги барча муносабатларни тартибга солиш билан бирга интеграл микросхемалар, интеграл микросхемалар топологияси, уларнинг ҳуқуқий эгаси тушунчаларини асослаб беради (2-модда).

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

интеграл микросхема — электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган тугал ёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларнинг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки барчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

интеграл микросхема топологияси — интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

ҳуқуқ эгаси — интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкӣ ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмонӣ шахс.

Интеграл микросхемалар топологияларни ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш объекти ва шартларида: Интеграл микросхеманинг ушбу белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзига хос топологияси (бундан буён матнда топология деб юритилади) интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади.

Муаллифнинг ижодӣ фаолият натижасида яратилган ва яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлмаган топология бошқача ҳолат исботлангунга қадар ўзига хос деб эътироф этилади.

Яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлган элементлардан таркиб топган топологияга, агар бундай элементлар йиғиндиси ушбу модда иккинчи қисмининг талабларига тўла мувофиқ бўлсагина, ҳуқуқӣ муҳофаза берилади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқӣ муҳофаза топологияга сингдирилган ғоялар, усуллар, тизимлар, технология ёки кодлаштирилган ахборотга нисбатан татбиқ этилмайди.

Яратилган топологиялар муаллифи, ҳаммуаллифлик, топологияларданг фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши ва мутлоқ ҳуқуқнинг бузилиш ҳоллари ҳам қонуннинг 4, 5, 6 – моддаларида келтирилган.

Масалан, топология муаллифи деб, ижодӣ меҳнат билан топологияни яратган шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади. Агар топология икки ёки ундан ортиқ жисмонӣ шахсларнинг биргаликдаги ижодӣ меҳнати билан яратилган бўлса, улар биргаликда муаллифлар (ҳаммуаллифлар) деб эътироф этилади.

Топологияни яратишга шахсан ижодӣ ҳисса қўшмаган, бироқ муаллифга техник, ташкилий кўмаклашган жисмонӣ шахслар муаллифлар деб эътироф этилмайди.

Муаллифнинг топологияга бўлган ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайдиган шахсий номулкӣ ҳуқуқ ҳисобланади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Ушбу қонунда хизмат топологияси деган тушунча критилиб, унда (7-модда), бу қуйидагича изоҳланади: Ходим ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг бажариши вақтида яратган (хизмат топологияси) топологиянинг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома олиш ҳуқуқи, башарти бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Хизмат топологияси учун муаллифга мукофот пулининг миқдори, шартлари ва тартиби у билан иш берувчи ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

Ушбу қонунда: топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш; топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг давлат экспертизаси;

давлат экспертизасининг хулосаси устидан шикоят қилиш; топологияни рўйхатга олиш; топология рўйхатдан ўтказилган итўғрисидаги маълумотномаларни эълон қилиш тартиблари ҳам батафсил берилган.

Рўйхатдан ўтказилган топологияларга гувоҳнома берилади, гувоҳнома фойдаланиш муддати, уларга бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилиши, гувоҳноманинг бекор бўлиши, патент божларининг тўлаб борилиши ва бошқалар ҳақида қолган моддаларда берилган.

Албатта, ушбу қонун электрон ҳисоблаш машиналари интеграл микросхемалар топологияларини Ўзбекистонда ривожланишида катта роль ўйнайди деб ҳисоблаймиз.

Юртимизда сўнгги вақтларда тадбиркорликка бўлган эътибор, кўплаб фирма ва корхоналарнинг ташкил этилиши, уларнинг кун сайин ривожланиб бораётганлиги, бозор иқтисодиёти муносабатида ўтишдаги шарт-шароит талабларига биноан уларнинг ривожланишини ва муҳофазасини ҳуқуқий ҳимояланиши йўлида қабул қилинган ҳужжатлардан бири бу “Фирма номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳисобланади.

Ушбу қонун 2006 йил 20 июнда қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. 2006 йил 25 августда Сенат томонидан мақуллиниб, 2006 йил 18 сентябрда № УРҚ-51 Президент томонидан амалга критилган бўлиб, унинг мақсади фирма номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Фирма номи деганда: Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

Қонунда фирма номида кўрсатилиши лозим бўлган белгилар қуйидагича изоҳланади:

1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат номи тижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз;

3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан фалокат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак.

Фирма номида:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

- белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатиб ўтилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки ташкилотнинг рухсати бўлса, фирма номига критилиши мумкин.

Фирма номи тўғрисидаги қонун жами 17 моддадан иборат бўлиб, унда муҳофаза қилиш, унинг ҳуқуқи, фойдаланишлиги, ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиш ва бошқалар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонун 1996 йил 30 августда қабул қилинган бўлиб, 2002 йил 29 августда эса унинг такомиллашган, замон талабларига жавоб берувчи янги таҳририда қабул қилинди ва амалга критилди.

Ушбу қонун 5 бўлим, 45 моддадан иборат бўлиб, унинг мақсади селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Унинг асосий тушунчасини селекция ютуқлари, яъни ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти ташкил этади ва асосан: селекция ютуқининг патентга лаёқатлилиги; селекция ютуғига патент олиш; патент эгасининг ҳуқуқи; патент амал қилишнинг тугатилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни 2006 йил 23 мартда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2006 йил 9 июнда Сенат томонидан мақулланган ва 2006 йил 20 июнда Президент томонидан амалга критилган.

Ушбу қонун 6 бобдан 70 моддадан иборат бўлиб: мақсади фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи тақшилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларини (турдош ҳуқуқлар) яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонуннинг асосий тушунчаларини: асар нусхаси; асарни омма олдида намоиш этиш; асарни ошкор қилиш; аудиовизуал асар; аудиовизуал асарни

тайёрловчи; барчанинг эътиборига етказиш; барчанинг эътибори учун юбориш; ёзув; ижро; ижрочи; кабел орқали юбориш; манзарали-амалий санъат асари; маълумотлар базаси; муаллиф; омма олдида ижро этиш; прокатга бериш; репрографик такрорлаш; ретрансляция; такрорлаш; фонограмма; фонограмма нусхаси; фонограммани тайёрловчи; халқ ижодиёти асарлари; чоп этиш; эфирга узатиш; эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот; эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттириши ва ҳуқуқ эгаси ташкил этади.

Бундан ташқари муаллифлик ҳуқуқи, унинг мулкӣ ҳуқуқлари, турдош ҳуқуқлар, мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий бошқариш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва бошқалар кўрсатилганки, улар ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқӣ ҳимояси тўғрисида қонуни, 1994 йил 6 май қабул қилинган бўлиб, 2002 йил 29 августда эса унинг такомиллашган, 16 моддадан иборат.

Ушбу Қонун ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини яратиш, уларнинг ҳуқуқӣ ҳимояси ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Қорақалпоғистон Республикасида ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқӣ ҳимояси борасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Ушбу Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар:

маълумотлар базаси — объектив шаклда ифодаланган ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (масалан: мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи;

ЭҲМ учун яратилган дастур — объектив шаклда ифодаланган ҳамда муайян натижа олиш мақсадида ЭҲМ, ЭҲМ шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи;

Ушбу Қонун ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини муаллифлик ҳуқуқи объектлари сирасига киритади.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқи токи акси исботланмагунга қадар сақланиб қолаверади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқӣ ҳимоя:

ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда ифодаланиши мумкин бўлган ЭҲМ учун яратилган дастурларнинг барча хилига (шу жумладан,

операция тизимлари ва дастурий мажмуаларга) нисбатан, бошланғич матн ва объект кодига нисбатан ҳам, шунингдек маълумотларни танлаш ва ташкил этиш бўйича ижодий меҳнатнинг натижаси бўлган маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади;

ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари ёхуд уларнинг бирон-бир қисмига асос бўлган ғоялар ва принципларга, шу жумладан интерфейс ҳамда алгоритм ташкил қилиш ғоялари ва принципларига, шунингдек дастурлаш тилларига нисбатан татбиқ этилмайди.

## **7-мавзу. Патент тушунчаси, унинг эгаси, ундаги мутлоқ ҳуқуқ ҳақида тушунча**

### **Асосий саволлар:**

1. Патент тушунчаси, унинг эгаси, ундаги мутлоқ ҳуқуқ ҳақида.

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилувчи қуйдаги ҳужжатлар мавжут:

- 1 - Панет;
- 2 - Товар белгисига гувоҳнома;
- 3 - Товар келиб чиққан жой номларига гувоҳнома;
- 4 - Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига гувоҳнома;
- 5 – Топологияни руйхатдан утказиш ҳақида гувоҳнома.

Патент бу – патент эгасининг ихтиро, саноат намунаси, фойдали модел, селекция ютуқларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Товар белгисига гувоҳнома – бу эгасини гувоҳномада курсатилган товарларга нисбабан товар белгисига бўлган мутлақ эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Товар келиб чиққан жой номларига гувоҳнома - бу эгасини гувоҳномада курсатилган товарларга нисбабан товар келиб чиққан жой номларини куллаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига гувоҳнома – бу руйхатга олинган дастурлар ёки маълумотлар базаларига мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир

Топологияни руйхатдан утказиш ҳақида гувоҳнома – бу эгасини топологияни куллаш учун мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир

Ижодий меҳнати билан саноат мулки объектини яратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

**Патент эгасининг саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқи.** Агар саноат мулки объектдан ўз хоҳишича фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш ҳуқуқини бузмаса, бундай фойдаланиш патент

эгасига тегишлидир, шу зайлда фойдаланиш ушбу Қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Бир неча паент эгасига қарашли бўлган саноат мулки объектидан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз объектга мутлақ лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас.

Патент эгаси патент билан тасдиқланган саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқи патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома бўйича ёки саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси бўйича ҳар қандай юридик ёхуд жисмоний шахсга (шахсларга) топшириши мумкин. Патентдан ўганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома ва лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектлари патентланганлигини кўрсатувчи огоҳлантириш тамғасидан фойдаланиши мумкин.

Патент эгалари патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида саноат мулки объектидан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки объектидан фойдаланишни хоҳловчи ва фойдаланишга тайёр ҳар қандай шахс, патент эгаси лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, ўзига мажбурий номутлақ лицензия беришни сўраб сулга илтимоснома билан мурожаа қилиши мумкин.

**Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар.** Қуйидаги ҳолларда патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди:

- Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган қурилмаларни Саноат мулки муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида мазкур восита вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда, башарти бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бўлса, қўллаш;

- патент билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситалар устида илмий-тадқиқот ёки тажриба ўтказиш;

- патентлар билан муҳофаза қилинаётгана саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар қўллаш;

- патентлар билан муҳофаза қилинаётгана саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, агар бу воситалар фуқаролик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;

- патентлар билан муҳофаза қилинаётгана саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш;

- дорихоналарда шифокор рецепти бўйича дориларни бир маротабалик тайёрлаш.

**Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши.** Патент билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан ушбу Қонуннинг 11 ва 32-моддаларида назарда тутилган қоидаларга ҳилоф равишда фойдаланаётган ҳар қандай шахс патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳисобланади.

Патентланган саноат мулки объектидан фойдаланган ҳолда буюмларни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган буюмларни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши деб эътироф этилади.

Саноат мулки объектидан патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар патент эгасининг талабига кўра:

- патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳаракатларни тўхтатишлари;
- патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплашлари шарт.

Саноат мулкига патент бериш ҳақидаги талабнома ва экспертизадан ўтказиш патентлаш ва унинг амал қилиши, фойдаланиши бўйича бажариладиган ишлар, кейинги маърузаларда унинг таркибий қисмлари бўйича келтирилган.

#### ***Назорат саволлари:***

1. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўз.Р. Қонунининг моҳияти.
2. Саноат мулки объектларига патент бериш бўйича талабномалар.
3. “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш тўғрисида” Ўз.Р. Қонуни.
4. ЭХМ да интеграл микросхемалар топологиялари моҳияти.
5. Фирма номлари ҳақида умумий маълумотлар.
6. Селекция ютуқлари ва муалифлик ҳуқуқлари ҳақида умумий маълумотлар.
7. Патент эгасининг саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқининг аҳамияти.
8. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатларни тушунтириш.
9. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши қандай ҳолларда амалга оширилади.

## **V- Модул. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг саноат интеллектуал мулк объекти сифатида қаралиши**

### **8-мавзу: Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг интеллектуал мулк сифатида қаралиши**

#### **Асосий саволлар:**

1. Ихтиронинг мазмуни, тушунчаси ва тузилиши
2. Фойдали моделлар мазмуни, кўриниш ҳоллари

**Таянч тушунча и иборалар:** Ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари; талабнома; ихтиро муаллифи; талабнома тузиш; Париж конвенцияси; БМТ СТ,25 стандарти; талабнома ҳужжатлари; код; БИМТ; штамм; чизмалар фигураси; талабнома ҳужжотлари ўлчамлари; расмий ҳужжат.

#### **1. Ихтиронинг мазмуни, тушунчаси ва тузилиши**

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Қонунига (янги таҳрири 29.08.2002 й. да тасдиқланган) мувофиқ қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар турлари, аввалдан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларни янги вазифада қўлланилиши ихтирлар сифатида тан олинади.

Ўзбекистонда жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда илмий назариялар ва математик усуллар, ташкилий ва бошқарув усуллари, шартли белгилар, иш жадваллари, қоидалар, ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари, электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар, бинолар, иншоотлар, ҳудудларнинг жойлашиши лойиҳалари ва схемалари, эстетик эҳтиёжларни қаноатлантиришга йўналитирилган буюмларнинг фақат ташқи кўринишига тааллуқли ечимлар, интеграл микросхемалар топологиялари, ўсимликлар павлари ва ҳайвон зотлари, жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига қарама-қарши бўлган ечимлар ихтиро деб тан олинмайди.

Ихтирога бўлган ҳуқуқ патент билан тасдиқланади. Патент эгасига ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқи берилади.

Ихтиро патентланиши учун янги, саноатда қўлланила олиши ва ихтирочилик даражасига эга бўлиши лозим (сўнгги талаб таклиф қилинаётган техник ечим ушбу соҳадаги мутахассис учун яққол аён бўлмаслиги кераклигини англатади).

Патент тегишли патент божлари тўланган ҳолларда давлат экспертизаси ўтказилганидан сўнг ижобий қарор чиқарилганига берилади ва Патент

идорасига патент бериш учун талабнома топширилган санадан бошлаб йигирма йил давомида амал қилади.

Қонуннинг 6-моддааси саккизинчи қисмига мувофиқ қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штамлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штамларининг янги мақсадда қўлланилиши ихтиро сифатида эътироф этилади.

а) Ихтиро тури – “қурилма”

ихтиро тури сифатида қурилмаларга конструкциялар, конструктив элементлар ёки уларнинг функционал конструктив бирликда бўлган мажмуидан иборат буюмлар киради.

Қурилмаларга машиналар, асбоблар, аппаратлар, ускуналар, инструментлар, маҳкамловчи буюмлар, машина деталлари, алоқа воситалари, қурилиш конструкциялари ва бошқалар киради.

б) Ихтиро тури – “усул”

ихтиро тури сифатида усулларга моддий объект (қурилма, муҳит, электр заряди, магнит майдони ва бошқалар) устида моддий воситалар ёрдамида ўзаро боғлиқ ҳаракатларни бажариш жараёнлари киради.

в) Ихтиро тури – “модда”

Ихтиро тури сифатида моддаларга:

- кимёвий бирикмалар, буларга шартли равишда юқори молекуляр бирикмалар ва ген инженерияси маҳсулотлари бўлган рекоминант нуклеин кислоталар, векторлар киритилган;

- композициялар (таркиблар, аралашмалар, қотишмалар, эритмалар ва бошқалар);

- ядровий парчаланиш маҳсулотлари киради.

г) Ихтиро тури – “микроорганизм штамми, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялари)”

Микроорганизм штамлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялар)га:

- бактериялар, вируслар, бактериофаглар, микро сув ўтлари, микроскопик замбуруғлар ва бошқаларнинг штамлари;

- микроорганизмлар, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялари) консорсиумлари;

- хусусан микроорганизмлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг плазмидлари, векторлари, барқарор трансформасияланган ҳужайралари, трансген ўсимликлар ва ҳайвонларга доир бўлган генетик конструкциялар киради.

д) Ихтиро тури – “аввалдан маълум бўлган қурилма, усул, модда, штамми янги мақсадда қўлланилиши”

Ихтиро тури сифатида аввалдан маълум бўлган қурилма, усул, модда, штамми янги мақсадда қўлланилишига уларнинг ўзгача мақсадга мувофиқ ишлатилиши киради.

Аввалдан маълум бўлган (табiiй ва сунъiiй йўл билан олинган) моддаларни ижтимоiiй истеъмолини қаноатлантириш учун биринчи марта ишлатилиши янги мақсадда ишлатишга тенглаштирилади.

Қонуннинг 15-моддаси биринчи қисмига мувофиқ талабнома битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикрини (ихтиро бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Агар ихтиро формуласида битта ихтиро тавсифланган бўлса;

- ихтиро формуласида бир турдаги (бир қанча қурилмалар, бир қанча турлар ва бошқалар), бир хил мақсадда фойдаланишга мўлжалланган, принципиал айнан бир хил йўл (вариантлари) билан айнан бир хил техника натижасини олишни таъминлайдиган объектларга тааллуқли ихтиролар гуруҳи тавсифланган бўлса;

- бири иккинчисини олиш (тайёрлаш) учунг мўлжалланган бўлса (масалан, қурилма ёки модда ва қурилма ёки моддани бутунлай ёки уларнинг бир қисмини олиш усули);

- бири иккинчисини амалга ошириш учун мўлжалланган бўлса (масалан, усул ва усулни бутунлай ёки унинг амалларидан бирини ошириш учун қурилма);

- бири иккинчисидан (иккинчисида) фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса (масалан, усулда фойдаланиш учун мўлжалланган усул ва қурилма; усул ёки қурилма ва унинг бир қисми; қурилма ёки моддани улардан янги мақсадда фойдаланиш учун қўллаш ва ушбу мақсадга мувофиқ улардан фойдаланиш усули; қурилма ёки моддадан янги мақсадда фойдаланиш ва таркибий қисми бўлган қурилма ёки композиция) ихтиро бирлиги талабига риоя қилинган деб ҳисобланади.

Ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикрини ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Ихтиро ҳақидаги талабнома:

- ихтиронинг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги Талабномани;

- ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ очиқ берилган тавсифини;

- ихтиронинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини;

- агар ихтиронинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материалларни;

- ихтиро рефератини ўз ичига олиши лозим.

Хужжатлар узбек ёки рус тилида булиши шарт. Талабнома бошқа тилда тулдирилган булса уни узбек ёки рус тилида таржимаси билан такдим этилиши керак. Ҳамма хужжатлар 3 экземплярда топширилади, бунда 2 экземпляри

коғозда учиничси эаса электрон ҳолда (CD-диск, флешка ва бошқалар) тақдим этилиши мумкин.

Талабнома узбек ёки рус тилда махсус формада топширилади. Бунда Чет эл корхоналар ва Талабнома берувчиларни номи, ихтирони номини узбек ёки рус транслитерациясида бериледи.

Ихтирони тавсифи уни номидан бошланади. Ихтиро номи қисқа ва аниқ, ихтирони моҳиятига мос, объект турини аниқлаши ва уни ишлатишини тавсифлайдиган бўлиши керак.

Тавсифни “Техника даражаси” бўлимида ихтигори белгилар мажмуи бўйича яқин, Талабнома берувчига маълум бўлган аналоглар тугрисида маълумот бериледи. Ихтирони аналог сифатида қулланиши бўйича, белгилар мажмуи бўйича тавсифлайдиган ва муҳим белгилар мажмуи ухшашлиги бўйича яқин бўлган восита олинади.

Тавсифни “Ихтирони моҳияти” бўлимида ихтирони техник натижасини таъминлаш учун етарли бўлган моҳиятини муҳим белгилари мажмуи билан ифодаланади. Белгилар муҳим бўлади қачонки улар техник натижа олишга таъсир этса, яъни қурсатилган натижа билан сабали-оқибатли боғликида бўлса. Қурилмани тавсифлаш учун асосан қуйдаги белгилардан фойданилади:

- Конструктив элемент борлиги;

- Элементлар орасида боғлиқлик борлиги;

- Элементларни узаро жойлашуви;

- Элементни бажарилган формаси ёки тулик усқунани, бинобарин геометрик формаси;

- Элементлар орасида боғлиқлик бажариш формаси;

- Элементларни параметирлари ва бошқа тавсифларини ва уларни боғланиши;

- Элементни ёки бутун усқнани ясалган материал;

- Муҳид, элемент воситасини бажараетган;

Усулларни тавсифлаш учун асосан қуйдаги белгилардан фойданилади:

- Харат ёки характ мажмуи борлиги;

- Вакт ичида харакатни бажарилиш кетма-кетлиги (кетма-кет, бирвакtda, хар хил бирмада ва бошқа)

- Характни амалга ошириш шароитлари, режимлари, моддаларни ва қурилмаларни ишлатилиши.

Композицияларни тавсифлаш учун асосан қуйдаги белгилардан фойданилади:

- Сифатли (ингредиентлар) таркиби;

- Микдорий (ингредиентлар микдори) таркиб;

- Композиция тузилиши;

- Ингредиентлар тузилиши;

Таркиби аниқланмаган композицияни тавсифи сифатида физикғкимёвий, физик ва утилитар қурсатғичлар ҳамда олиш усули белгилари ишлатилиши мумкин.

Ихтирони формуласи патент тоmodидан берадиган ҳукукий муҳофазасини ҳажмини аниклаш учун мужалланган. Ихтиро формуласи тавсиф ва чизмаларга тулик асосланиши керак, яъни ихтирони тавсифда ва чизмада берилган тшунчалар билан тавсифланиши керак.

Ихтирони реферати ихтиро хакида маъмумотни мақсади учун хизмат килади ва ихтирони тавсифни қискартирилган баёни ҳисобланади. Реферат уз ичига ихтирони номини, ихтиро тегишли булган техника соҳасини тавсифини, кулланилиши соҳаси, олинадиган техник натижани тавсифини моҳияти. Керак булган ҳолларда ихтиро рефератига чизмалар ёки кимевий формулалар киритилади. Ихтиро рефератига кирилган чизма олоҳида варақда, рефератни нусхалар сонига тенг нусхада тақдим этилади.

Ихтиро рефератини тавсия этилган ҳажми – 1000 босма белгигача.

Талабномани ҳар бир ҳужжати янги варақдан бошланади. Варақлар А4 форматида яъни 210x297 мм булиши керак. Тавсиф, формула ва реферат булган варақларни минипал ҳошиялари: юроридан – 20 мм, унгдан 20 мм, пастдан 20 мм, чапдан 25 мм.

Чизмалар мавжут булган варақларни ишлатиладиган майдони 170x262 ммдан ошмаслиги керак, минипал ҳошиялари улчамлари: юроридан – 25 мм, унгдан 15 мм, пастдан 10 мм, чапдан 25 мм. Бқ варақларда фойдаланадиган ва фойдаланмайдиган майдонларида рамақалар булмаслиги керак.

Документлар қора шрифти билан чоп этилади. Тавсиф, формула ва рефератларни матинлари 1.5 интервалда ва бош ҳарфларни баландлиги камида 2,1 мм булган ҳолда чоп этилади.

График белгилар, лотин номлар, лотин ва грек ҳафлари, математик ифодалар ва формулалар, кимёвий формулалар қора чернила, паста ёки тушь билан езилиши мумкин. Формулаларни кул билан ва босма ҳолда аралаш езувлари қуйилмайди.

Чизмалар техник чизмалар бажариш қойдаларига риоя қилган ҳолда бажарилади.

Ихтиро муалифи, иш берувчи ва уларни ҳукукий вориси Талабномани бериш ва панет олиш ҳукукига эгадир.

Талабнома Интеллектуал мулк агентликга туғридан туғри топришилади ёки почта орқали жунатилади. Талабномани талабнома берувчини узи ёки Интеллектуал мулк агентлигга руйхатга олинган патент вакили ёки бошқа ишончли шахс орқали топширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар саноат мулки объектларини патентлаш бўйича ишларни ва улар билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни Агентликда руйхатга олинган патент вакиллари орқали амалга оширадилар.

Агентликга тушган Талабнома материаллари ихтирога Талабнома сифатида ва тушган кунини курсатилиб руйхатга олинади, агар ҳужжатлар орасида қуйдагилар мавжут булса: Ўзбек ва рус тилида патент бериш хакида Талабнома ва патент бадалини тулаганлиги хакида тасдиқловчи ҳужжат.

Агентликда Талабномага кайд раками куйилади. Талабнома хужжатлари келиб тушганлиги хакида Талабномадига билдириш хати берилади ва унда Талабномани кайд раками ва келиб тушкан санаси курсатилади.

Агентликка Талабнома келиб тушган кундан бошлаб то Талабнома маълумотларни расмий публикациясигача ёки патент белгункадар махвий хисобланади ва Талабнома берувчини рухсати сиз ошкор этиш ман этилади.

Конунинг 21 моддасига асосан Талабномани расмий экспертизаци Талабнома Агентликга тушганига икки ой булгандан кейин бошланади. Талабнома берувчи езма билдиш хатига асосан расмий экспертиза олдинрок утказилиши мумкин. Бу ҳолда талабнома берувчи илтимоснома топширилган пайтдан бошлаб қўшимча патент божи тўламасдан талабнома материалларига ўз ташаббуси билан қўшимчалар, тузатишлар ва аниқликлар киритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Талабномани расмий экспертизаси утказиш даврида куйдагилар текширади:

А) Талабномага булиши керак булган хужжатларни мавжутлигини;

Б) Хужжатларга куйилган талабларни бажарилганлиги;

В) Талабномани бериш тартибини бажарилганлигини конунинг 14 моддасини 4 қисми буйича, ишончномани тугри расмийлаштирилганлиги;

Г) Талабномада берилаётган таклиф ихтиро объекти сифатида кирганлиги

Д) Талабнома агентликга тушган кундан суралган устуворлик куни олдинрок эганлигини исподлиги;

Е) Халқаро патент классификатори буйича ихтиро тугри классификаторланганлиги тугрилиги.

Агар расмий экспертиза даврида талабномани расмийлаштиришида уларга куйилган талабларга риоят қилинмаган булса, у ҳолда талабнома берувчига камчиликлар курсатиган билдириш хати юборилади ва уч ой ичида тузатилган хужжатларни Агентликга такдим этилишини суралади. Агар талабнома берувчи курсатилган муддат ичида хужжатларни такдим этмаса, у ҳолда талабнома қайтарилган хисобланади ва талабнома берувчига билдириш хати жунатилади.

Конунинг 23 моддасига асосан Агентлик патент божи тўланган тақдирда, талабнома берувчининг ёки ҳар қандай шахсининг илтимосномасига кўра ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказилади. Илтимоснома талабнома топшириладиётганда ёки кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ичида топширилиши мумкин.

Талабноманинг моҳияти бўйича экспертизасида куйдагилар омалга оширилади:

А) Ихтирони устуворлиги урнатилиши, агар у конунинг 18 моддасини 2 бандига асосан суралган булса;


Б) Талабнома берувчини томонидан такдим этилган ихтиро формуласини куйилган талабларга жавоб бериши;

В) Талабнома берувчини томонидан такдим этилган кушимча материалларни текшириш;

Г) Талаб этилган ихтирони патентга лаёкатлигини текшириш.

Конунинг 20 моддасига асосан Талабнома берувчига кушимча материалларга суров қачонки жунатилади қачон бу материалларсиз талабномани мохияти буйича экспертизани утказиб бўлмайдиган ҳолда.

Ихтиро ва фойдали модельга тушган талабномани иш юритиш схемаси



Суров жунатилиш учун куйдагилар асос булиши мумкин:

- патент божини туланиши тугирлиги буйча саволларга аниклик киритиш керак булганда
- текшири натижаси буйича ихтирони формуласига аниклик киритиш керак булганда
- талаб этилган ихтирони патентга лаёкатлигини текшириш билин боглик саволларни хал килиш керак булганда
- талаб этилган ихтирони патентга лаёкатлигини текшириш натижасида ихтиро формуласига аниклик киритиш керак булганда
- Устуворлик куни бирхел булган ухшаш саноат мулкларни талабномаларни куриш билан боглик булган саволларни хал килиш учун.

Агентлик патент бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг ихтиро Давлат ихтиролар реестрида давлат рўйхатига олади, агар патент божи туланса. Агентлик ихтирони рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган расмий ахборотнома нашр этади. Эълон қилинадиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхати ва таркиби Агентлик томонидан белгиланади

## **2. Фойдали моделлар мазмуни, кўриниш ҳоллари**

Фойдали модел қонунга асосан, қурилмаларнинг конструктив бажарилишига тушунилади. Агар, фойдали модел ҳақиқатан ҳам янги бўлса, унга қонунга асосан ҳуқуқий ҳимоя патент кўринишида Патент идораси томонидан беш йил муддатга берилади.

Фойдали моделнинг патентга лаёқатлилиқ шартлари “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасида келтирилган. Жумладан, шундай дейилган: Агар фойдали модель сифатида кўрсатилган объект янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар фойдали моделнинг муҳим белгилари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Техника тараққиёти даражаси талабномада кўрсатилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги Ўзбекистон Республикасида ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотларни, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотларни ўз ичига олади.

Фойдали модель, агар ундан амалда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Фойдали моделга тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Интеллектуал мулк агентлиги топширилган бўлса, фойдали моделнинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган

ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қурилманинг конструктив йўл билан бажарилиши фойдали моделларга тааллуқлидир.

Ушбу Қонун 6-моддасининг тўққизинчи қисмида кўрсатилган объектлар фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинмайди.

Фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда фойдали модель ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта фойдали моделга ёки ягона ижодкорлик фикрини (фойдали модель бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган фойдали моделлар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Фойдали модель ҳақидаги талабнома:

фойдали моделнинг муаллифи (хаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги Талабномани;

фойдали моделнинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ очиб берилган тавсифини;

фойдали моделнинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини;

агар фойдали моделнинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материалларни;

фойдали модель рефератини ўз ичига олиши лозим.

Талабнома битта фойдали моделга ёки ягона ижодкорлик фикрини ташкил этган бир-бири билан узвий боғланган (фойдали моделнинг бирлиги шарт) фойдали моделлар гуруҳига тааллуқли бўлиши лозим.

Агар қуйидаги шартлар бажарилган бўлса фойдали модель бирлиги талабига риоя этилган деб эътироф этилади:

фойдали модель формуласида бир фойдали модель тавсифланган бўлса;

фойдали модель формуласида қуйидаги фойдали моделлар гуруҳи тавсифланган бўлса:

принципиал бирдан-бир йўл (вариантлар) билан худди ўша техникавий натижага эришишни таъминлайдиган бир турдаги (бир қанча қурилмалар, бир қанча турлар ва бошқалар), вазифаси бир хил бўлган объектларга тааллуқли фойдали моделлар;

бир қурилмани олиш (тайёрлаш) учун мўлжалланган бошқа қурилма (масалан, қурилма ва уни тайёрлаш учун қурилма);

бири бошқасидан фойдаланиш учун ёки бошқасида фойдаланиш учун мўлжалланган (масалан, қурилма ва унинг ташкил этувчи қисми) бўлса.

Ҳамма ҳужжатлар зарур бўлган ҳолларда уларни бевосита репродукция қилиниб, чекланмаган миқдорда нусха кўчириш имконияти бўлган тарзда расмийлаштирилади.

Ҳар бир варақнинг фақат бир томонидан, қаторларни варақнинг кичик томонига параллел жойлаштирилган ҳолда фойдаланилади.

Талабноманинг ҳар бир ҳужжати алоҳида варақдан бошланади. Варақлар 210x297 мм форматга эга бўлади. Тавсиф, формула, чизма ва рефератларни ўз ичига олган варақнинг ҳошияси қуйидагича бажарилади, мм:

юқоридаги - 20;

ўнгдаги - 20;

қуйидаги - 20;

чапдаги - 25.

Чизмалар чизилган варақлардаги фойдаланиладиган сатҳнинг ўлчами 170-262 ммдан ошмаслиги лозим, ҳошияларнинг ўлчами қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак, (мм):

юқоридаги - 25;

чапдаги - 25;

ўнгдаги - 15;

пастки - 10.

Бу варақда фойдаланилган ёки фойдаланишга яроқли сатҳ атрофида рамка чизилмаслиги лозим.

Тасвирлар формати шундай танланадики, бунда талабнома ҳужжатлари варақларининг белгиланган ўлчамларидан ошмаслиги керак. Кичик форматдаги тасвирлар (фотосуратлар) қоғоз варақларига ёпиштирилган ҳолда, варақ формати ва сифатига қўйилган талабларга риоя қилинган ҳолда тақдим этилади.

Талабнома ҳар бир ҳужжатининг варақлари бирдан бошлаб алоҳида рақамлаб чиқилади. Варақларнинг рақамлари иккинчи варақдан бошлаб араб рақамлари билан қўйилади.

Фойдали модель формуласи ва тавсифининг ҳар бешинчи қаторини рақамлаб чиқиш тавсия этилади. Рақамлар белгиланаётган қаторнинг чап тарафига араб рақамлари билан қўйилади.

Ҳужжатлар қора рангли шрифт билан босмадан чиқарилади. Тавсиф, формула ва рефератнинг матнлари 1,5 интервал орқали бош ҳарфларининг баландлиги 2,1 мм дан кам бўлмаган ҳолда босмадан чиқарилади.

График символлар, лотинча номлар, лотинча ва юнонча ҳарфлар, математик ифодалар (формулалар) ёки символлар сиёҳ, қора рангли паста ёки тушъ билан кейин ёзиб қўйилиши мумкин. Формулаларни босма ҳолда ва қўл билан аралаш ҳолда ёзишга рухсат этилмайди.

Фойдали моделнинг тавсифида, формуласида ва рефератида математик ифодалар (формулалар) ва символлар ишлатилиши мумкин.

Математик формулалардаги мавжуд ҳамма ҳарфий белгилар очиб берилади. Формулаларга бериладиган тушунтиришларни устун шаклида ёзиш лозим ҳамда ҳар бир қатордан сўнг вергул билан нуқта қўйиш лозим. Бунда ҳарфий ифодаларнинг расшифровкаси, формулада қўлланилган тартиб бўйича берилади.

Математик белгилар:  $>$ ,  $<$ ,  $=$  ва бошқалар фақат математик формулаларда қўлланилади, матнда уларни сўзлар билан ёзиш лозим (катта, кичик, тенг ва ҳ.к.)

График тасвирлар (чизмалар, схемалар, графиклар, расмлар ва ҳ.к.) чизмачилик асбоблари ёрдамида ўчирилмайдиган, қора, аниқ чизиқлар ва штрихлар билан тушланмасдан ва бўялмасдан бажарилади.

Ҳар бир график тасвир, бу тасвирнинг шаклидан (чизма, схема, расм ва ҳ.к.) ва варақларнинг рақамланишидан қатъий назар, тавсиф матнида келтирилган тартибга мувофиқ араб рақамлари билан фигура сифатида рақамланади (фиг.1, фиг.2 ва ҳ.к.). Агар тавсиф битта фигура билан тушунтирилса, у рақамланмайди.

Чизманинг бир варағида бир неча фигуралар жойлаштирилиши мумкин, бундай ҳолларда улар бир-бирларидан аниқ чегаралаб қўйилади. Агар икки ва ундан ортиқ варақларда жойлашган фигуралар битта фигуранинг бўлақларини ташкил этсалар, ҳар хил варақларда тасвирланган фигуралардан бирортаси тушириб қолдирилмай компоновка қилиниши мумкин бўлган ҳолда жойлаштирилади.

Чизмалар техникага оид чизмаларни тайёрлаш қоидаларига мувофиқ бажарилади.

Чизмада тўғри бурчакли (ортогонал) проекциялардан (турли кўринишлар, қирқимлар ва кесимларда) фойдаланиш афзалроқ ҳисобланади; шунингдек аксонометрик проекциялардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Чизмаларда ўлчамлар кўрсатилмайди, зарур бўлган ҳолларда улар тавсифда келтирилади

График тасвирларнинг элементлари фойдали моделнинг таърифига мувофиқ ҳолда араб рақамлари билан белгиланади.

Бир неча фигураларда келтирилган бир хил элементлар, бир хил рақамлар билан белгиланади. Турли фигураларда келтирилган турли элементларни бир хил рақамлар билан белгилаш мумкин эмас. Тавсифда кўрсатилмаган белгилар чизмага қўйилмайди.

Чизмалар, схемалар, расмлар фойдали модель тавсифида ва формуласида келтирилмайди

Фойдали модель муаллифи, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари талабнома топшириш ва патент олиш ҳуқуқига эга. Талабнома бевосита Агентликга топширилади ёки почта орқали юборилади. Қонуннинг 35-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган жисмоний шахслар ёки хорижий юридик шахслар, агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартномада бошқача қоидалар кўзда тутилмаган бўлса, талабнома бериш ва патент олиш билан боғлиқ ишларни Агентликда рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари орқали олиб борадилар.

Ёзишма талабнома берувчи ёки унинг ушбу ишга ваколат берилган вакили билан ҳар бир талабнома бўйича алоҳида олиб борилади. Талабнома топширилгандан кейин юбориладиган материалларда талабнома рақами ва

талабнома берувчи ёки унинг патент вакили ёхуд ишончли вакилининг имзоси бўлиши шарт. Талабнома рақами кўрсатилмаган материаллар, агар рақамни билвосита аниқлаш имкони бўлмаса, қайтариб юборилади.

Қонуннинг 20-моддасига кўра талабнома берувчи талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида талабномада кўрсатилган саноат мулки объектининг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар киритиш ҳуқуқига эга. Белгиланган миқдордаги патент божи тўланган тақдирда талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ҳам, лекин патент бериш ҳақидаги қарор чиқарилгунга қадар тегишли ариза бериш йўли билан киритилиши мумкин. Аризага, талабнома материалларига ўзгартиришлар киритиш учун патент божи тўлангани ҳақидаги ҳужжат илова қилинади.

Фойдали модель бирлиги талаби бузилган ҳолда топширилган талабнома, талабнома берувчининг илтимосига кўра икки ёки бир неча талабномаларга ажратилиши мумкин (бундан буён – ажратилган алоҳида талабнома). Ажратилган алоҳида талабномалар бўйича биринчи талабноманинг топшириш санаси ва фойдали модель устуворлиги, биринчи талабнома бўйича бир мунча илгарироқ устуворликни белгилаш ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳолда эса, ушбу устуворлик сақлаб қолинади.

Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган талабнома бўйича талабнома берувчига етишмаган ёки тузатилган материалларни сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида тақдим этиш таклиф қилинган сўровнома юборилади. сўралган материалларни талабнома берувчи томонидан тақдим этиш муддати белгиланган муддатни узайтириш тўғрисида илтимоснома берилган ҳолда, аммо 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Талабнома берувчи (унинг патент вакили ёки ишончли шахси) ўзи топширган талабнома ва шу талабнома бўйича Агентлик билан олиб борилган ёзишмалар билан куни ва соатини аввалдан келишиб, бевосита Агентликда, ва шунингдек талабнома, кўрсатилган материаллар ёки уларнинг қисмлари нусхасини сўровнома орқали олиб танишиши мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари талабнома материаллари билан фақат тергов олиб бориш зарурияти муносабати билан танишиш ҳуқуқига эга.

Талабнома билан боғлиқ саволларни талабнома берувчининг (унинг патент вакили ёки ишончли шахсининг) иштирокида кўриб чиқиш Агентликнинг таклифи бўйича ёки талабнома берувчининг илтимосига кўра иккала томон бу саволлар билан танишиб чиққанидан сўнг амалга оширилади.

Агентликга келиб тушган талабнома материаллари, агар камида ўзбек ёки рус тилида патент бериш тўғрисидаги ариза ва белгиланган миқдорда патент божи тўланганини тасдиқлайдиган ҳужжатни ёки патент божини тўлашдан озода этиш учун ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқлайдиган ҳужжатни ичига олса, улар келиб тушган санаси кўрсатилган ҳолда фойдали моделга талабнома сифатида рўйхатга олинади.

Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ Агентлик патент бериш учун талабнома бўйича расмий экспертиза ва фойдали моделга талабнома экспертизасидан иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказди. Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ талабноманинг расмий экспертизаси у Агентликга келиб тушган санасидан икки ой ўтгандан сўнг ўтказилади. Талабнома берувчининг ёзма илтимосномасига кўра расмий экспертиза кўрсатилган муддат ўтмасдан бошланиши мумкин. Бу ҳолда талабнома берувчи илтимоснома берилган пайтдан бошлаб талабнома материалларига белгиланган миқдорда қўшимча патент божи тўламасдан ўз ташаббусига кўра тузатишлар, аниқликлар ва қўшимчалар киритиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Расмий экспертиза ўтказиш давомида қуйидагилар текширилади:

- а) талабнома таркибида бўлиши ёки унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги;
- б) фойдали модель моҳиятини таҳлил қилмасдан туриб аниқланадиган белгиланган талабларга риоя қилинганлиги;
- в) Қонуннинг 14-моддаси тўртинчи қисмида кўзда тутилган ҳолларда талабнома топшириш тартибига, жумладан патент вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончноманинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилишига риоя қилинганлиги;
- г) талабнома фойдали модель сифатида муҳофазаланадиган объектларга оид таклифга берилганлиги;
- д) талабнома бўйича Агентликга келиб тушган санасидан аввалроқ устуворликни сўраш асосланганлиги;
- е) фойдали моделини Халқаро Патент Классификаторнинг амал қилаётган таҳриридаги таснифланиши тўғрилиги (агар талабнома берувчи томонидан таснифланмаган бўлса таснифланади).

Агар расмий экспертиза жараёнида талабнома ҳужжатлари қўйилган талабларга риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилгани аниқланса, талабнома берувчига камчиликларни кўрсатиб, зарур ҳуқуқий асосларни келтирган ҳолда ва етишмаган ёки тузатилган ҳужжатларни сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида тақдим этиш таклиф этилган сўровнома юборилади.

Қуйидагилар сўровнома юбориш учун асос бўлади:

- а) талабномада ушбу Қоидаларнинг 5-бандида кўзда тутилган ҳужжатлардан бирортаси бўлмаса;
- б) талабнома патент вакили ёхуд ишончли шахс орқали топширилганда ишончнома йўқлиги ёки уни расмийлаштириш қоидалари бузилганлиги;
- в) талабнома ҳужжатлари белгилангандан кам нусхада топширилганда;
- г) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи жисмоний шахслар ёки хорижий юридик шахслар томонидан талабнома Агентликда рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари орқали топширилмаганда, агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро битимларда талабномани бундай топшириш кўзда тутилган тартиб ўрнатилмаган бўлса;

д) патент бериш учун аризада Қоидаларда кўзда тутилган реквизитлар, имзолар, муҳр (зарур бўлганда) йўқлиги;

е) патент божлари тўғри тўланганлиги билан боғлиқ саволларни аниқлаш зарурияти;

ж) талабнома ҳужжатларининг ўзбек ёки рус тилига таржимаси йўқлиги, агар улар бошқа тилда топширилган бўлса;

з) ҳужжатлардан бевосита нусха кўчиришга, уларни сақлашга тўсқинлик қиладиган ва/ёки патент тавсифини эълон қилишга тайёрлаш имкониятини бермайдиган камчиликлар (варақлар форматига, ҳошияларнинг ўлчамларига ва ҳ.к.ларга қўйилган талаблар бузилганда, талабнома материалларини ўқишни қийинлаштирадиган босма сифати ва ҳ.к.) аниқланганда;

и) фойдали модель тавсифида Қоидаларда кўзда тутилган бирон-бир бўлимнинг йўқлиги (агар тегишли бўлимда баён қилиниши лозим бўлган маълумотлар бошқа бўлимда келтирилган бўлса сўровнома юборилмайди), ва шунингдек фойдали модель формуласида ёки тавсифида бирон-бир аломат таърифини ушбу аломат очиб берилган адабиёт манбаига ҳавола қилиш билан алмаштириш;

к) талабномада ҳамма таниша олмайдиган адабиёт манбаига берилган изоҳлар ёки ундаги баъзи маълумотларни (патент берилиши тўғрисида маълумотларни эълон қилишда муаллифлиги кўрсатилишини истамаган муаллифлар тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно) эълон қилиш мумкин эмаслиги ҳақида кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолда;

л) формула бандини битта гап кўринишида баён қилиш талаблари бузилган ҳолда;

м) фойдали модель формуласида тегишли объект белгилари ўрнига унинг ишлатишдаги кўрсаткичлари ва истеъмол хусусиятлари, уни амалга ошириш ва/ёки ундан фойдаланишда келиб чиқадиган эффект ва ҳодисалар ҳақида маълумотлар мавжудлиги;

н) талабнома ҳужжатларининг бир-бирига мос эмаслиги (аризада келтирилган фойдали модель номи тавсифда ва формулада келтирилган номига мос эмаслиги; чизмалар фойдали модель тавсифига мос эмаслиги ва ҳ.к.).

о) талабномада аввалроқ устуворлик сўраш билан боғлиқ саволларни аниқлаш зарурияти.

Қонуннинг 22-моддаси биринчи қисимга мувофиқ фойдали моделга талабнома экспертизаси белгиланган миқдордаги патент божини тўланган тақдирда ўтказилади.

Патент божи тўлангани ҳақидаги ҳужжат келиб тушганда талабнома берувчи патент божи келиб тушганлик факти ҳақида хабардор қилинади.

Саноат мулки объектининг устуворлиги патент бериш учун талабномаАгентликга топширилган сана бўйича белгиланади.

Агар талабномада фойдали моделнинг устуворлиги Қонуннинг 18-моддаси иккинчи-тўртинчи қисмларига кўра сўралмаётган бўлса, у ҳолда устуворлик, таркибида патент бериш тўғрисидаги ариза, тавсиф, формула ва

агар улар фойдали модель моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса чизмалар бўлган талабнома Агентликга топширилган сана бўйича белгиланади.

Талабнома берувчи томонидан конвенцион устуворлик сўралаётган ҳолда қуйидагилар текширилади:

талабнома берувчи томонидан Париж конвенциясига аъзо-давлатда топширилган биринчи талабноманинг нусхаси мавжудлиги. Агар кўрсатилган нусха талабнома Агентликга топширилган санадан кейин топширилган бўлса, талабнома берувчи томонидан биринчи талабноманинг нусхаси тақдим этилиши лозим бўлган кўрсатилган санадан эътиборан уч ойлик муддатга риоя қилинганлиги аниқланади (агар биринчи талабномалар бир нечта бўлса кўрсатилган шартлар ҳар бир талабноманинг нусхаси учун бажарилиши лозим);

талабнома берувчи томонидан Агентликга келиб тушиши лозим бўлган конвенция устуворлиги сўралаётган талабнома, биринчи талабнома топширилган санадан эътиборан ўн икки ойлик муддатда топширилишига риоя қилинганлиги аниқланади. Агар талабнома кўрсатилган муддатдан кечиктириб, лекин у тугаган санадан икки ой ўтмасдан келиб тушган бўлса, талабнома берувчи томонидан талабномани кўрсатилган ўн икки ойлик муддатда топшириш учун тўсқинлик қилган ва унга боғлиқ бўлмаган шарт-шароитлар кўрсатиб ўтилганлиги текширилади ҳамда агар бундай тасдиқ бўлмаган тақдирда уларни ҳужжат билан тасдиқлаш зарурати аниқланади;

Белгиланган патент божи тўланган ҳолда Агентлик Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ фойдали моделни Фойдали моделлар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилишини амалга оширади ва Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ фойдали моделни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотларни эълон қилади.

## **9-мавзу. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг патентга лаёқатлик шартлари**

### **Асосий саволлар:**

1. Саноат намуналари тузилиши, тушунчаси
2. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг патентга лаёқатлик шартлари

### **3. Саноат намуналари тузилиши, тушунчаси**

Саноат намуналари - бу саноатда ишлаб чиқариладиган буюмнинг (товарнинг) ташқи оригинал кўриниши белгиларидан унинг бадиий конструкторлик ечимига айтилади.

Саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома битта саноат намунасига тааллуқли бўлиши керак ва у шу намуна вариантларини қамраб олиши мумкин.

Саноат намунаси ҳақидаги талабнома:


саноат намунасининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги Талабномани;

буюмнинг ташқи кўриниши ҳақида тўла-тўқис, бор тафсилоти билан тасаввур қилиш имконини берувчи буюм акс эттирилган тасвирлар туркумини, макет ёки расми;

агар саноат намунасининг моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион харитасини;

саноат намунасининг ундаги муҳим белгилар мажмуини акс эттирган тавсифини ўз ичига олиши лозим.

## Саноат намунасига тушган аризни иш юритиш схемаси



## **2. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг патентга лаёқатлик шартлари**

**Ихтиронинг патентга лаёқатлилиқ шартлари.** Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, у ихтиролик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Агар ихтиродан саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлса, у саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Ихтирога тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, ихтиронинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилади:

- қурилмалар;
- усуллар;
- моддалар;
- микроорганизмларнинг штаммлари;
- ўсимликлар ва ҳайвонлар хужайраларининг турлари;
- илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадида қўлланилиши.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- ақлий операцияларни бажариш қоидлари ва усуллари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тархлари;
- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;

- интеграл микросхемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтирлик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, ихтиролик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўзи ичига олади.

Агар ихтиро саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

### **Фойдали моделнинг патентга лаёқатлилиқ шартлари**

Агар фойдали модель сифатида кўрсатилган объект янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар фойдали моделнинг муҳим белгилари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Техника тараққиёти даражаси талабномада кўрсатилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги Ўзбекистон Республикасида ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотларни, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотларни ўз ичига олади.

Фойдали модель, агар ундан амалда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Фойдали моделга тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Агентликка топширилган бўлса, фойдали моделнинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қурилмаларнинг конструктив йўл билан бажарилиши фойдали моделларга тааллуқлидир.

Ушбу Қонун 6-моддасининг тўққизинчи қисмида кўрсатилган объектлар фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинмайди.

### **Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ шартлари**

Агар саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва оригинал (ўзига хос) бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, у янги деб эътироф этилади.

Саноат намунасининг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Саноат намунаси, агар унинг муҳим белгилари мажмуи буюм хусусиятларининг ижодий жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, оригинал деб эътироф этилади.

Саноат намунасига тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Агентликка топширилган бўлса, саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Буюмнинг ташқи кўринишини ифодаладиган бадий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига киради.

Қуйидагилар саноат намуналари деб эътироф этилмайди:

- матбаа маҳсулотлари;
- архитектура объектлари (кичик архитектура шаклларида ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар иншоотлар;
- суюқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар;
- буюмнинг фақат техник вазифаси билан боғлиқ бўлган ечимлар;
- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

### ***Назорат саволлари:***

1. Саноат мулки тушунчаси ва моҳияти.
2. Патент қандай маънони билдиради?
3. Саноат мулки объектининг ҳуқуқ субъектлари.
4. Ихтиронинг мазмуни ва тузилиши.
5. Ихтиро сифатида эътироф этиладиган турлари.
6. Фойдали моделлар тушунчаси ва унинг кўриниш ҳоллари
6. Талабноманиннинг таркиби. Патент олиш учун талабнома тузиш.
7. БМТ нинг СТ.25 стандартининг моҳияти.
8. Ихтиро номининг атамага хослиги.
9. Қурилмаларни тавсифлаш аломатлари.
10. Интеллектуал мулк агентлигига талабномани топшириш тартиби.

## **VI- Модул. Товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиқиш жой номларининг интеллектуал мулк объекти сифатида қаралиш**

### **10-мавзу: Товар белгилари тузилиши ва унинг моҳияти**

#### **Асосий саволлар:**

#### **1. Товар белгилари тузилиши ва унинг моҳияти**

**Таянч тушунча ва иборалар:** Товар белгилари; хизмат кўрсатиш белгилари; гувоҳнома; бюллетень; Давлат органи; сертификатлаш; жўғрофий объект; ҳуқуқий муҳофаза қилиш; талабнома иловаси ва талаблари; ишончнома.

#### **1. Товар белгилари тузилиши ва унинг моҳияти**

2001 йилнинг 22 сентябрида амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Қонунига мувофиқ товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси – бу бир юридик ва жисмоний шахсларнинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги ўхшаш товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун хизмат қилувчи белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгидир.

Товар белгилари якка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин. Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси якка тартибдаги белги ҳисобланади.

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган, бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар белгиси тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Интеллектуал мулк агентлиги товар белгиларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахс томонидан (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) Агентликка берилади.

Ўзбекистонда товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза фақат у расмий рўйхатдан ўтказилгандан сўнг берилади.

Товар белгиси тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахслар номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома, агар унда бир неча товар кўрсатилган бўлса, талабнома берувчининг илтимосномасига кўра дастлабки талабнома берилган сана сақланган ҳолда икки ёки бир неча талабномага ажратилиши мумкин.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома бир товар белгисига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

- товар белгиси сифатида белгини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза; талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;
- белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати.

Талабномага қуйидагилар илова қилиниши зарур:

талабнома берганлик учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат; талабнома патент вакили орқали берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси.

Қуйидагилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

- 1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;
- 2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;
- 3) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;
- 4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;
- 5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;
- 6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;
- 7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;
- 8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;
- 9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;
- 10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;
- 11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек башарти улар таржима қилиниб ёки «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилса;

12) жамият манфаатларига, одабийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) қуйидаги белгилар:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказилаётган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

- белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

14) қуйидаги белгилар:

- ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушган санадан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

- саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

- Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

- атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллусларини ва улардан ясалган сўзларни, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Агентликка талабнома берилган санага қараб белгиланади.

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун биринчи талабнома Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж

конвенциясига қўшилган давлатда берилган санага қараб, башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида Агентликка товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса (конвенция устуворлиги), белгиланиши мумкин.

Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилган давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил этилган расмий халқаро кўргазмаларнинг ёки расмий деб тан олинган шундай кўргазмаларнинг экспонатларига қўйилган товар белгисининг устуворлиги экспонат кўргазмада очиқ намоёиш этила бошланган санага қараб (кўргазма устуворлиги), башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида Агентликка товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса, белгиланиши мумкин.

Конвенция ёки кўргазма устуворлиги ҳуқуқини сўраётган талабнома берувчи қўйилган талаб ҳаққоний эканлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда бу ҳақда товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани бераётганида ёки Агентликка талабнома тушганидан кейин икки ой мобайнида маълум қилиши шарт ёхуд бу ҳужжатларни товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган вақтдан эътиборан уч ойдан кечиктирмай Агентликка тақдим этиши лозим.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш Агентлик томонидан амалга оширилади ҳамда расмий экспертизадан ўтказишдан ва талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказишдан иборат бўлади. Давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида қўшимча материалларсиз экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаса, Агентлик талабнома берувчидан бундай материалларни сўраб олишга ҳақли. Давлат экспертизасининг сўровига биноан қўшимча материалларни талабнома берувчи сўров жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида тақдим этмоғи лозим. Талабнома берувчининг илтимосига кўра мазкур муддат кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин. Талабномани расмий экспертизадан ўтказиш талабнома Агентликка берилган санадан эътиборан ўттиз кунлик муддат ичида амалга оширилади. Талабнома берувчига расмий экспертиза натижаларига биноан Агентликнинг талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд қабул қилишни рад этиш ҳақидаги қарори маълум қилинади. Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорга мувофиқ, талабнома берилган санадан эътиборан етти ой ичида Агентлик томонидан амалга оширилади. Экспертиза натижаларига биноан Агентлик товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бу хусусда хабардор қилинади. Талабнома берувчи давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Агентликнинг Апелляция кенгашига қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой мобайнида шикоят беришга ҳақли.

Агентлик давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари асосида, патент божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан уч кун ичида товар белгисини тегишли реестрда рўйхатга олади.

Товар белгисига доир гувоҳнома товар белгиси сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини, товар белгисининг устуворлигини ва товар эгасининг гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар белгисига доир гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Товар белгисининг эгаси Агентликни ўз номи, фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганлиги тўғрисида, товар белгиси тааллуқли бошқа ўзгартиришлар тўғрисида, товар белгиси учун эса товар белгиси олинган товарларнинг рўйхати қисқартирилганлиги, товар белгисининг айрим қисмлари унинг моҳиятини бузмайдиган тарзда ўзгартирилганлиги тўғрисида хабардор қилади. Ушбу ўзгартиришлар тўғрисидаги ёзув Агентлик томонидан товар белгисига доир гувоҳномага ва тегишли реестрга киритилади.

Товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда ўровида товар белгисининг эгаси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисини рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида ишлатиш ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин.

Воситачилик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар товарларни тайёрловчининг товар белгиси билан бир қаторда шартнома асосида ўз товар белгисидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ бу ҳуқуқнинг эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга, башарти у истеъмолчини товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида чалғитадиган бўлса, йўл қўйилмайди.


Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи товар белгисининг эгаси (лицензиар) томонидан лицензия шартномаси бўйича бошқа шахсга (лицензиатга) берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказиш асосида муҳофаза қилинадиган товар белгиси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган товар белгиси, шунингдек товар белгиси сифатида фойдаланиладиган, лекин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқий муҳофазага эга бўлмаган белги юридик ёки жисмоний шахснинг аризасига биноан, агар бундай товар белгиларидан ёки белгидан муттасил фойдаланилиши натижасида улар аризада кўрсатилган санадаги

ҳолатга кўра мазкур шахснинг товарлари хусусида Ўзбекистон Республикасида тегишли истеъмолчилар орасида кенг маълум бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилиши мумкин.

Ҳаммага маълум товар белгисига тааллуқли бўлган маълумотлар улар Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилганидан кейин Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Агентлик томонидан белгиланади. Ҳаммага маълум товар белгисига гувоҳнома бериш товар белгиси Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилган санадан эътиборан ўн кун ичида Агентлик томонидан амалга оширилади. Гувоҳноманинг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Агентлик томонидан белгиланади.

**Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш учун тушган аризни иш юритиш схемаси**



## **11-мавзу. Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши, кўриниш ҳоллари**

### **Асосий саволлар:**

#### **1. Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши, кўриниш ҳоллари**

Хизмат кўрсатиш белгиларига қўйилган талаблар товар белгиларига қўйилган талабларга тўғри келади.

Жумладан: Хизмат кўрсатиш белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар.

Қуйидагилар хизмат кўрсатиш белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

2) давлатнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ ёзилган номлари белгилари;

3) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;

4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;

5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;

6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;

7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;

8) хизматларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги, уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;

9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиш мумкин бўлган белгилар;

10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда сиқарилганлиги ҳақида тасаввур берувчи белгилар;

11) маданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номларини ифодалаувчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек “кўринишдаги”, “турдаги”, “усулдаги” ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолдаги белгилар;

12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) қуйидаги белгилар:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатда берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилганлиги ёки шу турдаги

товарларга нисбатан анча илагрироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштирилган ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- ҳар қандай хизматларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умум эътироф этилган даражада бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган хизмат кўрсатиш белгилари бўлган белгилар билан ва бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай хизматларга нисбатан шундай мақомга эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиладиган хизмат кўрсатиш белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм бундан мустасно;

- белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражаси ва шунга ўхшаш бўлган белгилар;

14) қуйидаги белгилар:

- ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушганлиги бўлса, такрорловчи белгилар;

- саноат намуналарини, агар уларга ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга берилган белгилар;

- Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини ва ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

- атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шундай меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-4 бандларида кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органлари розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, ушбу бандларда кўрсатилган белгилар, агар улар товар белгисида мавқега эга бўлмаса, бу белги киритилиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5-8 бандларида кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 13-бандидаги иккинчи ва учинчи хатбошиларда кўрсатилган даражада уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасини розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

## **12-мавзу. Товарлар келиб чиққан жой номларининг кўриниш ҳоллари**

### **Асосий саволлар:**

#### **1. Товарлар келиб чиққан жой номларининг кўриниш ҳоллари**

##### **Товар келиб чиққан жой номи**

Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг (бундан буён матнда жўғрофий объект деб юритилади) товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиққан жой номи деб эътироф этилади.

Товар келиб чиққан жой номи мазкур жўғрофий объектдаги, номи ўзлари ишлаб чиқараётган товарни белгилаш учун ишлатиладиган бир ёки бир неча юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказган шахс бу номдан, башарти мазкур шахс алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи худди шу жўғрофий объектда жойлашган ва айнан шундай хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётган бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин.

Интеллектуал мулк агентлиги товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахс томонидан (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) Агентликка берилади.

Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома товар келиб чиққан бир жой номига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

- товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

- товар ишлаб чиқарилган жойни жўғрофий объект чегарасида кўрсатган ҳолда товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар турининг номи ҳамда унинг алоҳида хусусиятлари тавсифи.

Талабномага қуйидагилар илова қилиниши зарур:

- талабнома берганлик учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- талабнома патент вакили орқали берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

- талабнома берувчининг зикр этилган жўғрофий объектда жойлашганлигини ва алоҳида хусусиятлари мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан боғлиқ товар ишлаб чиқаришини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- чет эллик талабнома берувчининг товар келиб чиққан жойнинг талабномада ифодаланган номидан товар келиб чиққан мамлакатда фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

- товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини чалғитиб қўядиган жўғрофий ном бўлган белгилар;

- товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар; товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш Агентлик томонидан амалга оширилади ҳамда расмий экспертизадан ўтказишдан ва талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказишдан иборат бўлади. Давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида қўшимча материалларсиз экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаса, Агентлик талабнома берувчидан бундай материалларни сўраб олишга ҳақли. Давлат экспертизасининг сўровига биноан қўшимча материалларни талабнома берувчи сўров жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида тақдим этмоғи лозим. Талабнома берувчининг илтимосига кўра мазкур муддат кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин. Талабномани расмий экспертизадан ўтказиш талабнома Агентликка берилган санадан эътиборан ўттиз кунлик муддат ичида амалга оширилади. Талабнома берувчига расмий экспертиза натижаларига биноан Агентликнинг талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд қабул қилишни рад этиш ҳақидаги қарори маълум қилинади. Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорга мувофиқ, талабнома берилган санадан эътиборан етти ой ичида Агентлик томонидан амалга оширилади. Экспертиза натижаларига биноан Агентлик товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида ёхуд уларни рўйхатдан

ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бу хусусда хабардор қилинади. Талабнома берувчи давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Агентликнинг Апелляция кенгашига қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой мобайнида шикоят беришга ҳақли.

Агентлик давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари асосида, патент божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан уч кун ичида товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини тегишли реестрда рўйхатга олади.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар келиб чиққан жой номи сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини ва гувоҳнома эгасининг ундан гувоҳномада кўрсатилган товар турига нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси Агентликни ўз номи, фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганлиги тўғрисида, товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишга тааллуқли бошқа ўзгартиришлар тўғрисида хабардор қилади. Ушбу ўзгартиришлар тўғрисидаги ёзув Агентлик томонидан товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ва тегишли реестрга киритилади.

Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилганлиги қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

мазкур жўғрофий объект учун хос бўлган шароитлар йўқолганда ва реестрда кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаганда;

чет эллик юридик ёки жисмоний шахслар товар келиб чиққан мамлакатда товар келиб чиққан шу жой номига доир ҳуқуқларини йўқотганда.

Товар келиб чиққан жой номини товарда, унинг идиши ҳамда ўровида, пешлавҳаларда, расмий бланкаларда, рекламада, босма нашрларда ва товарни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда ишлатиш товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Лицензия шартномаси асосида: товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, бундай ҳуқуқдан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш тўғрисида битимлар тузишга ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга йўл қўйилмайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаган шахсларнинг товар келиб чиққан жойнинг рўйхатдан

ўтказилган номидан фойдаланишига, ҳатто башарти бунда товар келиб чиққан жойнинг ҳақиқий номи кўрсатилган ёки ном таржима қилиб ёхуд «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва шунга ўхшаш сўзларни қўшиб қўлланилган тақдирда ҳам, шунингдек ҳар қандай товар келиб чиққан жой номи ва товарнинг алоҳида хусусиятлари хусусида истёъмолчини чалғитиши мумкин бўлган ўхшаш белгилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

### **13-мавзу. Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш талаблари**

#### **Асосий саволлар:**

1. Товарлар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш талаблари

Ўзбекистон Республикасида Интеллектуал мулк агентлиги олдида вакиллик қилиш учун расмийлаштириладиган ишончнома, оддий ёзма шаклда тузилади ва нотариус томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди. Ишончнома талабнома билан бир вақтнинг ўзида ёки талабнома келиб тушган санадан икки ойдан кечиктирилмай топширилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи жисмоний шахснинг ёки чет эллик юридик шахснинг манфаатларига вакиллик қилиш учун Интеллектуал мулк агентликда рўйхатдан ўтказилган патент вакилига ишончнома, талабнома берувчи шахснинг ўзи томонидан, шунингдек талабнома берувчи томонидан берилган тешигли ишончномага эга патент вакили томонидан ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолларда кўрсатиб ўтилган икала ишончнома ёки унинг тўғри расмийлаштирилган нусхаси илова қилинади.

Агар ишончнома Интеллектуал мулк агентликда рўйхатдан ўтказилган бир неча патент вакилларига берилган бўлса, у ҳолда талабнома бўйича маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш бўйича ишлар, уларнинг исталган бири томонидан олиб борилиши мумкин. Ишончнома бўйича вакил қилинган патент вакилининг ҳар қандай ҳатти-ҳаракати, ариза берувчининг ҳатти-ҳаракатидир деб баҳоланади.

Конвенция усутворлиги сўраб берилган талабномага (бундан буён конвенция талабнома) талабнома берувчи томонидан саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган давлатда берилган биринчи талабноманинг тадиқланган нусхаси ва унинг ўзбек ёки рус тилига қилинган таржимаси илова қилинади, улар конвенция талабномаси Интеллектуал мулк агентликга келиб тушган санадан бошлаб уч ой муддатдан кечиктирилмай топширилади. Талабнома нусхасининг таржимаси таржимон имзоси билан тасдиқланади. Конвенция усутворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимоснома, талабнома бериш пайтида (гувоҳнома бериш тўғрисидаги

аризанинг тегишли графасида келтирилади) ёки Интеллектуал мулк агентликга келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддат давомида топширилиши мумкин.

Кўргазмага оид устуворлик сўраб берилган талабномага, бундай устуворлик сўрашнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат илова этилади, у Интеллектуал мулк агентликга талабнома келиб тушган санадан бошлаб уч ойдан кечиктирилмай топширилади. Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжат, саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг қатнашчиси бўлган давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил этилган кўргазманинг мақомни, яъни расмий халқаро кўргазма ёки халқаро деб расман тан олинган кўргазмалигини тасдиқлаши ва товарларни намоиш этган шахснинг номини, белгини, шу белги қўйилган товарлар рўйхатини, шунингдек, экспонатларни очиқ намоиш этиш бошланган санани ўз ичига олиши лозим. Ҳужжат тегишли кўргазманинг маъмурияти ёки ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Талабномада кўрсатилган белгини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида топширилади. Талабноманинг бошқа ҳужжатлари ўзбек, рус ёки бошқа тилда топширилади.

Агар талабнома ҳужжатлари бошқа тилда топширилган бўлса, талабномага уларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимон имзоси билан тасдиқланган таржимаси илова қилинади. Бошқа тилда топширилган ҳужжатлар Интеллектуал мулк агентликга келиб тушган санада топширилган деб ҳисобланади, агар уларнинг таржималари бошқа тилда топширилган ҳужжатлар келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддат ичида топширилса, акс ҳолда ҳужжатлар, уларнинг таржималари келиб тушган санада топширилган деб ҳисобланади.

Талабнома (белгини рўйхатдан ўтказишга талаб этилаётган тасвирдан ташқари) икки нусхада топширилади.

Белгининг рўйхатдан ўтказиш учун талаб этилаётган тасвири 5 нусхада топширилади.

Талабномага илова этилаётган ҳужжатлар бир нусхада топширилади.

Товар белгисининг устуворлиги Интеллектуал мулк агентликга таркибида талабнома берувчи ва унинг жойлашган манзили ёки яшаш жойи, талабномада келтирилган белги, унинг тавсифи ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар ва хизматлар рўйхати келтирилган ариза бўлган талабнома топширилган сана бўйича белгиланади. Агар талабномада дастлаб юқорида санаб ўтилган маълумотлар ва ёки ҳужжатлардан бири бўлмаган бўлса, товар белгисининг устуворлик санаси деб, етишмаган устуворликни белгилаш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатларнинг энг охиргиси келиб тушган сана ҳисобланади.

Товар белгисининг устуворлиги шунингдек Париж конвенциясига аъзо давлатда берилган биринчи талабнома санаси бўйича ёки Париж конвенциясига аъзо давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил қилинган расмий ёки расмий тан олинган халқаро кўргазмада ушбу белги билан белгиланган экспонатларнинг

очиқ намоёиш қилинган санаси бўйича белгиланиши мумкин, агар Қонуннинг 12-моддаси 2, 3 ва 4 – қисмида кўзда тутилган талабларга риоя қилинган бўлиб, талабнома берувчи томонидан сўралаётган устуворликни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатлар тақдим этилган бўлса.

Қонуннинг 12-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмига мувофиқ конвенция устуворлик сўралган ҳолда қуйидагилар текширилади:

а) талабнома берувчи томонидан Париж конвенциясига аъзо давлатда топширилган биринчи талабноманинг нусхаси мавжудлиги;

Агар кўрсатилган нусха талабнома Интеллектуал мулк агентликга келиб тушган санасидан кейин тақдим этилса, талабнома нусхаси тақдим этилиши лозим бўлган уч ойлик муддатга риоя қилинганлиги;

б) биринчи талабнома топширилган санадан ҳисобланадиган конвенция устуворлиги сўралган талабнома топширилиши лозим бўлган олти ойлик муддатда талабнома берувчи томонидан риоя қилинганлиги;

в) конвенция устуворлигининг белгилаш ҳақидаги илтимоснома Интеллектуал мулк агентликга талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ичида берилганлиги;

г) талабномада кўрсатилган белгини товар ва хизматлар рўйхатининг биринчи талабномадаги белги ва товар хизматлар рўйхатига мувофиқлиги.

Кўргазма устуворлиги сўралган ҳолда Қонуннинг учинчи, тўртинчи қисмига мувофиқ қуйидагилар текширилади:

а) кўргазма устуворлигини тасдиқлайдиган ҳужжат мавжудлиги ушбу Қоидаларнинг 11-бандида кўзда тутилган талабларга мувофиқлиги;

б) кўргазма устуворлиги сўралган талабнома Интеллектуал мулк агентликга келиб тушиши лозим бўлган экспонат кўргазмасида очиқ кўрсатиб бошланган санадан бошланадиган олти ойлик муддатга риоя қилинганлиги;

в) кўргазма устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимосни Интеллектуал мулк агентликга талабнома келиб тушган санадан икки ойдан ошмаган муддатда тақдим этилиши;

г) кўргазма устуворлигини белгилаш сўралган белги билан белгиланган товар кўргазмада намоёиш қилинган бўлса, талабномада кўрсатилган белги намоёиш этилган товарлардаги белгиларга мувофиқлиги.

Талабномада кўрсатилган белгининг Қонуннинг 3 ва 10-моддаларида ва ушбу қоидаларнинг 4-бандида белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Барча элементларда белги бошқа белги билан мос тушса айнан бир хил деб ҳисобланади. Агар белги белгига умуман олганда ўхшаш бўлса, алоҳида фарқларига қарамасдан бошқа белги билан аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади.

Товарларнинг бир хил жинслигини белгилашда истеъмоличда шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган тасаввур пайдо бўлиши эҳтимоли аниқланади. Товарларнинг бир жинслигини белгилашда

товарларнинг тури вазифаси, улар тайёрлаган материал тури, товарларни сотиш шarti исмеъмол доираси ва бошқа аломатлар.

***Назорат саволлари:***

1. Товар белгилари тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Ваколатли давлат органлари.
3. Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши ва унинг моҳияти.
4. Товарларнинг келиб чиққан жой номлари ҳақида.
5. Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларининг устуворлиги ҳақида тушунча.
6. Талабномага илова этиладиган ҳужжатларнинг топширилиши.

**VII- Модул. Носаноат мулки ҳисобланган интеллектуал мулклар ва уларнинг ҳуқуқий муҳофазаланиши**

**14-мавзу: ЭХМ учун дастурлар ва маълумот баъзалари интеллектуал мулк эканлиги ҳақида**

**Асосий саволлар:**

1. ЭХМ учун дастурлар ва маълумот баъзалари интеллектуал мулк эканлиги ҳақида

**Таянч тушунча и иборалар:** Интеллектуал мулк; ЭХМ учун дастурлар; маълумотлар базаси; объектив код; структура; адаптация дастурлар; реферат; интеграл микросхемалар топологияси; талабнома ҳужжатлари; МЎТ; топология муаллифи; иш берувчи лицензия; фирма номи; ҳуқуқий муҳофазаси; давлат рўйхати; гувоҳнома; селекция тушунчаси; ташкилий асослар; зот; лицензиар; нав; селекция ютуғи; патент эгаси; муаллифлик ҳуқуқи; турдош ҳуқуқлар; ҳуқуқлар ҳимояси; ҳуқуқ эгаси; фонограмма; такрорлаш; рестрансляция; ижро; ёзув; асар нусхаси; расмий ҳужжат; рамз; белгилар; ҳуқуқ объектлари.

**1. ЭХМ учун дастурлар ва маълумот баъзалари интеллектуал мулк эканлиги ҳақида**

ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофазаси ва унинг қўлланилиши, рўйхатдан ўтказилишини тартибга солиб туриш мақсадида 6 май 1994 йил №1060-ХIII Ўзбекистон Республикаси “ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қабул қилинган Қонун, 05.04.2002 йил №364-III, 30.08.2002 йил №405-II қўшимчалари билан амал қилинаяпти.

Ушбу қонуннинг (1-моддаси) билан қуйидаги тушунчалар қабул қилинган:

- маълумотлар базаси, бу системалашган, объектив формада мақолалар, ҳисоблар ва ҳ.к. кўринишидаги маълумотлар бўлиб, буларни ЭҲМ ёрдамида топиш ва қайта ишлаш мумкин бўлсин;

- ЭҲМ учун дастурлар объектив формада ЭҲМ ишлаши ва ЭҲМ тармоқларининг маълум натижа олиш учун маълумотлар ва кўрсатмалар;

- бошланғич текст – дастурлаш тилида ёзилган, компилятор ёрдамида қайта ишлови мумкин бўлган текст;

- объектив код – бошланғич текстни машина кодига айлантиришда вужудга келган дастур;

- ЭҲМ учун декомпилировланган дастур деб, структура ва ЭҲМ кодлашни ўрганиш мақсадида объект кодини бошланғич текстга айлантириш техникавий приёми;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси учун адаптация дастури – конкрет шароитларда ЭҲМ дастурларини ишлаши учун, муаллифлик бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда маълумотлар базасига қўшимчалар критиш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини адаптацияси (қайта ишлови) – бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда критилган ўзгартиришлар;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини дастурини қайта ишлаб чиқариш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини бир ёки ҳоҳлаган нусхаларда материал формада, ёки хотирада тайёрлаш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини тарқатиш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини сотиш, прокатга бериш, импорт қилиш ва ҳ.к. билан ишлашга йўл қўйилишига тушунилади;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини чоп этиш – муаллифнинг розилиги билан ЭҲМ ёки маълумотлар базасини печатга, ишлашга бериш;

- ҳуқуқ эгалари деганда, унинг муаллиф, ёки меросхўри юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонун асосида тўла мулкчилик ҳуқуқига эгаллигига тушунилади.

Ушбу асосий тушунчалар ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг моҳиятини ечиш учун қонунда қўлланиб келинмоқда.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш бу уларни босиб чиқариш, улардан нусха олиш, уларни тарқатиш ҳамда хўжалик муомаласига (жумладан, модификациялаштирилган шаклда) киритиш юзасидан бошқа ҳаракатларни амалга ошириш. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг босиб чиқарилганлиги тўғрисидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларининг маълум қилиши ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш деб эътироф қилинмайди.

“Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” Қонун билан бериладиган ҳуқуқий ҳимоя:

ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда фойдаланиши мумкин бўлган ЭҲМ учун яратилган дастурларнинг барча хилига (шу жумладан, операция тизимлари ва дастурий мажмуаларга) нисбатан, бошланғич матн ва

объект кодига нисбатан ҳам, шунингдек маълумотларни танлаш ва ташкил этиш бўйича ижодий меҳнатнинг натижаси бўлган маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади;

ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари ёхуд уларнинг бирон-бир қисмига асос бўлган ғоялар ва принципларга, шу жумладан интерфейс ҳамда алгоритм ташкил қилиш ғоялари ва принципларига, шунингдек дастурлаш тилларига нисбатан татбиқ этилмайди.

ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини муаллифлик ҳуқуқи объектлари сирасига киритади.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (хаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭХМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқи токи акси исботланмагунга қадар сақланиб қолаверади.

ЭХМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи улар яратилгач юзага келади. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф этилиши ва рўёбга чиқарилиши учун рўйхатдан ўтказиш ёки ўзга расмийликларга риоя этиш талаб қилинмайди.

Бошқа шахснинг муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган материалларни ўз ичига олган маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бундай материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуқига риоя қилинган тақдирдагина эътироф этилади.

Маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг ушбу маълумотлар базасига кирган материаллар ва асарларни мустақил равишда танлаши ва ташкил этишига монелик қилмайди.

Ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш мақсадида ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг биринчи бор босиб чиқарилишидан эътиборан муаллифлик ҳуқуқининг уч қисмдан: доира ёки кичик қавс ичига олинган «С» ҳарфи; ҳуқуқ эгасининг номи (исми); ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси биринчи бор босиб чиқарилган йил кўрсатилган ёзувдан таркиб топган ҳимоя белгисини қўллаши мумкин.

ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқи уларнинг моддий ашёсига нисбатан мулк эгалиги ҳуқуқи билан алоқадор эмас. Моддий ашёга нисбатан бўлган ҳуқуқларни ўзгаларга ҳар қандай тарзда бериш ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларидан бирортасининг ўзгаларга ўтиб қолишига сабаб бўлмайди.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкый ҳуқуқлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд

ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан барча шахсий ва мулкӣ ёки шартномага кўра фақат мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг жисмонӣ ёки юридик шахслари дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастурни ёки маълумотлар базасини бевосита ёхуд ўз вакили орқали Дастурий махсулотлар давлат реестрида ёки Маълумотлар базалари давлат реестрида Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига талабнома бериш орқали рўйхатдан ўтказиши мумкин.

**ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасини расмӣ рўйхатдан ўтказиш учун талабнома.** Қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ талабнома битта ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабнома қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ва номига рўйхатдан ўтказилиш сўраётган шахс (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) ҳамда уларнинг яшаш жойлари ёки жойлашган манзили кўрсатилган ҳолда расмӣ рўйхатдан ўтказиш учун ариза;

б) ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасини идентификация қиладиган материаллар, рефератни ҳам ўз ичига олган ҳолда.

Талабномага патент божини белгиланган миқдорда тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ёки патент божини тўлашдан озода қилиш ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг реферати қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

а) ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг номи (аризада кўрсатилганидек ҳолда);

б) ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг вазифаси, қўлланилиш соҳаси ва функционал имкониятлари очиқ берилган аннотация. Аннотациянинг ҳажми 700 та белгидан ошмаслиги лозим;

в) ишлатиладиган ЭҲМнинг типии;

г) дастур тили (ЭҲМ учун дастурга);

д) маълумотлар базасини бошқариш тури ва версияси (маълумотлар базасига);

е) операция тизимининг тури ва версияси;

ж) ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг машинада ўқиладиган шаклдаги ҳажми килобайтларда.

## 15-мавзу. Интеграл микросхемалар топологиялари тушунчаси, уларнинг интеллектуал мулк сифатида

### Асосий саволлар:

1. Интеграл микросхемалар топологиялари тушунчаси ва уларнинг интеллектуал мулк сифатида кўриниши
2. ЭХМ учун дастурлар, маълумот баъзалари, интеграл микросхемалар топологияларга талабнома тузиш, бериш ва гувоҳнома олиш жараёни

Интеграл микросхемалар топологияларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳақида тушунчалар Ўзбекистон Республикаси «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан. Қонун 12 май 2001 йилга кучга кирган.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- **интеграл микросхема** – электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган, туга лёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларининг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки борчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

- **интеграл микросхема топологияси** – интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

- **ҳуқуқ эгаси** – интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкый ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

**Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари ва шартлари.** Интеграл микросхеманинг ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзига хос топологияси (бундан буён матнда топология деб юритилади) интеграл микросхема топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади.

Муаллифнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган ва яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлмаган топология бошқача ҳолат исботлангунга қадар ўзига хос деб эътироф этилади.

Яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлган элементлардан таркиб топган топологияга,

агар бундай элементлар йиғиндиси ушбу модда иккинчи қисмининг талабларига тўла мувофиқ бўлсагина, ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқий муҳофаза топологияга сингдирилган ғоялар, усуллар, тизимлар, технология ёки кодлаштирилган ахборотга нисбатан тадбиқ этилмайди.

**Топология муаллифи.** Ижодий меҳнати билан топологияни яратган жисмоний шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади. Агар топология икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳанти билан яратилган бўлса, улар биргаликда муаллифлар (ҳаммуаллифлар) деб эътироф этилади.

Топологияни яратишга шахсан ижодий ҳисса қўшмаган, бироқ муаллифга техник, ташкилий ёки моддий ёрдам кўрсатган ёхуд топологиядан фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштиришга қўмаклашган жисмоний шахслар муаллифлар деб эътироф этилмайди.

Муаллифнинг топологияга бўлган ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

**Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи.** Ҳуқуқ эгасига топологиядан ўз ихтиёрига биноан фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳуқуқ эгаси топологияда, шунингдек шундай топологияни ўз ичига олган буюмларда “Т” ҳарфи ёки айланадаги “Т” ҳарфи ёхуд бошқача тарзда ифодаланган “Т” ҳарфини жойлаштиради ва бу унинг Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинишини кўрсатади.

Бир нечта ҳуқуқ эгаларига тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги шартномага биноан белгиланади.

Муҳофаза қилинадиган топологияни, шу топологияли интеграл микросхемани ёки шундай интеграл микросхемани ўз ичига олган буюмни ҳуқуқ эгасининг рухсатсиз қўллаш, олиб кириш, сотувга қўйиш, сотиш, такрорлаш (ўзига хос бўлмаган қисмини такрорлаш бундан мустасно) ва фуқаролик муомаласига бошқача тарзда киритиш топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилади.

Қуйидагилар топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилмайди:

топологиядан фойда олмаган тарзда шахсий мақсадларда, шунингдек уни баҳолаш, таҳлил қилиш, тадқиқ этиш ёки ўқитиш учун фойдаланиш;

қонунга ҳилоф равишда такрорланган топологияли интеграл микросхемани ёки шундай интеграл микросхемали буюмни сотиб олган шахснинг ҳаракатлари, агар бу шахс уларга қонунга ҳилоф равишда такрорланган топология киритилганини билмаган ва билиши мумкин ҳам бўлмаган бўлса;

айнан бир хилдаги топологияни мустақил равишда яратган шахсга нисбатан, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар.

Ходим ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг топшириғини бажариш вақтида яратган (хизмат топологияси) топологиянинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома олиш ҳуқуқи, башарти бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси томонидан бевосита ёки ишончли вакил орқали Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига берилади.

## **2. ЭХМ дастурлари, маълумот баъзалари, интеграл микросхемалар топологияларга талабнома тузиш, бериш ва гувоҳнома олиш жараёни**

**Талабнома ҳужжатларини расмийлаштириш.** Ҳамма ҳужжатлар, зарур бўлган ҳолларда уларни бевосита репродукция қилиш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилади.

Ҳар бир варақнинг фақат бир томонидан, қаторларни варақнинг кичик томонига параллел жойлаштирилган ҳолда фойдаланилади.

Талабноманинг ҳужжатлари пишиқ, оқ, теки, яркирамайдиган қоғозда бажарилади. Талабнома ҳужжатларини магнит электрон ташувчи (МЭТ) да ҳам бериш мумкин.

Талабноманинг ҳар бир ҳужжати алоҳида варақдан бошланади. Варақлар 210x297 мм. Форматга эга бўлади.

Тавсиф ва муҳим аломатлар мажмуи ўз ичига олган варақлардаги ҳошияларнинг энг кичик ўлчами қуйидагиларни ташкил этади, мм.:

юқориги – 20;

ўндаги – 20;

пастки – 20;

чапдаги – 25.

Бу варақларда фойдаланилган ёки фойдаланишга яроқли сатҳ атрофида рамка чизилмаслиги лозим.

Талабноманинг ҳар бир ҳужжатида иккинчи ва кейинги варақлар рақамланишнинг алоҳида сериясидан фойдаланган ҳолда бирдан бошлаб араб рақамлари билан тартибма-тартиб рақамлаб чиқилади.

Талабнома ҳужжатлари қора рангли ширфт билан босмадан чиқарилади. Рефератнинг матнлари 1,5 интервал орқали бош ҳарфларининг баландлиги 2,1 мм дан кам бўлмаган ҳолда босмадан чиқарилади.

МЎТ да бериладиган материалларга қўйилган талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.


ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини расмий регистрация қилиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари асосан амалга оширилади. Бу қоидалар Давлат патент бюроси 18.08.2004 йилдаги N 45 буйруғи билан тасдиқланган.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш сўралган талабнома ЭХМ учун яратилган битта дастур ёки битта

маълумотлар базасига тааллуқли бўлиши керак. Рўйхатдан ўтказиш талабномасини расмийлаштириш қоидаларини Агентлик белгилайди.

Рўйхатдан ўтказиш талабномаси келиб тушгач, Агентлик керакли ҳужжатларнинг бор-йўқлиги ва қоидаларнинг талабларига қанчалик мувофиқлигини текшириб чиқади. Текшириш натижаси ижобий бўлса, Агентлик ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тегишли Реестрга киритади, талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома топширади ҳамда рўйхатдан ўтказилган ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига доир маълумотларни Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилади.

### **ЭХМ учун дастурлар ва маълумот базалари буйича учун тушган аризни рўйхатдан ўтказиш ва иш юритиш схемаси**



Талабнома берувчи Агентликнинг сўровига кўра ёки ўз ташаббуси билан маълумотлар расмий ахборотномада босиб чиқарилгунига қадар талабнома

материалларини тўлдириш, уларга аниқлик киритиш ва уларни тузатишга ҳақлидир. Текшириш натижаси салбий бўлса, Агентлик талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини билдирувчи ҳужжат топширади.

Талабнома берувчи Агентликнинг сўровига кўра ёки ўз ташаббуси билан маълумотлар расмий ахборотномада босиб чиқарилгунига қадар талабнома материалларини тўлдириш, уларга аниқлик киритиш ва уларни тузатишга ҳақлидир. Текшириш натижаси салбий бўлса, Агентлик талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини билдирувчи ҳужжат топширади.

Реестрга киритилган маълумотлар токи акси исботланмагунга қадар тўғри деб ҳисобланади. Кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун талабнома берувчи жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказишга ёки уларни халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказишга ҳақлидирлар.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасидан қўшимча равишда рухсат олмаган ҳолда ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси ўз вазифасига монанд ишлаши билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, шу жумладан ЭХМга ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, шунингдек аниқ кўриниб турган хатоларни тузатишга ҳақлидир. ЭХМга ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, башарти, ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, битта ЭХМ ёки шохобчадаги битта фойдаланувчига нисбатан йўл қўйилади.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасининг розилигини олмай ва унга қўшимча ҳақ тўламай туриб (башарти, шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса), қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир: ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини адаптациялашга; ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасини, ушбу кўчирма нусха архив мақсадларигагина мўлжалланган тақдирда ва қонуний тарзда олинган нусхани алмаштириш учун керак бўлиб қолган (ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг асл нусхаси йўқолиб қолган, йўқ қилинган ёки яроқсиз ҳолга келган) тақдирда ўзлари тайёрлашга ёки тайёрлаш учун топшириқ беришга. Бунда ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг кўчирма нусхасидан юқорида айтиб ўтилган мақсадлардан бўлак мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас ва ЭХМ учун яратилган ушбу дастурдан ёки маълумотлар базасидан бундан буён фойдаланиш қонуний бўлмай қолса, улар йўқ қилиниши лозим.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари:

ҳуқуқлари тан олиншини;

ҳуқуқ бузилишига қадар мавжуд бўлган ҳолат тикланишини ва ҳуқуқни бузаётган ёки унинг бузилиши хавфини туғдираётган хатти-ҳаракатлар тўхтатилишини;

етказилган зарар унинг миқдорига ҳуқуқбузар томонидан ғайриқонуний олинган даромад суммасини қўшган ҳолда қопланишини;

фойда кўрган ҳуқуқбузардан етказилган зарар қопланиши ўрнига энг кам ойлик иш ҳақининг тегишли суд қарори билан белгиланадиган йигирма баробаридан минг баробаригача бўлган миқдорида товон тўланишини;

уларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши билан боғлиқ қонунларда назарда тутилган ўзга чоралар кўрилишини талаб қилишга ҳақлидир.

**Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш.** Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан бевосита ёки ишончли вакил орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) берилади.

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш, агар топологиядан фойдаланилган бўлса, ундан биринчи марта фойдаланилган санадан эътиборан икки йилдан ошмаган муддатда амалга оширилиши мумкин.

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома битта топологияга тааллуқли бўлиши керак.

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмийлаштириш учун зарур бўладиган ҳужжатларга доир талаблар Агентлик томонидан белгиланади.

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг давлат экспертизаси талабнома берилган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида Агентлик томонидан ўтказилади. Давлат экспертизаси натижаларига биноан топологияни рўйхатга олиш ёки уни рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилиб, бу ҳақда талабнома берувчи хабардор қилинади.

Талабнома берувчи Агентликнинг сўровига биноан ёки ўз ташаббуси билан топологияни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар талабнома материалларини тўлдириш, аниқлаштириш ва тузатишга ҳақлидир.

Талабнома берувчи давлат экспертизасининг хулосаси устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой ичида Агентликнинг Апелляция кенгашига шикоят қилишга ҳақлидир.

Давлат экспертизасининг хулосаси асосида Агентлик патент божи тўлангани тўғрисидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан бир ой ичида топологияни Интеграл микросхемалар топологияларининг давлат реестрида рўйхатга олади. Топология рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар Агентлик томонидан расмий ахборотномада эълон қилинади. Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳуқуқ эгасининг топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Гувоҳномани бериш Агентлик томонидан топология рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан уч ой ўтгандан кейин амалга оширилади. Топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ ўн йил давомида амал қилади. Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан бекор бўлади.

Топологияга бўлган ҳуқуқ тўла ёки қисман бошқа шахсга ўтказилиши мумкин. Топологияга бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома Агентликда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахслари топологияни бошқа давлатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Чет эл юридик ва жисмоний шахслари Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки ўзаро келишув принципи асосида фойдаланадилар.

## **16-мавзу. Фирма номлари тушунчаси, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш**

### **Асосий саволлар:**

1. Фирма номлари тушунчаси, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш.

Ўзбекистон Республикасининг «ФИРМА НОМЛАРИ ТЎҒРИСИДА» қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 20 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган. Ушбу Қонуннинг мақсади фирма номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**Фирма номи.** Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

**Фирма номида кўрсатилиши лозим бўлмаган белгилар.** Фирма номида:

✚ давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

✚ тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда берладиган рухсатсиз;

✚ фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

✚ жамият манфаатларига. Инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги лозим.

Фирма номида:

✚ илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

✚ илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

✚ белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

✚ белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

Ушбу мода биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатиб ўтилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки ташкилотнинг рухсати бўлса, фирма номига киритилиши мумкин.

**Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш.** Фирма номи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан, чет эл юридик шахсининг фирма номи эса, чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик муомаласи иштирокчиси сифатида фаолиятни амалга оширишни бошлаган санадан эътиборан ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

**Фирма номига бўлган ҳуқуқ.** Юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда мутлақ ҳуқуққа эга.

Чет эл юридик шахсининг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи шу юридик шахс таъсис этилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжат билан тасдиқланади.

**Фирма номидан фойдаланиш, қуйидагилар:**

➤ фирма номини расмий бланкаларда, муҳрларда, штампларда ва юридик шахснинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларда акс эттириш;

➤ фирма номини товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, реклама пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, босма нашрларда, товарларни Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркаларда намоиш этиш вақтида ишлатиш фирма номидан фойдаланишдир.

Фирма номидан товар белгисининг (хизмат кўрсатиш белгисининг) элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.

**Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши.** Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтишига фақат юридик шахс қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиш чиқариш йўли билан қайта ташкил этилган ёки бутун корхона мулкӣ мажмуа сифатида сотилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Юридик шахслар қўшиб юборилганда ва юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинганда фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши топшириш ҳужжатиға мувофиқ амалға оширилади.

Юридик шахс бўлинганда ёки у юридик шахс таркибидан ажралиб чиққанида фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши тақсимлаш балансиға мувофиқ амалға оширилади.

**Фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари.** Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш:

- юридик шахсининг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш мақсадида суд қарори тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;
- ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровлардан олиб ташлаш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш;
- контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровларни фирма номига бўлган ҳуқуққа эгалик қилувчи юридик шахсга бериш орқали амалға оширилади.

Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усуллар билан ҳам амалға оширилиши мумкин.

## **17-мавзу. Фирма номларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартиби**

### **Асосий саволлар:**

5. Фирма номларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида сўраб олинadиган қулай фирма номларини захираға олиш таъсисчиларнинг ўзлари томонидан ёки рўйхатға олаётган орган томонидан электрон талабнома асосида Интернет тармоғи орқали кеча-кундуз амалға оширилади. Электрон захираға олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланади.

Юридик шахсларнинг фирма номини захираға олиш Ўзбекистон Республикасининг "Фирма номлари тўғрисида"ги Қонуни билан белгиланган

талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Фирма номини захирага олиш учун таъсисчилар рўйхатга олувчи органга оғзаки мурожаат қилган тақдирда, рўйхатга олувчи органнинг масъул ходимлари электрон талабномани бир соат ичида Интернет тармоғи орқали расмийлаштиришлари лозим.

Фирма номини захирага олиш учун электрон талабномани олгач Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг масъул ходимлари фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан, 4 иш соатидан ошмаган муддатда, қулай фирма номини олиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширишлари шарт.

Оғзаки мурожаат, электрон талабномани қабул қилиш ва қулай фирма номларини захирага олиш учун тўлов ундирилмайди.

Захирага олинган фирма номининг амал қилиш муддати захирага олиш санасидан бошлаб 60 кунни ташкил қилади.

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ариза берувчи ўзи келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида» Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган шаклда ариза-хабарномани тақдим этади. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги ариза-хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг икки асл нусхаси (юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари - устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун - таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар, оилавий корхоналар учун эса - фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари учун - фақат устав). Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилади;

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);

фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль (кейинги ўринларда - фирма номининг захирага олинishi тасдиғи);

икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари.

## **18-мавзу. Селекция ютуқлари тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий асослари**

### **Асосий саволлар:**

1. Селекция ютуқлари тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий асослари

“Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**Асосий тушунчалар.** Ушуб Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**зот** — генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (шу жумладан, паррандалар, ҳашоратлар, ипак қурти) ёки уларнинг дурагайлари гуруҳи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари айнан шу гуруҳга хос бўлади ва уни ҳайвонларнинг бошқа гуруҳларидан фарқлаб туради. Зот гуруҳи, зот ичидаги (зонал) тип, завод типии, завод линияси, зот оиласи, партенотлонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**иш берувчи** — селекция ютуғини яратиш тўғрисида топшириқ берган ва бу топшириқ бажарилишини молиялаштираётган юридик ёки жисмоний шахс;

**лицензиар** — селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга лицензия шартномаси асосида олган юридик ёки жисмоний шахс;

**нав** — ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан-наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқаларидан ажратиб турувчи белгиларга қараб аниқланади ва Айни бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**патент эгаси** — селекция ютуғига берилган патентнинг эгаси;

**селекция ютуғи** — ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти;

**талабнома берувчи** — селекция ютуғига патент бериш ҳақида талабнома топширган юридик ёки жисмоний шахс.

**Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ташкилий асослари.** Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди. Агентлик селекция ютуқларига патентлар бериш ҳақидаги талабномаларни қабул қилиб олади ҳамда кўриб чиқади, улар бўйича расмий экспертиза ўтказади, Ўсимлик навлари давлат реестрини ҳамда ҳайвон зотлари давлат реестрини юритади, селекция ютуқларига патентлар беради, талабнома материаллари ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олиниб, муҳофаза қилинаётган селекция ютуқлари ҳақидаги маълумотларни расмий равишда эълон қилади, селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашга доир қоидалар қабул қилади ҳамда тушунтиришлар беради. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг

Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси талабномада кўрсатилган селекция ютуқларининг патентга лаёқатлилигини экспертизадан ўтказди.

Ижодий меҳнати билан ўсимликларнинг янги нави ёки хайвонларнинг янги зотини яратган (чиқарган ёки аниқлаган) жисмоний шахс селекция ютуғининг муаллифи деб эътироф этилади. Агар селекция ютуғини яратишда бир нечта жисмоний шахс иштирок этган бўлса, уларнинг ҳаммаси ҳаммуаллифлар деб эътироф этилади. Ҳаммуаллифларга тегишли бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларида ҳамда улар ўртасидаги келишувда белгиланади. Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган шахсий ҳуқуқ бўлиб, муддатсиз ҳимоя қилинади.

**Патент эгаси.** Селекция ютуғига патент:

- селекция ютуғининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

- муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки селекция ютуғи рўхатдан ўтказулгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома талабнома берувчини ўзгартириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (улар рози бўлган тақдирда);

- ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчига берилади.

Агар муаллиф (ҳаммуаллифлар) селекция ютуғи яратилаётганда:

ўзи (ўзлари) эгаллаб турган лавозимга хос вазифаларни бажарган бўлса;

селекция ютуғини яратиш мақсадини кўзлаб зиммасига (зиммаларига) махсус юклатилган вазифаларни бажарган бўлса;

иш берувчи томонидан ўзига (ўзларига) берилган моддий воситалар ёки молиявий маблағлардан фойдаланган бўлса;

ўзи (ўзлари) иш жараёнида орттирган, иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос хусусиятини ташкил этадиган билим ва тажрибадан фойдаланган бўлса, бундай селекция ютуғи хизмат тартибида яратилган деб ҳисобланади.

Агар селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар уруғлик, навнинг кўчат материали ёки зотнинг насл материали патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида — камида бир йил олдин;

бошқа давлат ҳудудида — камида тўрт йил ёки, агар ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навларига тааллуқли бўлса, камида олти йил олдин муаллиф, унинг меросхўри томонидан ёхуд уларнинг розилиги билан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилмаган бўлса, янгилик ҳисобланади.

Селекция ютуғи патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санада бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан аниқ-равшан фарқланиши лозим. Агар кўпайтиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга

олганда муайян навли ўсимликлар ёки муайян зотли ҳайвонлар селекциялаштириш белгиларига кўра бир хилликка эга бўлса, селекция ютуғи турдош ҳисобланади. Агар селекция ютуғи бир неча марта кўпайтирилганидан кейин ёки алоҳида цикл бўйича кўпайтирилган тақдирда кўпайтиришнинг ҳар бир цикли охирида унинг асосий белгилари ўзгаришсиз қолса, у барқарор ҳисобланади.

Селекция ютуғининг номи селекция ютуғини идентификация қилиш имконини бериши, қисқа бўлиши, шу ёки шунга яқин ботаник ёхуд зоологик турдаги мавжуд селекция ютуқларининг номидан фарқланиб туриши керак. Селекция ютуғининг номи фақат рақамлардан иборат бўлиб қолмаслиги, селекция ютуғининг хусусиятлари, келиб чиқиши, аҳамияти ҳақида, муаллифнинг (ҳаммуаллифларнинг) шахси ҳақида янглишишларга олиб келмаслиги, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлмаслиги лозим. Селекция ютуғининг номи тегишли реестрга айна бир вақтда муҳофаза этиладиган селекция ютуғи тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилган ҳолда қайд этилади.

Патентга лаёқатлилиқ мезонларига жавоб берадиган ва Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган ботаник ва зоологик оила туркумлари ҳамда турларга тааллуқли селекция ютуғига патент берилади.

Селекция ютуғининг патенти (бундан буён матнда патент деб юритилади) селекция ютуғининг янгилик эканлигини, фарқланишини, турдошлиги ва барқарорлигини, шунингдек патент эгасининг селекция ютуғининг номи, селекция ютуғига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патент эгасининг ҳуқуқи селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисида Агентликнинг расмий ахборотномасида маълумот эълон қилинган санадан эътиборан амалда деб ҳисобланади. Патентнинг амал қилиш муддати селекция ютуғи тегишли реестрда рўйхатга олинган санадан эътиборан йигирма йилга тенг. Ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навлари, шу жумладан уларнинг пайвандтаглари учун бу муддат йигирма беш йилни ташкил этади. Патентнинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан кўпи билан ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Патентга бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига) тегишлидир. Агар бир нечта шахс биргаликда битта селекция ютуғи яратган бўлса, патентга бўлган ҳуқуқ уларнинг ҳаммасига тегишли бўлади. Улардан биттасининг ёки бир нечтасининг патентга бўлган ҳуқуқдан воз кечиши бошқаларининг патент олиш ҳаракатларини содир этишига ҳамда патент олиш таомилида иштирок этишига тааллуқли бўлмайди. Муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўзининг (ўзларининг) хизмат вазифаларини, муайян топшириқни бажариши билан боғлиқ ҳолда ёки иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос хусусиятини ташкил этадиган билим ва тажриба ёрдамида яратилган селекция ютуғига бериладиган патентга бўлган

ҳуқуқ, агар бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишлидир.

Патент эгаси навни, зотни патентнинг амал қилиш муддати давомида шундай сақлаши шартки, токи нав, зот тегишли реестрда рўйхатга олинган санада тузилган уларга доир расмий тавсифда кўрсатилган белгилар сақланиб қолсин.

Патент эгаси ихтисослаштирилган ташкилотлар ва (ёки) Агентликнинг сўровига биноан назорат синовларини ўтказиш учун нав уруғларини ёки насл материални юбориши ва жойнинг ўзида текшириб кўрилиши учун имконият яратиб бериши шарт.

Селекция ютуғидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ патент эгасига тегишлидир.

Манфаатдор шахс муҳофаза қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ёки насл материални:

- етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);
- нав ёки наслик кондициясига етказиш;
- сотиш учун таклиф қилиш;
- сотиш ва бошқа усулларда ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;
- юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларда сақлаш учун патент эгасининг рухсатини олиши керак.

Муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан:

- шахсий ва нотижорат мақсадларида фойдаланиш;
- синов-тажриба мақсадларида фойдаланиш;
- бошқа навлар ёки зотлар яратиш учун дастлабки нав ёки зот сифатида фойдаланиш;
- корхона, хўжалик патент эгасидан олган навли уруғлик ва насл материалдан икки йил давомида такрор етиштириш учун ана шу корхона, хўжалик ҳудудида фойдаланиш патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш деб эътироф этилмайди.

**19-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунида интеллектуал мулк объектлари.**

**Асосий саволлар:**

1. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қамраган интеллектуал мулк объектлари

2. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилган асосий тушунчалар

3. Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларнинг муҳофаза этилиши тўғрисида

## **1. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қамраган интеллектуал мулк объектлари**

Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган. Ушбу Қонуннинг мақсади фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларини (турдош ҳуқуқлар) яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси.** Ушбу қонунга мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий туриш жойига эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига;
- муаллифларининг фуқаролиги ва доимий туриш жойидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.

Агар асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам биринчи марта чоп этилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ асарга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофаза берилган тақдирда, асар муаллифи муаллифлик ҳуқуқини олиш учу насос бўлиб хизмат қилган юридик факт қайси давлатнинг ҳудудида содир бўлган бўлса, ўша давлатнинг қонуни билан аниқланади.

**Муаллифлик ҳуқуқи объекти.** Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи қуйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

- ёзма (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзув ва ҳ.к.);
- оғзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳ.к.);
- овозли ёки виде ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳ.к.);
- тасвир (расм, эскиз, манзара, тарҳ, чизма, кино-, теле-, виде- ёки фотокадр ва ҳ.к.);
- ҳажмли-фазовий (ҳайкал, модель, макет, иншоот ва ҳ.к.);
- бошқа шакллардаги.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилади.

**Муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган асарлар.** Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектларидир:

- адабий асарлар (адабий-бадiiй, илмiiй, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);
- драма ва сценарий асарлари;
- матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;
- мусикали драма асарлари;
- хореография асарлари ва патомималар;
- аудиовизуал асарлар;
- рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;
- манзарали-амалий ва сахна беаги санъати асарлари;
- архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;
- фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;
- жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тархлар, эскизлар ва асарлар;
- барча турдаги ЭҲМ учун дастурлар, шу жумладан ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда, чунончи бошланғич матн ҳамда объект кодида ифодаланиши мумкин бўлган амалий дастурлар ва операция тизимлари.

**Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланувчи асарнинг қисмлари, ҳосила ва жамлама асарлар.** Ушбу Қонуннинг муаллифлик ҳуқуқи объектларида белгиланган талабларга жавоб берадиган:

■ асарнинг мустақил равишда фойдаланилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан унинг номи);

■ ҳосил асарлар (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари);

■ тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганоигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади. Ҳосила ва жамлама асарлар, уларнинг яратилиши учу насос бўлган ёки уларнинг таркибига кирган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади.

**Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган материаллар.** Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлмайди:

- расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, тўхтамлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;
- расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва ш у кабилар);
- халқ ижодиёти асарлари;
- оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга дои рёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;
- инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

**Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларга бўлган ҳуқуқлар.** Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи лойиҳани яратган (ишлаб чиққан) шахсга тегишлидир.

Расмий ҳужжат, рам зёки белгининг лойиҳасини ишлаб чиққан хашс, агар бундай лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берган орган томонидан тақиқланган бўлмаса, ўзи яратган лойиҳани чоп этишга ҳақлидир. Лойиҳани чоп этишда уни ишлаб чиққан шахс ўз исми-шарифини кўрсатишга ҳақлидир.

Ваколатли орган расмий ҳужжат тайёрлаш учун расмий ҳужжат, рам зёки белгининг лойиҳасидан, агар лойиҳа уни ишлаб чиққан шахс томонидан чоп этилган ёки тегишли органга юборилган бўлса, мазкур шахснинг розилигисиз фойдаланиши мумкин.

Лойиҳа асосида расмий ҳужжат, рам зёки белги тайёрлаш чоғида расмийҳужжат, рам зёки белги тайёрлаётган органнинг хоҳишига кўра лойиҳага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ваколатли орган лойиҳа асосидаги расмий ҳужжат, рам зёки белгини қабул қилганидан (тасдиқлаганидан) кейин мазкур расмий ҳужжат, рам зёки белгидан лойиҳани ишлаб чиққан шахснинг исми-шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланилади.

## **2. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилган асосий тушунчалар**

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**асар нусхаси** – асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган кўчирмаси;

**асарни омма олдида намоиш этиш** – асарнинг асл нусхаси ёки нусхасини бевосита ёхуд плёнка, диапозитив, телевизион кадр ёрдамида ёки бирон-бир бошқа техника воситалари орқали экранда кўрсатиш, шунингдек аудиовизуал асарнинг айрим кадрларини уларнинг кетма-кетлигига риоя этмасдан омма учун очик жойда ёки Айни бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда кўрсатиш;

**асарни ошкор қилиш** – муаллифнинг розилиги билан амалга оширилган, асарни чоп этиш, омма олдидан намойиш этиш, омма олдидан ижро этиш, эфирга узатиш ёки бошқача усулда юбориш йўли билан илк бор асардан барчанинг воқиф бўлиши учун имкон берадиган ҳаракат;

**аудиовизуал асар** – бир-бири билан боғланган (овоз жўрлигида ёки овоз жўрлигисиз) тасвирларнинг ёзиб олинган туркумидан иборат бўлган, тегишли техника воситалари ёрдамида кўриб ва эшитиб (овоз жўрлигида бўлганида) идрок этиш учун мўлжалланган асар, шу жумладан дастлабки ёки кейинги қайд этиш усулидан қатъи назар кинематография асарлари ва кинематографияникига ўхшаш воситалар билан ифодаланган барча асарлар (теле- ва видеофильмлар, диафильмлар, слайдфильмлар ҳамда бошқа асарлар);

**аудиовизуал асарни тайёрловчи** – шундай асарни тайёрлаш ташаббуси ва масъулиятини ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

**барчанинг эътиборига теказиш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини симлар ёки симсиз алоқа воситалари орқали телекоммуникация тизимларидан фойдаланувчилар ўз танловига кўра исталган жойда ва исталган вақтда улардан фойдалана олиши мумкин бўлган тарзда барчанинг эътибор учун юбориш;

**барчанинг эътибори учун юбориш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, шунингдек уларни юбориш жойида вакиллари бўлмаган омма эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиши учун, шу тарзда эшитиш ёки кўриш мумкин бўлган асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектлари амалда идрок этилиши-этилмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай бошқача усулларда етказиш (нусхаларни тарқатиш бундан мустасно);

**ёзув** – овозлар ва (ёки) тасвирларни қайта-қайта идрок этиш, такрорлаш ёки юбориш имконини берадиган бирон-бир моддий шаклда техника воситалари ёрдамида қайд этиш;

**ижро** – асарни (шу жумладан халқ ижодиёти асарини), фонограммани,, ижрони, сахна асарини ўйин, ифодали ўқиш, куйлаш, рақсга тушиш орқали жонли ижро ёки техника воситалари ёрдамида тақдим этиш;

**ижрочи** – актёр, хонанда, созанда, раққос ёки роль ўйнайдиган, куйлайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, рақсга тушадиган, талқин этадиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ёки санъат асарини (шу жумладан халқ ижодиёти асарини) ўзгача тарзда ижро этадиган бошқа жисмоний шахс, шунингдек спектаклнинг сахналаштирувчи режиссёр ива диржёр;

**кабель орқали юбориш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини кабель, сим ёки шунга ўхшаш воситалар ёрдамида барчанинг эътибори учун юбориш;

**манзарали-амалий санъат асари** – асл нусхалари ёки нусхалари амалда фойдаланиш ашёлари сифатида қўлланиладиган ёки ана шундай ашёларга кўчирилган икки ўлчовли ёки уч ўлчовли санъат асари, шу жумладан бадиий ҳунармандчилик асари ёки саноат усулида тайёрланган асар;

**маълумотлар базаси** – объектив шаклда ифодаланган ва электрон ҳисоблаш машиналари (бундан буён матнда ЭХМ деб юритилади) ёрдамида топиш ҳамда ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (мақолалар, ҳисоб-китоблар ва шу кабилар) мажмуи;

**муаллиф** – ижодий меҳанти билан асар яратган жисмоний шахс;

**омма олдида ижро этиш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини ижро этиш ёки маълум қилишнинг ҳар қандай бошқа шакли воситасида, бевосита ёки техника воситалари ёрдамида, омма учун очик жойда ёки айни бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиш учун етказиш;

**прокатга бериш** – асарларнинг асл нусхасини ёки нусхаларини ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларини даромад олиш мақсадида вақитнчалик фойдаланиш учун бериш;

**репрографик такрорлаш** – фотокўчирмасини олиш йўли билан ёки бошқа техника воситалари ёрдамида ёзма ва бошқа асарларнинг асл нусхаларини ёки уларнинг кўчирмаларини бир ёки ундан кўп нусхада, ҳар қандай ўлчамда ва шаклда факсимал такрорлаш, тасвирий санъат асарлари репродукцияларини босмаҳона усулларида фойдаланган ҳолда тайёрлаш ҳоллари бундан мустасно. Репрографик такрорлаш мазкур кўчирмаларни рақамли шаклда сақлаш ёки кўпайтиришни ўз ичига олмайди, репрографик такрорлаш учун фойдаланиладиган техника воситаларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ муваққат кўчирма нусхалар яратиш ҳоллари бундан мустасно;

**ретрансляция** – эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи бир ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришини эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи бошқа ташкилот томонидан бир вақтда эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш;

**такрорлаш** – асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг ёхуд улардан бир қисмининг ҳар қандай усулда ва ҳар қандай моддий шаклда бир ёки ундан кўп нусхаларини тайёрлаш, шу жумладан икки ўлчовли асарнинг бир ёхуд ундан кўп нусхаларини уч ўлчовда ҳамда уч ўлчовли асарнинг бир ёки ундан кўп нусхаларини икки ўлчовда тайёрлаш, ЭХМ ва бошқа электрон қурилмалар хотирасига ёзиб олиш;

**фонограмма** – бирон-бир ижронинг, бошқа овозларнинг ҳар қандай мутлақо овозли ёзуви, аудиовизуал асарга киритилган овозли ёзув бундан мустасно;

**фонограмма нусхаси** – ҳар –андай моддий жисмдаги, фонограммдан бевосита ёки билвосита тайёрланган ва шу фонограммада қайд этилган овозларнинг ҳаммасини ёхуд бир қисмини қамраб олган фонограмма кўчирмаси;

**фонограммани тайёрловчи** – ижронинг ёки бошқа овозларнинг биринчи овозли ёзуви учун ташаббус ва масъулиятни ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

**халқ ижодиёти асарлари** – аниқ муаллифи бўлмаган эртаклар, кўшиқлар, рақслар, манзарали-амалий санъат асарлари ҳамда бадий ва ҳаваскорлик халқ ижодиётининг бошқа натижалари;

**чоп этиш** – асарнинг, ижро ёзувининг ёки фонограмманинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда омманинг оқилона эҳтиёжларини қондириш учун етарлича миқдорда асарнинг, ижро ёзувининг ёки фонограмманинг нусхаларини асар муаллифининг, ижрочининг ёки фонограммани тайёрловчининг розилиги билан муомалага чиқариш;

**эфир узатиш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини радио ёки телевидение, шу жумладан сунъий йўлдошлар (кабель телевидениеси бундан мустасно) орқали узатиш воситасида барчанинг эътибори учун юбориш. Асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини сунъий йўлдош орқали эфирга узатиш деганда сигналларни ердаги станциядан сунъий йўлдошга қабул қилиш ва сунъий йўлдошдан сигналларни узатиш тушунилади, улар воситасида аса рёки турдош ҳуқуқлар объектлари, уларни омма амалда қабул қилишидан қатъи назар, барчанинг эътиборига етказилиши мумкин;

**эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот** – эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш учун ташаббус ва масъулиятни ўз зиммасига олган ҳамда уларни белгиланган тартибда амалга оширувчи шахс;

**эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттириши** – эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўзи томонидан, шунингдек унинг буюртмаси бўйича ва унинг маблағлари ҳисобига бошқа ташкилот томонидан яратилган кўрсатув ёки эшиттириш;

**ҳуқуқ эгаси** – муаллифлик ҳуқуқига нисбатан муаллиф ёки унинг меросхўрлари, турдош ҳуқуқларга нисбатан ижрочи ёки унинг меросхўрлари, фонограммани тайёрловчи, эфир ва кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот, шунингдек шартномада ёки ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асос бўйича асарлардан ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини олган бошқа юридик ёки жисмоний шахслар.

### **3. Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларнинг муҳофаза этилиши тўғрисида**

Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмийликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан

мустасно), асарни чоп этган, асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади.

Мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисидан фойдаланиши мумкин бўлиб, бу белги асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттирилади ва қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

- айлана ичидаги лотинча «С» ҳарфи;
- мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми-шарифи (номи);
- асар биринчи марта чоп этилган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ҳисобланади.

Икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади. Агар асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади. Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақлидир. Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, келишув асосида белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади. Агар ҳаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб тақиқлаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас.

Жамлама асар муаллифига (тузувчисига) ижодий меҳнат натижасини ифодаловчи, мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган, материалларни танлаб олиш ёки жойлаштиришга бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир. Тузувчи жамлама асарга киритилган асарлардан ҳар бирининг муаллифлари ҳуқуқларига риоя этган тақдирда, муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади. Агар муаллифлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, жамлама асарга киритилган асарларнинг муаллифлари ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқларини жамлама асардан қатъи назар сақлаб қоладилар. Тузувчининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг ўз жамлама асарларини яратиш учун айна ўша материалларни мустақил равишда танлаб олишларига ёки жойлаштиришларига тўсқинлик қилмайди.

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (аудиовизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедиялар ноширлари, продюсерлар ва бошқа шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ Қонунда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шу асарлардан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўладилар.

Асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир:

- асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);
- асардан муаллифнинг ҳақиқий исми-шарифи, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исми-- шарифини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ);
- асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи;
- асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи).

Муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарларнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаш шarti билан, воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Агар асар ошкор қилинган бўлса, муаллиф уни чақириб олганлиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. Бунда у асарнинг аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан татбиқ этилмайди. Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми-шарифи кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади. Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкый ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга. Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

- асарни такрорлаш;
- асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш;
- асарни барчанинг эътиборига етказиш;

- асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш;
- тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш;
- асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш;
- асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш;
- асарни омма олдида намойиш этиш;
- асарни омма олдида ижро этиш;
- асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш;
- асарни таржима қилиш;
- асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса.

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади:

- бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарларини такрорлашга;
- маълумотлар базаларини ёки уларнинг муҳим қисмларини такрорлашга;
- қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун дастурларни такрорлашга;
- китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

Асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини албатта кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шарти билан қуйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

- ошкор қилинган асарлардан асл нусхада ва таржимада илмий, тадқиқий, мунозаравий, танқидий ҳамда реклама билан боғлиқ бўлмаган ахборот мақсадларида кўзланган мақсадга мос ҳажмда иқтибос олиш, шу жумладан газета ва журналлардаги мақолалардан парчаларни матбуот шарҳлари шаклида такрорлаш;
- ошкор қилинган асарлардан ёки бундай асарларнинг парчаларидан таълим ва ўқув тусидаги нашрларда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда, овозли ва видео ёзувларда кўзланган мақсадга мос ҳажмда мисоллар тариқасида фойдаланиш;
- кундалик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва диний масалалар юзасидан газета ва журналларда чоп этилган мақолалар ёки эфирга узатилган ёхуд кабель орқали юборилган шу тусдаги асарларни газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш

ёки кабель орқали юбориш, шундай фойдаланиш муаллиф томонидан махсус тақиқланган ҳоллар бундан мустасно;

- омма олдидан сўзланган сиёсий нутқлар, мурожаатлар, маърузалар ва шунга ўхшаш асарларни кўзланган мақсадга мос ҳажмда газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш. Бунда ана шундай асарларни тўпламларда чоп этиш ҳуқуқи муаллифда сақланиб қолади;

- даромад олишни кўзламаган ҳолда кўзи ожизлар учун қабарик нуқтали ҳарфлар ёки бошқа усуллар билан чоп этилган асарларни такрорлаш, ана шундай такрорлаш усуллари учун махсус яратилган асарлар бундан мустасно.

Турдош ҳуқуқлар объектлари жумласига ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари киради. Ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар турдош ҳуқуқлар субъектларидир.

Турдош ҳуқуқларнинг юзага келиши ва амалга оширилиши учун турдош ҳуқуқлар объектлари рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмийликка риоя этиш талаб қилинмайди. Фонограмма ва (ёки) бундай фонограммага ёзилган ижрога бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгалари ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош ҳуқуқларнинг муҳофаза белгисидан фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу белги фонограмманинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) у сақланадиган ғилофда акс этирилади ҳамда қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

- айлана ичидаги лотинча «Р» ҳарфи;
- мутлақ турдош ҳуқуқлар эгасининг исми-шарифи (номи);
- фонограмма биринчи марта чоп этилган йил.

Номи ёки исми-шарифи ушбу фонограммада ва (ёки) у сақланадиган ғилофда одатий тарзда кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахс, агар бошқа ҳол исботланмаган бўлса, фонограммани тайёрловчи деб эътироф этилади.

Ижрочига қуйидаги ҳуқуқлар тегишлидир:

- исми-шарифга бўлган ҳуқуқ;
- ижрони ижрочининг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи;
- ижродан ҳар қандай шаклда фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, шу жумладан ижрочининг ижросидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олишга бўлган ҳуқуқ.

Ижрочининг ижродан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

- ижро ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);
- ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

- ижро ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

- ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар ижрочининг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда асл нусхага ва нусхаларга бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

- илгари ёзилмаган ижроларни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);

- ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар бундай эшиттириш ёки кўрсатув учун фойдаланиладиган ижро илгари эфирга узатилмаган бўлса ёки ёзувдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмаса (ёзиб олинмаган ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

- ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар дастлаб бу ёзув нотижорат мақсадлар учун тайёрланган бўлса (ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи).

Фан, адабиёт ва санъат асарларининг муаллифлари, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ёки бошқа ҳуқуқ эгалари ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида ўз мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар тузишга ҳақлидир. Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар нотижорат ташкилотлари ҳисобланади ва ўз устави асосида фаолият кўрсатади.

Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузишдир:

- муаллифларнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқларини бузиш;

- ижрочининг исми-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;

- ҳуқуқ эгаси ёки мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш;

- ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

- асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;

- ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш.

Муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси ҳуқуқбузардан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

- ҳуқуқларни тан олишини;

- ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклашини ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини юзага келтирадиган ҳаракатларни тўхтатишини;

- ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромади миқдоридаги зарарларнинг ўрнини қоплашини. Агар ҳуқуқбузар муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқларни бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳуқуқ эгалари бошқа зарарлар билан бир қаторда бой берилган фойдани бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қоплашини;

- зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарарнинг ўрнини қоплаш эвазига тўланиши лозим бўлган товонни тўлашини.

Муаллиф ва ижрочи ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда, ҳуқуқбузардан маънавий зиён қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот мулкий ҳуқуқларини бошқариш шундай ташкилот томонидан амалга оширилаётган шахсларнинг бузилган муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, қонунда белгиланган тартибда ўз номидан ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш ёки уни тўхтатиш учун зарур чоралар кўриш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарарлар, шунингдек бундай чораларни амалга оширган шахс кўрган зарарлар ҳуқуқбузар ҳисобидан ундириб олиниши керак.

### ***Назорат саволлари:***

1. “ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Ўз.Р. Қонуни моҳияти.
2. ЭХМ учун дастур ва маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш талаблари.
3. Интеграл микросхемалар топологиялари тушунчаси ва моҳияти.
4. Топология муаллифлари кимлар бўлиб ҳисобланади.?
5. ЭХМ дастурлари ва маълумотлар базаларининг талабнома ҳужжатларини расмийлаштириш.
6. ЭХМ дастурлари, маълумот баъзалари ва интеграл микросхемалар топологияларига гувоҳнома олиш жараёни қанда амалга оширилади?
7. Фирма номининг тушунчаси нимадан иборат?
8. Фирма номида кўрсатилиши лозим бўлмаган белгиларни тушунтиринг.
9. Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш тартибини моҳияти.
10. Фирма номидан фойдаланиш қандай амалга оширилади?
11. Фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари айтиб беринг.
12. «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонуннинг асосий тушунчалари нималардан иборат?
13. Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ташкилий асосларини тушунтиринг.
14. Муаллифлик ҳуқуқи объектларига нималар киради?
15. Қандай асарлар муаллифлик ҳуқуқ объектлари ҳисобланади?
16. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган материалларни тушунтиринг.
17. Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларга бўлган ҳуқуқларни келтириб ўтинг.

18. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонундаги асосий тушунчаларга нималар киради?
19. Муаллифлик ҳуқуқини амал қилиш соҳаси деганда нимани тушунасиз?
20. Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқларининг аҳамияти.
21. Турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш соҳасининг моҳияти.
22. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш қоидалари.
23. Муаллиф ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулларини келтириб ўтинг.

## **VIII- Модул. Муаллифлик ҳуқуқини амал қилиниши**

### **20-мавзу: Патент божлари тушунчаси. Божлар миқдори, тўлаш муддати ва қонундан келиб чиққан бошқа шартлар**

#### **Асосий саволлар:**

1. Муаллифлик ҳуқуқини амал қилиш муддати
2. Патент божлари тушунчаси

**Таянч тўшунча и иборалар:** ихтирочилик; патент божлари; божлар ставкаси; саноат намунаси; фойдалимоделъ; лицензия; сотиб олиш, сотиш; МПК.

#### **1. Муаллифлик ҳуқуқини амал қилиш муддати**

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охириги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Агар кўрсатилган муддат ичида тахаллус остидаги ёки имзосиз асар муаллифи ўз шахсини маълум қилса ёки бундан буён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, у ҳолда муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофаза қилинади. Асарга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза берилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати юқорида айтилган тартибда белгиланади. Лекин бу муддат асар келиб чиққан

мамлакатда белгиланган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидадан ошиб кетмаслиги керак.

Юқорида назарда тутилган муддатларни ҳисоблаш муддатнинг ўта бошлаши учун асос бўладиган юридик факт юз берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади.

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари мерос бўйича ўтади. Муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари мерос бўйича ўтмайди. Муаллифнинг меросхўрлари кўрсатилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ҳақлидир. Меросхўрларнинг ушбу ҳуқуқлари муддат билан чекланмайди. Муаллифнинг меросхўрлари бўлмаган тақдирда, унинг шахсий номулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш махсус ваколатли давлат органи зиммасига юкланади. Агар асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бир неча меросхўрга биргаликда тегишли бўлса, асардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги келишувда белгиланади. Бунда меросхўрлардан ҳеч бири бошқа меросхўрларнинг асардан фойдаланишини етарли асосларсиз тақиқлашга ҳақли эмас.

Асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатининг тугаши уларнинг ижтимоӣ мулкка айланишини билдиради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон муҳофаза берилмаган асарлар ижтимоӣ мулк ҳисобланади. Ижтимоӣ мулк бўлган асарлардан ҳар қандай шахс муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқларига риоя этилиши керак.

## **2. Патент божлари тушунчаси**

**Патент божлари.** Саноат мулки объектларига ҳуқуқӣ муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Агентликка тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент божлари талабнома берувчи, патент эгаси ва бошқа манфаатдор шахс томонидан тўланади.

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божини тўлаш мақсадида қўшимча патент божи тўланган тақдирда, патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат берилади.

Агар патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи ва қўшимча патент божи имтиёзли муддат мобайнида тўланмаса, патентнинг амал қилиши белгиланган муддатда патент божи тўланмаган кундан эътиборан тугатилади.

## 21-мавзу. Лицензия тушунчаси, шартномаси, кўриниш ҳоллари ва уларнинг ҳаракат

### Асосий саволлар:

1. Божлар миқдори, тўлаш муддати ва қонундан келиб чиққан бошқа шартлар
2. Лицензия тушунчаси, шартномаси, кўриниш ҳоллари ва уларнинг ҳаракати

### **1. Божлар миқдори, тўлаш муддати ва қонундан келиб чиққан бошқа шартлар.**

Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари

| Бож<br>коди                                         | Божнинг вазифаси                                                                                 | Ставкалар                |                                   | Бож тўланганлиги<br>ҳақидаги<br>хужжатлар тақдим<br>этилиш<br>муддатлари |
|-----------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------|-----------------------------------|--------------------------------------------------------------------------|
|                                                     |                                                                                                  | энг кам ойлик иш<br>ҳақи | хорижий валютада<br>(АҚШ доллари) |                                                                          |
| 1                                                   | 2                                                                                                | 3                        | 4                                 | 5                                                                        |
| 1.1. Талабнома берилганлиги учун тўланадиган бож    |                                                                                                  |                          |                                   |                                                                          |
| 1.1.1.                                              | Патент беришга ва расмий<br>экспертиза ўтказишга талабнома<br>бериш:                             |                          |                                   | Талабнома<br>берилган бир<br>вақтда                                      |
|                                                     | а) – битта ихтирога                                                                              | 5                        | 421                               | Талабнома<br>берилган бир<br>вақтда                                      |
|                                                     | - ихтиролар гуруҳига, қўшимча<br>равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар<br>бир ихтирога               | 2,5                      | 210                               |                                                                          |
|                                                     | б) – битта фойдали моделга                                                                       | 5                        | 421                               |                                                                          |
|                                                     | - фойдали моделлар гуруҳига,<br>қўшимча равишда биттадан ортиқ<br>бўлган ҳар бир фойдали моделга | 2,5                      | 210                               |                                                                          |
|                                                     | в) – саноат намунасининг битта<br>вариантига                                                     | 5                        | 420                               |                                                                          |
|                                                     | - вариантларга, қўшимча равишда<br>иккитадан ўнтагача бўлган ҳар бир<br>вариант учун             | 2,5                      | 210                               |                                                                          |
|                                                     | - вариантларга, қўшимча равишда<br>ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир<br>вариант учун                  | 5                        | 420                               |                                                                          |
| 1.2. Экспертиза ўтказилганлиги учун тўланадиган бож |                                                                                                  |                          |                                   |                                                                          |

|        |                                                                                                                                                                                                                                                                           |     |      |                                                                          |
|--------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|------|--------------------------------------------------------------------------|
| 1.2.1. | Қуйидагиларга нисбатан экспертиза ўтказиш:                                                                                                                                                                                                                                |     |      | Расмий экспертиза қарори<br>жўнатиш<br>санадан бошлаб уч<br>ой мобайнида |
|        | - битта фойдали моделга                                                                                                                                                                                                                                                   | 10  | 840  |                                                                          |
|        | - фойдали моделлар гуруҳига,<br>биттадан ортиқ бўлган ҳар бир<br>фойдали моделга                                                                                                                                                                                          | 10  | 840  |                                                                          |
|        | - формуланинг ўнтадан ортиқ бўлган<br>ҳар бир боғлиқ бандига                                                                                                                                                                                                              | 1   | 84   |                                                                          |
|        | - қўшимча равишда формуланинг<br>йигирмадан ортиқ бўлган ҳар бир<br>боғлиқ бандига                                                                                                                                                                                        | 0,5 | 42   |                                                                          |
| 1.2.2. | Қуйидагиларга нисбатан илмий-<br>техник экспертиза ўтказиш:                                                                                                                                                                                                               |     |      |                                                                          |
|        | а) битта ихтирога                                                                                                                                                                                                                                                         | 15  | 1260 |                                                                          |
|        | - ихтиролар гуруҳига, қўшимча<br>равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар<br>бир ихтирога                                                                                                                                                                                        | 15  | 1260 |                                                                          |
|        | - қўшимча равишда формуланинг<br>ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир<br>боғлиқ бандига                                                                                                                                                                                           | 1   | 84   |                                                                          |
|        | - қўшимча равишда формуланинг<br>йигирматадан ортиқ бўлган ҳар бир<br>боғлиқ бандига                                                                                                                                                                                      | 0,5 | 42   |                                                                          |
|        | б) битта саноат намунасига                                                                                                                                                                                                                                                | 15  | 1260 |                                                                          |
|        | - қўшимча равишда саноат<br>намунасининг биттадан ўнтагача<br>бўлган ортиқ бўлган ҳар бир<br>варианти учун                                                                                                                                                                | 5   | 420  |                                                                          |
|        | - қўшимча равишда саноат<br>намунасининг ўнтадан ортиқ бўлган<br>ҳар бир варианти учун қўшимча                                                                                                                                                                            | 10  | 840  |                                                                          |
|        | в) ихтиро учун берилган<br>талабномада халқаро қидириш<br>органларининг бири томонидан<br>тайёрланган халқаро қидириш<br>тўғрисида ҳисобот мавжуд бўлган<br>тақдирда, Патент кооперацияси<br>тўғрисидаги шартномага мувофиқ<br>бож миқдори қуйидагиларни ташкил<br>этади: |     |      |                                                                          |
|        | - битта ихтиро учун                                                                                                                                                                                                                                                       | 12  | 1000 |                                                                          |
|        | - ихтиролар гуруҳига, қўшимча                                                                                                                                                                                                                                             | 10  | 840  |                                                                          |

|                                                                                       |                                                                                                                                      |     |     |                                                                                                                                                                                                                                             |
|---------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                       | равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир навбатдаги ихтирога                                                                            |     |     |                                                                                                                                                                                                                                             |
|                                                                                       | - қўшимча равишда формуланинг ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига                                                            | 1   | 84  |                                                                                                                                                                                                                                             |
|                                                                                       | - қўшимча равишда формуланинг йигирматадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига                                                       | 0,5 | 42  |                                                                                                                                                                                                                                             |
| <b>1.3. Патентларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш</b>                       |                                                                                                                                      |     |     |                                                                                                                                                                                                                                             |
| 1.3.1.                                                                                | Ихтирони, фойдали моделни, саноат намунасини рўйхатдан ўтказиш                                                                       | 3   | 250 | Экспертиза қарори айтилган санадан бошлаб уч ой мобайнида                                                                                                                                                                                   |
| 1.3.2.                                                                                | Эълон қилиш:                                                                                                                         |     |     |                                                                                                                                                                                                                                             |
|                                                                                       | а) расмий ахборотномада рўйхатдан ўтказилган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари тўғрисидаги маълумотлар                  | 1   | 84  |                                                                                                                                                                                                                                             |
|                                                                                       | б) ихтирога, фойдали моделга тавсиф:<br>- 35 варақчага бўлган ҳажмда, шу жумладан формула, чизмалар, реферат ва бошқа материаллар    | 3   | 250 |                                                                                                                                                                                                                                             |
|                                                                                       | - қўшимча равишда 35 варақдан ортиқ бўлган ҳар бир навбатдаги варақ учун                                                             | 0,1 | 8,4 |                                                                                                                                                                                                                                             |
| 1.3.3.                                                                                | - патентлар бериш                                                                                                                    | 3   | 250 |                                                                                                                                                                                                                                             |
| <b>1.4. Патентларнинг амал қилишини қўллаб-қувватлаганлик учун тўланадиган божлар</b> |                                                                                                                                      |     |     |                                                                                                                                                                                                                                             |
| 1.4.1.                                                                                | Фойдали моделга патентни ҳар йили талабнома топширилган санадан бошлаб унинг амал қилишининг ҳар бир йилига доир кучда сақлаб туриш: | 10  | 840 | Биринчи йил учун рўйхатдан ўтказилганлигини эълон қилинганлиги берилганлиги учун тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бир вақтда, кейингилар учун – жорий йилнинг патентни амал қилиш муддати тамом бўлганга қадар охириги йиллар мобайнида |
|                                                                                       | а) 5 йил дориасида                                                                                                                   | 5   | 420 |                                                                                                                                                                                                                                             |

|                                                                                                                                  |                                                                                                                                        |                                      |      |                                                                                                                                                                           |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------|------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                                                                  | б) 6-8 йил дориасида                                                                                                                   | 5                                    | 420  |                                                                                                                                                                           |
| 1.4.2.                                                                                                                           | Рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вақти-вақти билан итирога берилган патентни кучда сақлаб туриш:                                    |                                      |      | Уч йил учун патент берилганлиги учун тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат берилган вақтда. Кейинги учун – патентнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар уч ой мобайнида |
|                                                                                                                                  | - уч йил учун                                                                                                                          | 10                                   | 840  |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - етти йил учун                                                                                                                        | 20                                   | 1680 |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - ўн бир йил учун                                                                                                                      | 30                                   | 2500 |                                                                                                                                                                           |
| 1.4.3.                                                                                                                           | Амал қилишининг учинчи йилидан бошлаб саноат намунасига патентни ҳар йили кучда сақлаб туриш:                                          |                                      |      | Узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда                                                                                                                          |
|                                                                                                                                  | - уч йил учун                                                                                                                          | 5                                    | 420  |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - тўртинчи-еттинчи йиллар учун                                                                                                         | 7,5                                  | 630  |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - саккизинчи-ўнинчи йиллар учун                                                                                                        | 10                                   | 840  |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - ўн биринчи-ўн бешинчи йиллар учун (узайтирилган ҳар бир йил учун)                                                                    | 15                                   | 1260 |                                                                                                                                                                           |
| 1.4.4.                                                                                                                           | Патентнинг амал қилиши муддати ўтгандан сўнг 6 ойлик муддат берганлик учун қўшимча бож                                                 | белгиланган бож миқдорининг 50 фоизи |      |                                                                                                                                                                           |
| <b>1.5. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига бўлган ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b> |                                                                                                                                        |                                      |      |                                                                                                                                                                           |
| 1.5.1.                                                                                                                           | Қуйидагилардан иборат бўлган лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш:                                                                  |                                      |      | Ариза бериш билан бир вақтда                                                                                                                                              |
|                                                                                                                                  | - ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга битта патент                                                                              | 10                                   | 840  |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга бир нечта патентларни, лицензия шартномасида кўрсатилган ҳар бир патентга қўшимча равишда | 5                                    | 420  |                                                                                                                                                                           |
| 1.5.2.                                                                                                                           | Қуйидагиларга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш:                                           |                                      |      |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга патент                                                                                    | 15                                   | 1260 |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга бир нечта патентларни, ҳуқуқни бериш тўғрисидаги шартномада                               | 10                                   | 840  |                                                                                                                                                                           |

|                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                |     |     |                                                                 |
|----------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|-----|-----------------------------------------------------------------|
|                                                                | кўрсатилган ҳар бир патент учун қўшимча равишда                                                                                                                                                                                                                                                |     |     |                                                                 |
| 1.5.3.                                                         | Ихтиродан, фойдали моделдан, саноат намунасидан фойдаланишга ҳуқуқни исталган шахсга бериш (очиқ лицензия) тўғрисидаги ариза ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш                                                                                                                                | 1   | 84  |                                                                 |
| <b>1.6. Ўзгартиришлар киритиш</b>                              |                                                                                                                                                                                                                                                                                                |     |     |                                                                 |
| 1.6.1.                                                         | Талабнома берувчининг ташаббусига кўра ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига доир талабномага, шу жумладан ихтиро, фойдали модел формула-сига, саноат намунасининг муҳим белгилари рўйхатига давлат экспертизасининг қарори чиқарилгунга қадар тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш | 2,5 | 210 | Ўзгартиришландан ва материаллар билан бир вақтда                |
| 1.6.2.                                                         | Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси рўйхатдан ўтказилгунгача талабнома берувчини ўзгартириш                                                                                                                                                                                                 | 2,5 | 210 | Ўзгартиришлар тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда            |
| 1.6.3.                                                         | Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига талабномани ажратиш, дастлабки талабномадан ажратилган ҳар бир талабнома учун (биргалик бузилган ҳолда)                                                                                                                                               | 10  | 840 | Ажратилган талабнома бериш билан бир вақтда                     |
| 1.6.4.                                                         | Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ва патентни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш                                                                                                                                                                         | 2,5 | 210 | Ўзгартиришландан ва материаллар билан бир вақтда                |
| 1.6.5                                                          | Ихтирога талабномани фойдали моделга талабномага ўзгартириш                                                                                                                                                                                                                                    | 1,5 | 125 | Талабномани ўзгартириш тўғрисидаги ариза бериш билан бир вақтда |
| 1.6.6.                                                         | Фойдали моделга талабномани ихтирога талабномага ўзгартириш                                                                                                                                                                                                                                    | 2,5 | 210 |                                                                 |
| <b>1.7. Ҳужжатларни бериш муддатларини узайтириш ва тиклаш</b> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                |     |     |                                                                 |
| 1.7.1.                                                         | Ихтирога, фойдали моделга, саноат намуналарига талабномалар бўйича экспертиза сўровига жавоб                                                                                                                                                                                                   |     |     | Белгиланган муддатни узайтириш                                  |

|        |                                                                                                                                                                                                                                                              |     |      |                                                                          |
|--------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|------|--------------------------------------------------------------------------|
|        | беришнинг қонунда белгиланган муддатини узайтириш, узайтирилган ҳар бир ой учун:                                                                                                                                                                             |     |      | тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда                             |
|        | - белгиланган муддат тугаган санадан бошлаб 6 ойгача доирасида                                                                                                                                                                                               | 1   | 84   |                                                                          |
|        | - 6 ойдан 12 ойгача                                                                                                                                                                                                                                          | 5   | 420  |                                                                          |
| 1.7.2. | Ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига талабномалар саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясида белгиланган муддатдан кечикиб берилганда конвенцион устуворликни сўраш муддатини кўпи билан 2 ойга узайтириш                               | 2,5 | 210  | Ариза бериш билан бир вақтда                                             |
| 1.7.3. | Қуйидаги муддатлар доирасида берилган илтимоснома бўйича, ихтироларга, фойдали моделларга, саноат намуналарига талабномалар юзасидан экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган, талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатни тиклаш: |     |      | Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома билан бир вақтда |
|        | - берилган муддат тугаган санадан бошлаб 6 ойгача                                                                                                                                                                                                            | 6   | 600  |                                                                          |
|        | - 6 ойдан 12 ойгача                                                                                                                                                                                                                                          | 15  | 1260 |                                                                          |

## 2. Лицензия тушунчаси, шартномаси, кўриниш ҳоллари ва уларнинг ҳаракати

Лицензияга боғлиқ барча ишлар Патент идорасининг 21.09.2006 йил №56 “Патент эгасининг очиқ лицензия ва шу тўғрида ариза маълумотлари ҳақида аризаларнинг берилиши ва кўрилиши ҳақидаги Қоида” асосида олиб борилади.

Ушбу қоида уч параграфдан 14 пунктдан иборат бўлиб, умумий қоидасида: “Ихтиролар, фойдали модел ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан (30 модда) патент эгасига лицензия очиш ҳақида Интеллектуал мулк агентликга ариза бериш ҳуқуқи берилган.

Лекин агар, патент лицензион шартномада бўлса, унинг тугаши муддатигача ариза берилмайди, берилган тақдирда у кўриб чиқилмайди.

Лицензия ишларини патент эгаси мустақил равишда олиб боради, расмийлаштирилиши қонун ва Интеллектуал мулк агентликнинг қоидаси

бўйича олиб борилади. Барча лицензия ишлари учун ҳам маълум миқдорда патент божлари бўлади.

Патент эгасининг ҳоҳлаганича саноат мулкидан фойдаланишга ҳуқуқ – лицензия бериш учун Интеллектуал мулк агентлигига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

а) форма асосида лицензия очиш тўғрисида ариза. Ариза ўзбек ва рус тилида бўлиши мумкин.

Битта патентга битта ариза берилади ва ҳамма муаллифлар қўл қўйиш шарт;

б) патентнинг ҳақиқий ўзи;

в) меросхўрлик ҳақидаги ҳужжат;

г) вакилликка ишончнома (агар бўлса);

д) патент божлари тўланганлиги ҳақида ҳужжат.

Ушбу ўз вақтида топширилмаса, ариза кўриб чиқилмайди.

Барча ҳужжатлар топширилгандан сўнг Интеллектуал мулк агентлиги, ҳужжат келган кундан 15 кун ичида ҳужжатлар текширилиб қабул қилиниши ёки йўқлиги маълум қилинади. Агар бирор ҳужжат етишмаса 3 ой муддатда берилиши керак бўлади.

Интеллектуал мулк агентлиги бюллетенига, қабул қилинган патент номери, ариза номери, регистрация ҳақидаги маълумотлар ва Халқаро патент классификацияси индекси (МПК), саноат мулки патенти объектининг номи, патент эгаси ва ёзиш учун адреслар бюллетенда эълон қилинади.

Патент лицензияларининг сотилиши, олиниши қонунда ва қоидада кўрсатилган тартибда шартнома асосида бажарилади, шартномада кўрсатилган муддат асосида, келишилган шароитда фойдаланилади.

### ***Назорат саволлари:***

1. Патент божлари ҳақида тушунчалар.
2. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарининг патент божлари.
3. Патентларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш учун тўлаганадиган патент божлари.
4. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларнинг патент божлари.
5. Лицензии тушунчаси ва унинг моҳияти.
6. Патент лицензиясининг сотилиши қандай амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси**



---

**«ИНТЕЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ»**

**фанидан**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН**

|                         |         |                                                 |
|-------------------------|---------|-------------------------------------------------|
| <b>Билим соҳаси:</b>    | 600 000 | - Хизматлар соҳаси                              |
| <b>Таълим соҳаси:</b>   | 610 000 | - Хизмат кўрсатиш соҳаси                        |
| <b>Таълим йўналиши:</b> | 5610400 | - Аҳоли ва туристларни овқатлантириш<br>сервиси |

**ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА**

---

**САМАРҚАНД 2019**

**Д.Мирзаахмадов «Интеллектуал мулк муҳофазаси» Ўқув услубий  
мажмуа. Самарканд. СамИСИ. 2019 йил, \_\_\_\_\_ бет.**

**Тузувчилар:**

Мирзаахмадов Д. «Хизмат курсатиш, сервис ва уни ташкил этиш»  
кафедраси ассистенти

**Такризчилар:**

- Файзиев Ж.С. - СамИСИ, «Хизмат курсатиш, сервис ва уни ташкил  
этиш» кафедраси доценти, т.ф.н.  
Юсупова А. - Самарқанд ветеринария медицинаси институти  
доценти

**Ўқув-услубий мажмуа Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
Илмий Кенгашида муҳокама этилган ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш  
ҳамда нашр учун тавсия этилган. Баённома №\_\_\_\_, 2019 йил \_\_\_\_август.**

## **Мавзу 1. Интеллектуал мулк муҳофазаси фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари**

**Дарсинг мақсади:** Интеллектуал мулк муҳофазаси фанининг моҳияти, предмети ва мақсади, Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ривожланишида дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлиги, Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи, материал базасининг яратилиши бўйича шарт-шароитларни ўрганиш.

### **Машғулот режаси:**

1. Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи, материал базасининг яратилиши бўйича шарт-шароитлар
2. Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ривожланишида дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлиги
3. Интеллектуал мулк муҳофазаси фанининг моҳияти, предмети ва мақсади

**Таянч иборалар:** Интеллектуал мулк; устувор йўналишлар; Вена конвенцияси; ДИТД.

### **Услубий кўрсатмалар**

Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилашда фуқаролик жамиятига ўтиш, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш билан, мамлакатни модернизацияси ва ислоҳ этишда Президентимиз томонидан белгиланган устувор йўналишларда иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинаётган чоралар иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришнинг муҳим мақсадли дастурларининг амалга оширилиши, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир этиб, барча соҳаларда таркибий ўзгаришларнинг давом эттирилиши, мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳибларининг кўпайишига олиб келияпти.

Хозирги замон иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланиши учун беш «И», яъни: инвестиция, инновация, инфратузилма, институт ва интеллектнинг қўлланилиши ҳозирги вақт талаби бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам ўзининг ривожланган интеллектуал мулк материал базаси кенг илмий фонди, илмий ишлари дунё миқёсида тан олинган юқори малакавий илмий кадрлари билан Марказий Осиёдаги катта салоҳиятга эга бўлган илмий марказ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси илмий-изланиш комплексини жами соҳалар профили бўйича 363 академик, олий таълим ташкилотлари ташкил топган.

Бунда 102 – илмий-изланиш институти; 55 – олий ўқув юрлари илмий-изланиш бўлимлари; 65 – лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари; 32 – илмий

ишлаб чиқариш бирлашмалари ва экспериментал корхоналар; 30 – ахборот-ҳисоб марказлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг интеллектуал мулк ривожланишини Дуне ҳамжамияти билан кадамма-кадам ҳамкорликда, ўзаро келишувда олиб бормоқда Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси бутунжахон Интеллектуал мулк ташкилотини (БИМТ) қўйдаги ҳужжатларини имзолаган ва қўшилган:

1. Бутунжахон интеллектуал мулк ташкилоти ташкил этувчи конвенция. 1967 йил 14 июль Столгоҳда кулқуйилган ва 1979 йил 2 октябрь узгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасида 1991 йил 25 декабрьда кучга кирган. БИМТни ассосий фаолияти: янги халқаро битимларни ва миллий конунчиликни бирлаштириш лойҳаларни ишлаб чиқиш; интеллектуал мулк объектларни халқаро руйхатдан утқазишни таъминлаш; техник, илмий ва бошқа маълумотларни йигиш ва тарқатиш

2. Саноат мулкни муҳофаза қилиш буйича Париж конвенцияси. 1883 йил 20 мартда қабул қилинган (1900 й 14 дек Брюссельда, 1911 йил 2 июнь Вашингтонда 1925 йил 6 ноябрь Гаагада, 1934 йил 2 июнь Лондонда, 1958 йил 31 октябрь Лиссабонда, 1967 йил 14 июль Стокгоҳмда қайта қурилган ва 1979 й 2 ноябрь узгартирилган). Ўзбекистон Республикасида 1991 йил 25 декабрьда кучга кирган.

3. Адабиет ва бадий асарларни муҳофазаси буйича Берн конвенцияси. 1971 й 24 июль қабул қилинган ва 1979 й 28 сентябрь узгартирилган. Ўзбекистон Республикасида 2005 йил 19 апрельда кучга кирган.

4. Патент ҳуқуқи буйича шартнома. Дипломатик конференция томонидан 2000 й 1 июнь қабул қилинган. Ўз Рес-да 2006 й 19 июльда кучга кирган.

5. Товар белгилари конунлари ҳақида шартнома. 1994 й 27 октябрь Женевада кул қуйилган. Ўзбекистон Рес. 1998 йил 4 сентябрьда кучга кирган.

6. Янги усимлик навларини муҳофаза қилиш буйича халқаро конвенция. 2 декабрь 1961 йилда қабул қилинган. 1972 йил 10 ноябрь, 1978 йил 23 октябрь ва 1991 йил 19 мартда Женевада қайта қурилган. Ўз Р 2004 й 14 ноябрьда кучга кирган

7. Белгиларни халқаро руйхатдан утқазиш ҳақида Мадрид битими 1891 й 14 апрел (1900 14 декабрьда Брюссельда, 1911 й 2 июнь Вашингтонда, 1925 й 6 ноябрьда Гаагада, 1934 й 2 июнь Лондонда, 1957 й 15 июнь Ниццада ва 1967 й 14 июль Стокгоҳмда қайтадан қурилган). Ўз Р 2008 й 1 январьдан кучга кирган.

8. Патент кооперацияси буйича шартнома. 1970 й 19 июньда кул қуйилган, 1979 й 2 октябрьда қайтадан қурилган, 1984 й 3 февральда ва 2001 й 3 октябрьда узгартиришлар киритилган Ўз Р 1991 й 25 декабрьда кучга кирган

9. Белгилари руйхатдан утқаз учун товар ва хизматларни халқаро класификаторни таъсис этиш буйича Ницца битими. 1957 й 15 июньда кул қуйилган. 1967 й 14 июльда Стокгоҳмда, 1977 й 13 майда ва 1978 й 28 сентябрьда Женевада қайтадан қурилган. Ўз Р 2002 й 12 январьдан кучга кирган.

10. Халқаро патент классификацияси бўйича Страсбург битими. 1971 й 24 мартда кул қуйилган. 1978 й 28 сентябрда ўзгартирилган. Ўз Р 2002 й 12 октябрда қучга кирган.

11. Саноат намуналари халқаро классификатори таъсис этиш бўйича Локарн битими. 1968 й 8 октябрда кул қуйилган. 1978 й 28 сентябрда ўзгартирилган. Ўз Р 2006 й 19 июльда қучга кирган.

**Рационал шартнома.** Ягона патентларни бериш ва ихтиро ҳақидаги қонунларнинг унификация қилиниши, олдинда кўга тутилишида алоҳида регионал шартномаси мавжуд. 1962 йилда саноат мулки, ихтиро муҳофазасининг ягона тартиби, товар белгиларининг қайдномаси Франциянинг аввалги колониясида бўлган Африка мамлакатлари Афро – Мальгашск қайдномаси ҳақида битим тузилди. 1977 йилда эса битим Африка ташкилотларининг интеллектуал мулки (ОАНИ) ҳақида шартнома билан ўзгартирилди, бу шартномада 12 Африка давлатлари қатнашди. 1976 йил бошқа Африка давлатлари (Буюк Британиядаги колониялар) Африканинг саноат мулки инглиз тилида гапирувчи битим тузилди (ЕСАРИПО).

**Товар белгилари ҳақида шартнома.** Чет элда товар белгиларининг қайдномаси миллий қонунчилиги асосида, халқаро битимлар асосида белгиланади. Бир нечта Париж конвенция иштирокчилари – мамлакатлар 1891 йилда Мадрид конвенциясида халқаро товар белгилари қайдномасини имзолади. Женевадаги халқаро бюрога товар белгиси талабномаси берилади, кейин бу талабнома иштирокчи мамлакатлар бюросининг идорасига юборилади. Миллий идора қайд қилинишига рози бўлмаслиги мумкин. Агар розилик берилса халқаро қайдномада ҳамма мамлакат иштирокчилари товар белгисини муҳофаза билан таъминлайди. Мадрид конвенциясида 25 мамлакат иштирок этади. 1973 йил 12 июнда кўпроқ қатнашувчиларни таъминлаш мақсадида Венада товар белгиси учун янги шартнома товар белгиси қайдномаси ҳақида битим тузилди (ТРТ). Собиқ СССР бу шартномада қатнашмади.

**Интеллектуал мулкнинг халқаро ташкилоти (ВОИС).** Саноат мулки муҳофазасининг халқаро бирлашмасидан ташқари Париж конвенцияси иштирокчилари ва бошқа конвенция иштирокчилари (Патент кооперацияси ҳақида битим, товар белгилари қайдномаси (халқаро Мадрид конвенцияси ва бошқалар) учун муносиб бирлашган давлатлар тузилди. Бу бирлашмани бир системага тушишини, ҳар хил саноат мулки муҳофазаси ҳақидаги саволларни, шу жумладан, конвенцияни қайта кўриб чиқишни ВОИС бажариши керак. 1967 йилда ВОИС ҳақида конвенция Стокгольм конференциясида тасдиқланган эди.

Халқаро тузилмада 105 давлатлар (1 январ 1984 йил), шу жумладан, собиқ СССР, Белоруссия, Украиналар ҳам бор эди. ВОИСнинг бош аъзоларига Генерал ассамблеяси, координация комитет ива Халқаро бюро ва охирги, халқаро аъзоларининг доимий котиблари генерал директор ҳисобланади. Юқорида кўрсатилганидек, ВОИСда махсус бирлашмалар фаолият кўрсатади.

Собиқ СССР:

- 1965 йил – Париж бирлашмаси;
- 1976 йил – Товар белгиларини Мадрид бирлашмасининг халқаро қайдномаси;
- 1976 йил – Страсбург бирлашмасининг халқаро кашфиётлар классификацияси;
- 1971 йил – Ницк бирлашмасининг халқаро товар белгиларининг қайдномаси учун товар ва хизматларнинг классификацияси;
- 1972 йил – Локарно бирлашмасининг халқаро саноат намуналари классификациясининг аъзоси бўлиб кирди.
- 1980 йил – СССР – РСТ, ТРТ битим аъзолари тасдиқланди.

**Топшириқлар:** Интеллектуал мулк муҳофазаси фанининг моҳияти, предмети ва мақсади, Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ривожланишида дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлиги, Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи, материал базасининг яратилиши бўйича шарт-шароитларни ўрганиши керак.

***Назорат саволлари:***

1. Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи деганда нимани тушунаси?
2. Бешта «И»нинг моҳияти.
3. Рационал шартноманинг аҳамияти
4. Интеллектуал мулкнинг халқаро тузилмасининг моҳияти
5. «Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш» кўмитасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. «Интеллектуал мулк муҳофазаси» фанининг мақсади нималардан иборат?
7. «Интеллектуал мулк муҳофазаси» фанининг вазифаси нималардан иборат?

## **2-Мавзу. Интеллектауал мулкнинг структуравий таркиби**

**Дарснинг мақсади:** Интеллектауал мулкнинг структуравий таркиби ўргатиш.

**Машғулот режаси:**

3. Интеллектауал мулкнинг структуравий таркиби
4. Фан, адабиёт, санъат асарлари ва улардан интеллектуал мулк сифатида фойдаланиш


**Таянч иборалар:** Мулк структураси; саноат мулки тушунчаси; мулк таркиби; Давлат рејстри; саноат мулки объектлари; патент эгаси; талабнома; саноат намуналар; носаноат мулки; фан, адабиёт, санъат асарлари.

## **Услубий кўрсатмалар**

Интеллектуал мулк - бу инсонни ижодий фаолият натижасига ҳукуки деб айталади Ўзбекистон Республикасини Фукарлар кодексини 164 моддасига асосан Мулк ҳукуқи шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳукуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳукуқидан иборатдир.

Интеллектуал мулк асосини фан-ижод, техника ва ишлаб чиқариш бўлиб, булар бир-бирига чамбарчас боғланган. Энг янги илмий ижод маҳсулидан унинг амалиётга тадбиқ этилишигача бўлган йўлни ташкил этади.

Интеллектуал мулк структуравий таркиби бўйича у асосан саноат мулки, носаноат мулки ва фан адабиёт саноат асарлари ва улардан фойдаланиш бўйича бўлинади (расм-2.1).



Расм-2.1. Интеллектуал мулк структуравий таркиби.

Интеллектуал мулкнинг яна бир энг катта гуруҳини фан, адабиёт ва санъат асарлари ташкил этади. Уларга: Адабий асарлари (адабий-бадий, илмий, ўқув, публистик ва бошқалар); драма ва сенарий матнли ёки матнсиз

музыка, музыкальные драмы; хореография авторов и пантомимы; аудиовизуальные произведения живописи, скульптуры, графики, дизайна, живописные произведения; ландшафтные декорации и сценические декорации; архитектура городского строительства и парков, садов и парков; фотография и видеосъемка произведений искусства; география, геология, картография, топография и т.д. и т.д.

**Топшириқлар:** Муль структура; саноат мулки тушунчаси; мулки таркиби; Давлат реестры; саноат мулки объекти; патент эгаси; талабнома; саноат намуналар; носаноат мулки; фан, адабият, санъат асарларини ўрганиш.

**Талабалар билимини ошириш учун назорат саволлари:**

1. Интеллектуалнинг структурал таркибига нималар киради?
2. Интеллектуал саноат мулкининг моҳияти.
3. Интеллектуал носаноат мулкининг аҳамияти.
4. Топологиядан фойдаланиш ҳукуки деганда нимани тушунаси?
5. Фирма номининг аҳамияти.
6. Фан, адабият ва санъат асарларига нималар киради?

### **Мавзу 3. Интеллектуал саноат ва носаноат мулки**

**Дарсининг мақсади:** Интеллектуал саноат мулки ва интеллектуал носаноат мулкини ўрганиш.

**Машғулот режаси:**

3. Интеллектуал саноат мулки
4. Интеллектуал носаноат мулки

**Таянч иборалар:** Муль структура; саноат мулки тушунчаси; мулки таркиби; Давлат реестры; саноат мулки объекти; патент эгаси; талабнома; саноат намуналар; носаноат мулки; фан, адабият, санъат асарлари.

Саноат мулки интеллектуал мулкининг муҳим таркибий қисми бўлиб у ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини ҳамда товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларини ўз ичига олади. Саноат мулки сифатида бирон-бир моддий объектиларни – корхоналар биноларини, асбоб-ускуналарни ва бошқаларни кўзда тутиш нотўғри ҳисобланади.

**Саноат мулки объектилари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.** Саноат мулки объектилари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**Саноат мулки объектиларини ҳукукий муҳофаза қилиш.** Саноат мулки объектига бўлган ҳукук муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг)

ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворсиларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

**Саноат мулки объектининг ҳуқуқ субъектлари.** Саноат мулки объектининг муаллифи. Ижодий меҳнат билан саноат мулки объектини ратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

**Патент эгаси.** Саноат мулки объектининг патенти қуйидагиларга берилади:

- саноат мулки объектининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (уларнинг ўзи рози бўлган тақдирда);

- ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда иш берувчига.

**Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.** Интеграл микросхемаларнинг топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- интеграл **микросхема** – электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган, туга лёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларининг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки борчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

- **интеграл микросхема топологияси** – интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

- **ҳуқуқ эгаси** – интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкӣ ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

**Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари ва шартлари.** Интеграл микросхеманинг ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзига хос топологияси (бундан буён матнда топология деб юритилади) интеграл микросхема топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади.

**Топология муаллифи.** Ижодий меҳнати билан топологияни яратган жисмоний шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади. Агар топология икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳанти билан яратилган бўлса, улар биргаликда муаллифлар (ҳаммуаллифлар) деб эътироф этилади.

**Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи.** Ҳуқуқ эгасига топологиядан ўз ихтиёрига биноан фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи тегишлидир.

**Фирма номи.** Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

**Талабалар билимини ошириш учун назорат саволлари:**

1. Интеллектуалнинг структуравий таркибига нималар киради?
2. Интеллектуал саноат мулкнинг моҳияти.
3. Интеллектуал носаноат мулкнинг аҳамияти.
4. Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи деганда нимани тушунаси?
5. Фирма номининг аҳамияти.
6. Фан, адабиёт ва санъат асарларига нималар киради?

#### **Мавзу 4. Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасининг ташкиллаштирилиши ва бошқарилиши**

**Дарсинг мақсади:** Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасининг ташкиллаштирилиши ва бошқарилиши ўргатиш.

**Машғулоти режаси:**

4. Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг юритилиши
5. Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигининг ташкил этилиши
6. Интеллектуал мулк агентлигининг халқаро фаолияти тўғрисида

**Таянч иборалар:** Давлат сиёсати; Интеллектуал мулк агентлиги; патент эгаси.

#### **Услубий кўрсатмалар**

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бу борада жуда муҳим ишлар бажарилди. Жумладан: “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жойларининг номлари тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фирма номлари тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши, шулардан келиб чиққан ҳолда, интеллектуал мулкларни соҳибига айланиш учун талабномалар бериш, уни кўриб чиқиш ва Давлат рўйхатидан ўтиш қоидаларининг яратилиши мисол бўла олади.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланган:

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга

оширилишини таъминлаш, ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари экспертизасини ўтказиш ҳамда уларни давлат рўйхатига олиш; инновациявий технологиялар ҳамда ихтироларни, илмий-техникавий ва саноат ишланмаларини, бадий-конструкторлик ҳамда ижодий ишларнинг бошқа турларини ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

патент ҳужжатларининг давлат фондини ҳамда интеллектуал мулкнинг расман рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг сақланишини таъминлаш ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш;


интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, республика ҳудудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланишига чек қўйиш чораларини кўришда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари учун интеллектуал мулк соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий эгаларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш юзасидан судларга бериладиган даъво аризалари бўйича давлат божи тўлашдан озод этилган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИКНИ МАРКАЗИЙ АППАРАТ ТУЗИЛИШИ



Интеллектуал мулк агентликнинг асосий вазифалари ва функцияларига қуйидагилар киради:

- саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭХМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

- санаот мулки объектлари, селекция ютуқлари, ЭХМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига ҳуқуқий муҳофаза хизмати кўрсатиш;

- расмий рўйхатдан ўтказилган ЭХМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига оид патент ҳужжатларининг давлат фондини ва маълумотлар банкини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасида илмий-техника, бадий конструкторлик ва бошқа ижодиётларнинг ривожланиши учун шароитлар яратишга кўмаклашиш.

Интеллектуал мулк агентлиги:

- интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади;

- ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари (битимлари)дан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;

- тегишли халқаро ташкилотлар, патент идоралари ва чет мамлакатларнинг бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва

шартномалар тузиш тўғрисида музокаралар олиб боради ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноат мазкур шартномаларни имзолайди;

- интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги чет эл тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланишни ташкил қилади.

**Интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича Ўзбекистон Республикаси куйдаги  
Хукуматлараро Келишувларни кул куйган:**

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерация ҳукумати орасида иккитомонлама харбий-техник ҳамкорликда ишлатиладиган ва олинган интеллектуал фаолит натижаларини биргаликда муҳофаза қилиш бўйича келишув.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Хитой Хал Республикаси орасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Украина Вазирлар Маҳкамаси орасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Азербайджон Республикаси ҳукумати орасида саноат мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Киргизистон Республикаси ҳукумати орасида саноат мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати орасида саноат мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Козокистон Республикаси ҳукумати орасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Козокистон Республикаси ҳукумати орасида саноат мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Грузия ҳукумати орасида саноат мулк муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида келишув

**Идоралараро Келишувлар**

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Латвия Республикаси патенд идораси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида информация алмашинуви тўғрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Беларусь Республикаси давлат патенд идораси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Тоҷикистон Республикаси миллий патенд-маълумот маркази орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат фан ва техника кумитасини давлат патен идораси ва Чехия Республикасини саноат мулки идораси орасида саноат мулки муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Грузия “Сакпатерти” патенд идораси орасида саноат мулки мухофазаси соҳасида ҳамкорлик тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Эстония патенд идораси орасида саноат мулки мухофазаси соҳасида хужжатлар алмашинуви тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Европа патенд идоралар ассоциацияси орасида саноат мулки мухофазаси соҳасида хужжатлар алмашинуви тугрисида келишув.

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Литва Республикаси патенд бюроси орасида саноат мулки мухофазаси соҳасида хужжатлар алмашинуви тугрисида келишув.

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Хорватия Республикаси патенд идораси орасида саноат мулки мухофазаси соҳасида хужжатлар алмашинуви тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Германияни патенд ва товар белгилари идораси орасида ҳамкорлик тугрисида меморандум.

Ўзбекистон Республикаси давлат патен идораси ва Европа патенд идоралар ассоциацияси орасида Евроооо патент-маълумот тизимидан фойдаланиш тугрисида келишув

Ўзбекистон Республикаси давлат фан ва техника кумитасини давлат патен идораси ва Россия патент ва товар белгилари агентлиги орасида ЭВМ учун дастурлар, маълумотлар базаси ва интеграл микроскемалар топологияси соҳасида ҳамкорлик тугрисида келишув.

***Талабалар билимини ошириш учун назорат саволлари:***

4. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунларни санаб беринг.
5. Ўзбекистонда Интеллектуал мулк агентлиги қачон ташкил этилган?
6. Интеллектуал мулк агентлигининг фаолиятини тушунтириб беринг.
4. Ўзбекистонда Интеллектуал мулк агентлиги вазифалари.
5. Интеллектуал мулк агентлигининг халқаро фаолиятидаги ўрнинг аҳамияти.

**Мавзу 5. Ўзбекистон мустақиллик йилларида интеллектуал мулк ҳуқуқий асосларининг яратилиши**

**Дарснинг мақсади:** Ўзбекистон мустақиллик йилларида интеллектуал мулк ҳуқуқий асосларининг яратилишини ўргатиш.

**Машғулот режаси:**

2. Ўзбекистон мустақиллик йилларида интеллектуал мулк ҳуқуқий асосларининг яратилиши

**Таянч иборалар:** Ихтиро; фойдали модель; саноат намуналари; экспертиза; Интеллектуал мулк агентлиги; объект; апелляция; патент эгаси; товар белгилари; хизмат кўрсатиш белгилари; ЭХМ; микросхемалар топологияси; фирма номлари.

### Услубий кўрсатмалар

Дунёда 7 млн. патент руйхатга олинган ва ҳар йил 400-500 минг Янги патенлар кушилади. Ихтирочилик жудаям фойдали бизнес, ҳар йили лицензион шартномалар бўйча патенлар ва ноу-хау учун ажратмалар 150 млрд. АКШ долларидадан ортиқни ташкил этади. Лекин бунда Ўзбекистонни улуши жудам кам.

20 асрни 80-чи йилларда Ўзбекистонда ҳар йили 2170 ихтирога аризалар тушган, 21 асрни биринчи ун йиллигида бу курсатгич 309 тушган, яъни ихтирочилик темплари 7 маротаба тушган.

Ривожланган давлатларни ихтирочилик активлиги даражаси 2005-2009 йилларда куйдагича бўлган:

|                      |                                             |
|----------------------|---------------------------------------------|
| Японияда             | 28,5-30,5 та ариза (10 минг аҳолига бошига) |
| Корея Республикасида | 15,5-25,1 та ариза                          |
| АКШда                | 6,2-7 та ариза                              |
| Германияда           | 5,9-6,4 та ариза                            |
| Финляндияда          | 3,5-4,6 та ариза                            |
| Данияда              | 3,1-3,4 та ариза                            |
| Буюк Британияда      | 2,9-3,4 та ариза                            |
| Россияда             | 1,6-2,5 та ариза                            |

Ўзбекистон Республикасида бу курсатигич 0,09-0,21 ташкил этади ва бу давлатимизда ихтирочилик активлиги жудам паст эканлигини далолат беради.

2005-2009 йилларда Руйхатган олинган ихтироларни Халқаро патент классификатори бўйича статистик тахлили куйдагиларни курсатди:

| № | Халқаро патент классификатори бўлими | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | Жами |
|---|--------------------------------------|------|------|------|------|------|------|
| 1 | А - Инсон ҳаёт талабларини қондириш  | 127  | 85   | 120  | 85   | 78   | 495  |
| 2 | В – Турли технологик жараёнлар       | 36   | 26   | 25   | 34   | 17   | 138  |
| 3 | С – Кимё ва металлургия              | 143  | 93   | 109  | 108  | 69   | 522  |
| 4 | D – Текстиль ва қоғоз                | 26   | 24   | 13   | 9    | 20   | 92   |
| 5 | Е – Қурилиш ва тоғ иши               | 27   | 9    | 13   | 12   | 13   | 74   |
| 6 | F – Механика, ёруғлик, иссиқлик      | 13   | 16   | 15   | 17   | 15   | 76   |
| 7 | G - Физика                           | 18   | 16   | 11   | 14   | 13   | 72   |
| 8 | Н - Электр                           | 17   | 3    | 6    | 9    | 10   | 45   |

|  |      |     |     |     |     |     |      |
|--|------|-----|-----|-----|-----|-----|------|
|  | Жами | 407 | 272 | 312 | 288 | 235 | 1514 |
|--|------|-----|-----|-----|-----|-----|------|

Интеллектуал мулк агенликни фаолияти 3 боскичга булиш мумкин:

4. Биринчи этап (1992-1997 йиллар) бу даврда жахон патент тизимини амалий тажрибасини урганиш ва уни асосида конунчилик тизимини ишлаб чиқиш.
5. Иккинчи этап (1998-2008 йиллар) бу даврда интеллектуал мулк объектларни муҳофазаси соҳасида конунларни такомиллаштириш. Бу давр ичида бир нечта конунлар қабул қилинди ва идора мутахасислар томонидан 130 ортик нортив хужжатлар тайёрлаган.
6. Учинчи этап 2009 йилда бошланган ва бу партнерлар билан ишлаш.

Дастлаб вақтинчалик хужжатлар қабул қилиниб, кейинги йиллар эса улар алоҳида-алоҳида конунлар шаклига келтирилди.

“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни 1994 йил 6 майда мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида қабул қилинган эди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил № 5, 138-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил № 3, 38-модда). Лекин унга, яъни 1 октябр 1992 йилдан Ўзбекистонда Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 15 сентябр 1992 йил №432 қарори билан “Ўзбекистон Республикаси саноат мулки вақтинча низоми” қабул қилинган эди. Ушбу низом, юқорида қайд этилган қонунни қабул қилингунга қадар қўлланилиб келинди.

Ушбу қонун жами 39 модда, VII бўлимдан иборат бўлиб, унда умумий қоидалар (1-8 моддалар), Саноат мулки объектининг ҳуқуқ субъектлари (9-13 моддалар), патент бериш ҳақидаги талабнома (14-19 моддалар), патент бериш ҳақидаги талабномани экспертизадан ўтказиш (20-23 моддалар), Саноат мулки объектига патент олиш ва бу патентнинг амал қиллишини тугатиш (24-29 моддалар), Саноат мулки объектларидан фойдаланиш (30-33 моддалар) ва якунловчи қоидалар (34-39 моддалар)дан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикаси “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонун 1996 йил 30 августда қабул қилинган бўлиб, 2002 йил 29 августда эса унинг такомиллашган, замон талабларига жавоб берувчи янги таҳририда қабул қилинди ва амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни 2006 йил 23 мартда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2006 йил 9 июнда Сенат томонидан мақулланган ва 2006 йил 20 июнда Президент томонидан амалга киритилган.

### ***Талабалар билимини ошириш учун назорат саволлари:***

- 1. Коммуникация тушунчалари ўз ичига нималарни олади?**
- 2. Телекоммуникацион системалар қандай вазифаларни бажаради?**
- 3. Телекоммуникацион система ўз ичига нималарни олади?**

4. Интеграллашган ахборот системаси қандай тармоқларни ўз ичига олади?

## **Мавзу 6. Интеллектуал мулк ҳуқуқий асослари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

**Дарсинг мақсади:** Интеллектуал мулк ҳуқуқий асослари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси қонунларини ўргатиш.

### **Машғулоти режаси:**

2. Интеллектуал мулк ҳуқуқий асослари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари

**Таянч иборалар:** маркетинг, савдо, бўлимлар, таъриф сиёсати, режалаштириш, қўйилган талаблар.

### **Услубий кўрсатмалар**

Юқорида кўриб чиқилган қонунлар ўзининг моҳияти, мазмуни билан юртимиз ҳаётига муҳим қонуний ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Чунки, улар асосида яратилган барча интеллектуал мулклар қонуний ҳимоялаш шароити яратилади.

Қуйида биз яратилган, ҳозирги вақтда ҳаётга ўз тадбиқини топган қонунларнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида гапириб ўтмоқчимиз.

“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни 1994 йил 6 майда мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида қабул қилинган эди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил № 5, 138-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил № 3, 38-модда). Лекин унга, яъни 1 октябр 1992 йилдан Ўзбекистонда Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 15 сентябр 1992 йил №432 қарори билан “Ўзбекистон Республикаси саноат мулки вақтинча низоми” қабул қилинган эди. Ушбу низом, юқорида қайд этилган қонунни қабул қилингунга қадар қўлланилиб келинди.

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворсиларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Патент эгаси; патент эгасининг саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқи; патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар; патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши; ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома; фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома; саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома; саноат мулки объекти устуворлиги; талабномаларни ўзгартириш.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Маҳсулот белгилари ва хизмат белгилари тўғрисида”ги қонун (Олий Кенгаш ахборотномаси, 1993 йил №6, 244-модда), 1997 йил 26 декабардаги ҳамда 2000 йил 15 декабрданги қабул қилинган қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан, 2001 йил 30 августгача амалиётда қўлланилиб келинди.

“Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни 12 май 2001 йилда қабул қилинган бўлиб, 21 моддадан иборатдир.

Ушбу қонун, бу тўғрисидаги барча муносабатларни тартибга солиш билан бирга интеграл микросхемалар, интеграл микросхемалар топологияси, уларнинг ҳуқуқий эгаси тушунчаларини асослаб беради (2-модда).

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

интеграл микросхема — электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган тугал ёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларнинг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки барчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

интеграл микросхема топологияси — интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

ҳуқуқ эгаси — интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкӣ ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

Интеграл микросхемалар топологияларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ва шартларида: Интеграл микросхеманинг ушбу белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзига хос топологияси (бундан буён матнда топология деб юритилади) интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади.

Қонунда фирма номида кўрсатилиши лозим бўлган белгилар қуйидагича изоҳланади:

1) давлатнинг расмӣ номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз;

3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан фалокат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак.

Фирма номида:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

- белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

## **Мавзу 7. Патент тушунчаси, унинг эгаси, ундаги мутлоқ ҳуқуқ ҳақида тушунча**

**Дарсинг мақсади:** Патент тушунчаси, унинг эгаси, ундаги мутлоқ ҳуқуқ ҳақида тушунчаларни ўргатиш.

**Машғулот режаси:**

### **1. Патент тушунчаси, унинг эгаси, ундаги мутлоқ ҳуқуқ ҳақида**

#### **Услубий кўрсатмалар**

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилувчи куйдаги ҳужжатлар мавжут:

- 1 - Панет;
- 2 - Товар белгисига гувоҳнома;
- 3 - Товар келиб чиққан жой номларига гувоҳнома;
- 4 - Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига гувоҳнома;
- 5 – Топологияни руйхатдан утказиш хакида гувоҳнома.

Патент бу – патент эгасининг ихтиро, саноат намунаси, фойдали модел, селекция ютуқларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Товар белгисига гувоҳнома – бу эгасини гувоҳномада курсатилган товарларга нисабан товар белгисига бўлган мутлақ эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Товар келиб чиққан жой номларига гувоҳнома - бу эгасини гувоҳномада курсатилган товарларга нистабан товар келиб чиққан жой номларини куллаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига гувоҳнома – бу руйхатга олинган дастурлар ёки маълумотлар базаларига мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир

Топологияни руйхатдан утказиш ҳақида гувоҳнома – бу эгасини топологияни куллаш учун мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир

Ижодий меҳнати билан саноат мулки объектини яратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

**Патент эгасининг саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқи.** Агар саноат мулки объектдан ўз хоҳишича фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш ҳуқуқини бузмаса, бундай фойдаланиш патент эгасига тегишлидир, шу зайдда фойдаланиш ушбу Қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

**Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар.** Қуйидаги ҳолларда патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди:

- Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган қурилмаларни Саноат мулки муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида мазкур восита вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда, башарти бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бўлса, қўллаш;

- патент билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситалар устида илмий-тадқиқот ёки тажриба ўтказиш;

- патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар қўллаш;

- патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, агар бу воситалар фуқаролик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;

- патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш;

- дорихоналарда шифокор рецепти бўйича дориларни бир маротабалик тайёрлаш.

**Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши.** Патент билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан ушбу Қонуннинг 11 ва 32-моддаларида назарда тутилган қоидаларга ҳилоф равишда фойдаланаётган ҳар қандай шахс патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳисобланади.

Саноат мулки объектдан патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар патент эгасининг талабига қўра:

- патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳаракатларни тўхтатишлари;
- патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплашлари шарт.

Саноат мулкига патент бериш ҳақидаги талабнома ва экспертизадан ўтказиш патентлаш ва унинг амал қилиши, фойдаланиши бўйича бажариладиган ишлар, кейинги маърузаларда унинг таркибий қисмлари бўйича келтирилган.

**Топшириқлар:** Талабалар ишлаб чиқариш қувватларини, талабларни ва олдиндан буюртма олиш жараёнининг таҳлилини ўрганиши керак.

***Талабалар билимини ошириш учун назорат саволлари:***

7. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўз.Р. Қонунининг моҳияти.

8. Саноат мулки объектларига патент бериш бўйича талабномалар.

9. “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш тўғрисида” Ўз.Р. Қонуни.

10.ЭХМ да интеграл микросхемалар топологиялари моҳияти.

11.Фирма номлари ҳақида умумий маълумотлар.

12.Селекция ютуқлари ва муалифлик ҳуқуқлари ҳақида умумий маълумотлар.

7. Патент эгасининг саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқининг аҳамияти.

8. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатларни тушунтиринг.

9. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши қандай ҳолларда амалга оширилади.

**Мавзу 8. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг интеллектуал мулк сифатида қаралиши**

**Дарснинг мақсади:** Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг интеллектуал мулк сифатида қаралишини ўргатиш.

**Машғулот режаси:**

1. Ихтиронинг мазмуни, тушунчаси ва тузилиши

2. Фойдали моделлар мазмуни, кўриниш ҳоллари

6. Нархдан фойдаланиш

**Таянч иборалар:** Ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари; талабнома; ихтиро муаллифи; талабнома тузиш.

**Услубий кўрсатмалар**

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Қонунига (янги таҳрири 29.08.2002 й. да тасдиқланган)

мувофиқ қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар турлари, аввалдан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларни янги вазифада қўлланилиши ихтиролари сифатида тан олинади.

Қонуннинг 6-моддааси саккизинчи қисмига мувофиқ қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадда қўлланилиши ихтиролари сифатида эътироф этилади.

а) Ихтиро тури – “қурилма”

ихтиро тури сифатида қурилмаларга конструкциялар, конструктив элементлар ёки уларнинг функционал конструктив бирликда бўлган мажмуидан иборат буюмлар киради.

Қурилмаларга машиналар, асбоблар, аппаратлар, ускуналар, инструментлар, маҳкамловчи буюмлар, машина деталлари, алоқа воситалари, қурилиш конструкциялари ва бошқалар киради.

б) Ихтиро тури – “усул”

ихтиро тури сифатида усулларга моддий объект (қурилма, муҳит, электр заряди, магнит майдони ва бошқалар) устида моддий воситалар ёрдамида ўзаро боғлиқ ҳаракатларни бажариш жараёнлари киради.

в) Ихтиро тури – “модда”

Ихтиро тури сифатида моддаларга:

- кимёвий бирикмалар, буларга шартли равишда юқори молекуляр бирикмалар ва ген инженерияси маҳсулотлари бўлган рекоминант нуклеин кислоталар, векторлар киритилган;

- композициялар (таркиблар, аралашмалар, қотишмалар, эритмалар ва бошқалар);

- ядровий парчаланиш маҳсулотлари киради.

г) Ихтиро тури – “микроорганизм штамми, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялари)”

Микроорганизм штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялар)га:

- бактериялар, вируслар, бактериофаглар, микро сув ўтлари, микроскопик замбуруғлар ва бошқаларнинг штаммлари;

- микроорганизмлар, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялари) консорсиумлари;

- хусусан микроорганизмлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг плазмидлари, векторлари, барқарор трансформацияланган ҳужайралари, трансген ўсимликлар ва ҳайвонларга доир бўлган генетик конструкциялар киради.

д) Ихтиро тури – “аввалдан маълум бўлган қурилма, усул, модда, штаммни янги мақсадда қўлланилиши”

Агар ихтиро формуласида битта ихтиро тавсифланган бўлса;

- ихтиро формуласида бир турдаги (бир қанча қурилмалар, бир қанча турлар ва бошқалар), бир хил мақсадда фойдаланишга мўлжалланган, принципиал аънан бир хил йўл (вариантлари) билан аънан бир хил техника натижасини олишни таъминлайдиган объектларга тааллуқли ихтиролар гуруҳи тавсифланган бўлса;

- бири иккинчисини олиш (тайёрлаш) учун мўлжалланган бўлса (масалан, қурилма ёки модда ва қурилма ёки моддани бутунлай ёки уларнинг бир қисминини олиш усули);

- бири иккинчисини амалга ошириш учун мўлжалланган бўлса (масалан, усул ва усулни бутунлай ёки унинг амалларидан биринини ошириш учун қурилма);

- бири иккинчисидан (иккинчисида) фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса (масалан, усулда фойдаланиш учун мўлжалланган усул ва қурилма; усул ёки қурилма ва унинг бир қисми; қурилма ёки моддани улардан янги мақсадда фойдаланиш учун қўллаш ва ушбу мақсадга мувофиқ улардан фойдаланиш усули; қурилма ёки моддадан янги мақсадда фойдаланиш ва таркибий қисми бўлган қурилма ёки композиция) ихтиро бирлиги талабига риоя қилинган деб ҳисобланади.

Ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикринини ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Ихтиро ҳақидаги талабнома:

ихтиронинг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги Талабномани;

ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ очиб берилган тавсифини;

ихтиронинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини;

агар ихтиронинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материалларни;

ихтиро рефератини ўз ичига олиши лозим.

“Ихтирони моҳияти” булимида ихтирони техник натижасини таъминлаш учун етарли булган моҳиятини муҳим белгилари мажмуи билан ифодаланади. Белгилар муҳим булади қачонки улар техник натижа олишга таъсир этса, яъни қўрсатилган натижа билан сабали-окибатли боғликида булса.

Қурилмани тавсифлаш учун асосан қуйдаги белгилардан фойданилади:

Конструктив элемент борлиги;

Элементлар орасида боғлиқлик борлиги;

Элементларни узаро жойлашуви;

Элементни бажарилган формаси ёки тулик усқунани, бинобарин геометрик формаси;

Элементлар орасида боғлиқлик бажариш формаси;

Элементларни параметирлари ва бошқа тавсифларини ва уларни боғланиши;

Элементни ёки бутун усқнани ясалган материл;

Мухид, элемент воситасини бажараетган;

Усулларни тавсифлаш учун асосан куйдаги белгилардан фойданилади:

Харат ёки характ мажмуи борлиги;

Вакт ичида харакатни бажарилиш кетма-кетлиги (кетма-кет, бирвакtda, хар хил бирмада ва бошка)

Композицияларни тавсифлаш учун асосан куйдаги белгилардан фойданилади:

Сифатли (ингредиентлар) таркиби;

Микдорий (ингредиентлар микдори) таркиб;

Композиция тузилиши;

Ингредиентлар тузилиши;

Таркиби аниқланмаган композицияни тавсифи сифатида физик-химёвий, физик ва утилитар курсаткичлар ҳамда олиш усули белгилари ишлатилиши мумкин.

Талабномани расмий экспертизаси утказиш даврида куйдагилар текширади:

А) Талабномага булиши керак булган хужжатларни мавжутлигини;

Б) Хужжатларга куйилган талабларни бажарилганлиги;

В) Талабномани бериш тартибини бажарилганлигини конунинг 14 моддасини 4 кисми буйича, ишончномани тугри расмийлаштирилганлиги;

Г) Талабномада берилаётган таклиф ихтиро объекти сифатида кирганлиги

Д) Талабнома агентликга тушган кундан суралган устуворлик куни олдинрок эганлигини исподлиги;

Е) Халқаро патент классификатори буйича ихтиро тугри классификаторланганлиги тугрилиги.

Талабноманинг моҳияти бўйича экспертизасида куйдагилар омалга оширилади:

А) Ихтирони устуворлиги урнатилиши, агар у коннунинг 18 моддасини 2 бандига асосан суралган булса;


Б) Талабнома берувчини томонидан такдим этилган ихтиро формуласини куйилган талабларга жавоб бериши;

В) Талабнома берувчини томонидан такдим этилган кушимча материалларни текшириш;

Г) Талаб этилган ихтирони патентга лаёкатлигини текшириш.

Конунинг 20 моддасига асосан Талабнома берувчига кушимча материалларга суров қачонки жунатилади қачон бу материалларсиз талабномани моҳияти бўйича экспертизани утказиб булмайдиган холда.

# Ихтиро ва фойдали модельга тушган талабномани иш юритиш схемаси



Суров жунатилиш учун куйдагилар асос булиши мумкин:

- патент божини туланиши тугирлиги буйча саволларга аниклик киритиш керак булганда
- текшири натижаси буйича ихтирони формуласига аниклик киритиш керак булганда
- талаб этилган ихтирони патентга лаёкатлигини текшириш билин боглик саволларни хал килиш керак булганда

- талаб этилган ихтирони патентга лаёқатлигини текшириш натижасида ихтиро формуласига аниқлик киритиш керак бўлганда

- Устуворлик куни бирхел бўлган ухшаш саноат мулкларни талабномаларни куриш билан боғлиқ бўлган саволларни ҳал қилиш учун.

Талабноманинг ҳар бир ҳужжати алоҳида варақдан бошланади. Варақлар 210x297 мм форматга эга бўлади. Тавсиф, формула, чизма ва рефератларни ўз ичига олган варақнинг ҳошияси қуйидагича бажарилади, мм:

юқоридаги - 20;

ўнгдаги - 20;

қуйидаги - 20;

чапдаги - 25.

Чизмалар чизилган варақлардаги фойдаланиладиган сатҳнинг ўлчами 170-262 ммдан ошмаслиги лозим, ҳошияларнинг ўлчами қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак, (мм):

юқоридаги - 25;

чапдаги - 25;

ўнгдаги - 15;

пастки - 10.

Расмий экспертиза ўтказиш давомида қуйидагилар текширилади:

а) талабнома таркибида бўлиши ёки унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги;

б) фойдали модель моҳиятини таҳлил қилмасдан туриб аниқланадиган белгиланган талабларга риоя қилинганлиги;

в) Қонуннинг 14-моддаси тўртинчи қисмида кўзда тутилган ҳолларда талабнома топшириш тартибига, жумладан патент вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончноманинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилишига риоя қилинганлиги;

г) талабнома фойдали модель сифатида муҳофазаланадиган объектларга оид таклифга берилганлиги;

д) талабнома бўйича Агентликга келиб тушган санасидан аввалроқ устуворликни сўраш асосланганлиги;

е) фойдали моделни Халқаро Патент Классификаторнинг амал қилаётган таҳриридаги таснифланиши тўғрилиги (агар талабнома берувчи томонидан таснифланмаган бўлса таснифланади).

Қуйидагилар сўровнома юбориш учун асос бўлади:

а) талабномада ушбу Қоидаларнинг 5-бандида кўзда тутилган ҳужжатлардан бирортаси бўлмаса;

б) талабнома патент вакили ёхуд ишончли шахс орқали топширилганда ишончнома йўқлиги ёки уни расмийлаштириш қоидалари бузилганлиги;

в) талабнома ҳужжатлари белгилангандан кам нусхада топширилганда;

г) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи жисмоний шахслар ёки хорижий юридик шахслар томонидан талабнома Агентликда рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари орқали топширилмаганда, агар Ўзбекистон

Республикаси иштирок этган халқаро битимларда талабномани бундай топшириш кўзда тутилган тартиб ўрнатилмаган бўлса;

д) патент бериш учун аризада Қоидаларда кўзда тутилган реквизитлар, имзолар, муҳр (зарур бўлганда) йўқлиги;

е) патент божлари тўғри тўланганлиги билан боғлиқ саволларни аниқлаш зарурияти;

ж) талабнома ҳужжатларининг ўзбек ёки рус тилига таржимаси йўқлиги, агар улар бошқа тилда топширилган бўлса;

з) ҳужжатлардан бевосита нусха кўчиришга, уларни сақлашга тўсқинлик қиладиган ва/ёки патент тавсифини эълон қилишга тайёрлаш имкониятини бермайдиган камчиликлар (варақлар форматига, ҳошияларнинг ўлчамларига ва ҳ.к.ларга қўйилган талаблар бузилганда, талабнома материалларини ўқишни қийинлаштирадиган босма сифати ва ҳ.к.) аниқланганда;

и) фойдали модель тавсифида Қоидаларда кўзда тутилган бирон-бир бўлимнинг йўқлиги (агар тегишли бўлимда баён қилиниши лозим бўлган маълумотлар бошқа бўлимда келтирилган бўлса сўровнома юборилмайди), ва шунингдек фойдали модель формуласида ёки тавсифида бирон-бир аломат таърифини ушбу аломат очиқ берилган адабиёт манбаига ҳавола қилиш билан алмаштириш;

к) талабномада ҳамма таниша олмайдиган адабиёт манбаига берилган изоҳлар ёки ундаги баъзи маълумотларни (патент берилиши тўғрисида маълумотларни эълон қилишда муаллифлиги кўрсатилишини истамаган муаллифлар тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно) эълон қилиш мумкин эмаслиги ҳақида кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолда;

л) формула бандини битта гап кўринишида баён қилиш талаблари бузилган ҳолда;

м) фойдали модель формуласида тегишли объект белгилари ўрнига унинг ишлатишдаги кўрсаткичлари ва истеъмол хусусиятлари, уни амалга ошириш ва/ёки ундан фойдаланишда келиб чиқадиган эффект ва ҳодисалар ҳақида маълумотлар мавжудлиги;

н) талабнома ҳужжатларининг бир-бирига мос эмаслиги (аризада келтирилган фойдали модель номи тавсифда ва формулада келтирилган номига мос эмаслиги; чизмалар фойдали модель тавсифига мос эмаслиги ва ҳ.к.).

о) талабномада аввалроқ устуворлик сўраш билан боғлиқ саволларни аниқлаш зарурияти.

**Топшириқлар:** Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг интеллектуал мулк сифатида қаралишини ўрганиши керак.

## **Мавзу 9. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг патентга лаёқатлик шартлари**

**Дарсининг мақсади:** Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг патентга лаёқатлик шартларини ўргатиш.

### **Машғулот режаси:**

1. Саноат намуналари тузилиши, тушунчаси
2. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг патентга лаёқатлик шартлари

**Таянч иборалар:** саноат намунаси, ихтиро, фойдали модел, патент, лаёқатлик шартлари.

### **Услубий кўрсатмалар**

Саноат намуналари - бу саноатда ишлаб чиқариладиган буюмнинг (товарнинг) ташқи оригинал кўриниши белгиларидан унинг бадий конструкторлик ечимига айтилади.

Саноат намунаси ҳақидаги талабнома:


саноат намунасининг муаллифи (хаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги Талабномани;

буюмнинг ташқи кўриниши ҳақида тўла-тўқис, бор тафсилоти билан тасаввур қилиш имконини берувчи буюм акс эттирилган тасвирлар туркумини, макет ёки расмни;

агар саноат намунасининг моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион харитасини;

саноат намунасининг ундаги муҳим белгилар мажмуини акс эттирган тавсифини ўз ичига олиши лозим.

## Саноат намунасига тушган аризни иш юритиш схемаси



**Ихтиронинг патентга лаёқатлилиқ шартлари.** Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, у ихтиролик даражасига эга бўлади.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилади:

- қурилмалар;
- усуллар;
- моддалар;
- микроорганизмларнинг штаммлари;
- ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари;
- илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадида қўлланилиши.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- ақлий операцияларни бажариш қоидлари ва усуллари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тарҳлари;
- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;
- интеграл микросхемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

### **Фойдали моделнинг патентга лаёқатлилиқ шартлари**

Агар фойдали модель сифатида кўрсатилган объект янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар фойдали моделнинг муҳим белгилари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Техника тараққиёти даражаси талабномада кўрсатилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги Ўзбекистон Республикасида ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотларни, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотларни ўз ичига олади.

### **Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ шартлари**

Агар саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва оригинал (ўзига хос) бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, у янги деб эътироф этилади.

Саноат намунасининг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Саноат намунаси, агар унинг муҳим белгилари мажмуи буюм хусусиятларининг ижодий жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, оригинал деб эътироф этилади.

Буюмнинг ташки кўринишини ифодаладиган бадий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига киради.

Қуйидагилар саноат намуналари деб эътироф этилмайди:

- матбаа маҳсулотлари;
- архитектура объектлари (кичик архитектура шаклларида ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар иншоотлар;
- суюқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар;
- буюмнинг фақат техник вазифаси билан боғлиқ бўлган ечимлар;
- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

**Топшириқлар:** Талабалар меҳмонхонадаги номерлар фондини олиб бориш ва мижозлар билан ҳисоб-китоб жараёнларини ўрганиши керак.

#### ***Талабалар билимини ошириш учун назорат саволлари:***

11. Саноат мулки тушунчаси ва моҳияти.
12. Патент қандай маънони билдиради?
13. Саноат мулки объектининг ҳуқуқ субъектлари.
14. Ихтиронинг мазмуни ва тузилиши.
15. Ихтиро сифатида эътироф этиладиган турлари.
16. Фойдали моделлар тушунчаси ва унинг кўриниш ҳоллари
17. Талабноманининг таркиби. Патент олиш учун талабнома тузиш.
18. БМТ нинг СТ.25 стандартининг моҳияти.
19. Ихтиро номининг атамага хослиги.
20. Курилмаларни тавсифлаш аломатлари.
20. Интеллектуал мулк агентлигига талабномани топшириш тартиби.

### **Мавзу 10. Товар белгилари тузилиши ва унинг моҳияти**

**Дарсинг мақсади:** Товар белгилари тузилиши ва унинг моҳиятини ўргатиш.

#### **Машғулот режаси:**

1. Товар белгилари тузилиши ва унинг моҳияти

**Таянч иборалар:** Товар белгилари; хизмат кўрсатиш белгилари; гувоҳнома; бюллетень; Давлат органи; сертификатлаш; жўғрофий объект; ҳуқуқий муҳофаза қилиш; талабнома иловаси ва талаблари; ишончнома.

### **Услубий кўрсатмалар**

Товар белгилари якка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин. Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси якка тартибдаги белги ҳисобланади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахс томонидан (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) Агентликка берилади.

Талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

- товар белгиси сифатида белгини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза; талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

- белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати.

Қуйидагилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

3) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;

4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;

5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;

6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;

7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;

8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;

9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек башарти улар таржима қилиниб ёки «кўринишдаги»,

«турдаги», «усулдаги» ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилса;

12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) қуйидаги белгилар:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказилаётган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

- белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

14) қуйидаги белгилар:


- ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушган санадан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

- саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

- Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

- атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллусларини ва улардан ясалган сўзларни, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

**Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар  
келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш  
учун тушган аризни иш юритиш схемаси**



**Топшириқлар:** Товар белгилари тузилиши ва унинг моҳиятини ўрганиши керак.

## **Мавзу 11. Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши, кўриниш ҳоллари**

**Дарсинг мақсади:** Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши, кўриниш ҳолларини ўргатиш.

**Машғулот режаси:**

1. Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши, кўриниш ҳоллари

**Таянч иборалар:** нарх, нарх шаклланиши, ташқи омиллар, нархни белгилаш мақсадлари, нарх усули, нарх стратегияси..

### **Услубий кўрсатмалар**

Қуйидагилар хизмат кўрсатиш белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

- 1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;
- 2) давлатнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ ёзилган номлари белгилари;
- 3) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;
- 4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;
- 5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;
- 6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;
- 7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;
- 8) хизматларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги, уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;
- 9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиш мумкин бўлган белгилар;
- 10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда сиқарилганлиги ҳақида тасаввур берувчи белгилар;
- 11) маданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номларини ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек “кўринишдаги”, “турдаги”, “усулдаги” ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолдаги белгилар;
- 12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;
- 13) қуйидаги белгилар:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатда берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилганлиги ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илағирок устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштирилган ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- ҳар қандай хизматларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умум эътироф этилган даражада бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган хизмат кўрсатиш белгилари бўлган белгилар билан ва бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай хизматларга нисбатан шундай мақомга эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиладиган хизмат кўрсатиш белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм бундан мустасно;

- белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражаси ва шунга ўхшаш бўлган белгилар;

14) қуйидаги белгилар:

- ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушганлиги бўлса, такрорловчи белгилар;

- саноат намуналарини, агар уларга ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга берилган белгилар;

- Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини ва ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

- атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шундай меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

**Топшириқлар:** Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши, кўриниш ҳолларини ўрганиши керак.

## **Мавзу 12. Товарлар келиб чиққан жой номларининг кўриниш ҳоллари**

**Дарсининг мақсади:** Товарлар келиб чиққан жой номларининг кўриниш ҳолларини ўргатиш.

**Машғулоти режаси:**

1. Товарлар келиб чиққан жой номларининг кўриниш ҳоллари

## Услубий кўрсатмалар

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказган шахс бу номдан, башарти мазкур шахс алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи худди шу жўғрофий объектда жойлашган ва айнан шундай хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётган бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома товар келиб чиққан бир жой номига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

- товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

- товар ишлаб чиқарилган жойни жўғрофий объект чегарасида кўрсатган ҳолда товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар турининг номи ҳамда унинг алоҳида хусусиятлари тавсифи.

Талабномага қуйидагилар илова қилиниши зарур:

- талабнома берганлик учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- талабнома патент вакили орқали берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

- талабнома берувчининг зикр этилган жўғрофий объектда жойлашганлигини ва алоҳида хусусиятлари мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан боғлиқ товар ишлаб чиқаришини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- чет эллик талабнома берувчининг товар келиб чиққан жойнинг талабномада ифодаланган номидан товар келиб чиққан мамлакатда фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

- товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини чалғитиб қўядиган жўғрофий ном бўлган белгилар;

- товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар; товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

Агентлик давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари асосида, патент божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан уч кун ичида товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини тегишли реестрда рўйхатга олади.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар келиб чиққан жой номи сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини ва гувоҳнома эгасининг ундан гувоҳномада кўрсатилган товар турига нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси Агентликни ўз номи, фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганлиги тўғрисида, товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишга тааллуқли бошқа ўзгартиришлар тўғрисида хабардор қилади. Ушбу ўзгартиришлар тўғрисидаги ёзув Агентлик томонидан товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ва тегишли реестрга киритилади.

Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилганлиги қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

мазкур жўғрофий объект учун хос бўлган шароитлар йўқолганда ва реестрда кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаганда;

чет эллик юридик ёки жисмоний шахслар товар келиб чиққан мамлакатда товар келиб чиққан шу жой номига доир ҳуқуқларини йўқотганда.

Товар келиб чиққан жой номини товарда, унинг идиши ҳамда ўровида, пешлавҳаларда, расмий бланкаларда, рекламада, босма нашрларда ва товарни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда ишлатиш товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

**Топшириқлар:** Товарлар келиб чиққан жой номларининг кўриниш ҳолларини ўрганиши керак.

### **Мавзу 13. Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш талаблари**

**Дарснинг мақсади:** Товарлар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш талабларини ўргатиш.

### **Машғулот режаси:**

1. Товарлар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш талаблари

### **Услубий кўрсатмалар**

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи жисмоний шахснинг ёки чет эллик юридик шахснинг манфаатларига вакиллик қилиш учун Интеллектуал мулк агентликда рўйхатдан ўтказилган патент вакилига ишончнома, талабнома берувчи шахснинг ўзи томонидан, шунингдек талабнома берувчи томонидан берилган тешигли ишончномага эга патент вакили томонидан ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолларда кўрсатиб ўтилган икала ишончнома ёки унинг тўғри расмийлаштирилган нусхаси илова қилинади.

Белгининг рўйхатдан ўтказиш учун талаб этилаётган тасвири 5 нусхада топширилади.

Талабномага илова этилаётган ҳужжатлар бир нусхада топширилади.

Товар белгисининг устуворлиги Интеллектуал мулк агентликга таркибида талабнома берувчи ва унинг жойлашган манзили ёки яшаш жойи, талабномада келтирилган белги, унинг тавсифи ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар ва хизматлар рўйхати келтирилган ариза бўлган талабнома топширилган сана бўйича белгиланади. Агар талабномада дастлаб юқорида санаб ўтилган маълумотлар ва ёки ҳужжатлардан бири бўлмаган бўлса, товар белгисининг устуворлик санаси деб, етишмаган устуворликни белгилаш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатларнинг энг охиргиси келиб тушган сана ҳисобланади.

Товар белгисининг устуворлиги шунингдек Париж конвенциясига аъзо давлатда берилган биринчи талабнома санаси бўйича ёки Париж конвенциясига аъзо давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил қилинган расмий ёки расмий тан олинган халқаро кўргазмада ушбу белги билан белгиланган экспонатларнинг очиқ намоиш қилинган санаси бўйича белгиланиши мумкин, агар Қонуннинг 12-моддаси 2, 3 ва 4 – қисмида кўзда тутилган талабларга риоя қилинган бўлиб, талабнома берувчи томонидан сўралаётган устуворликни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатлар тақдим этилган бўлса.

Қонуннинг 12-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмига мувофиқ конвенция устуворлик сўралган ҳолда қуйидагилар текширилади:

а) талабнома берувчи томонидан Париж конвенциясига аъзо давлатда топширилган биринчи талабноманинг нусхаси мавжудлиги;

Агар кўрсатилган нусха талабнома Интеллектуал мулк агентликга келиб тушган санасидан кейин тақдим этилса, талабнома нусхаси тақдим этилиши лозим бўлган уч ойлик муддатга риоя қилинганлиги;

б) биринчи талабнома топширилган санадан ҳисобланадиган конвенция устуворлиги сўралган талабнома топширилиши лозим бўлган олти ойлик муддатда талабнома берувчи томонидан риоя қилинганлиги;

в) конвенция устуворлигининг белгилаш ҳақидаги илтимоснома Интеллектуал мулк агентликга талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ичида берилганлиги;

г) талабномада кўрсатилган белгини товар ва хизматлар рўйхатининг биринчи талабномадаги белги ва товар хизматлар рўйхатига мувофиқлиги.

Кўргазма устуворлиги сўралган ҳолда Қонуннинг учинчи, тўртинчи қисмига мувофиқ қуйидагилар текширилади:

а) кўргазма устуворлигини тасдиқлайдиган ҳужжат мавжудлиги ушбу Қоидаларнинг 11-бандида кўзда тутилган талабларга мувофиқлиги;

б) кўргазма устуворлиги сўралган талабнома Интеллектуал мулк агентликга келиб тушиши лозим бўлган экспонат кўргазмасида очиқ кўрсатиб бошланган санадан бошланадиган олти ойлик муддатга риоя қилинганлиги;

в) кўргазма устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимосни Интеллектуал мулк агентликга талабнома келиб тушган санадан икки ойдан ошмаган муддатда тақдим этилиши;

г) кўргазма устуворлигини белгилаш сўралган белги билан белгиланган товар кўргазмада намойиш қилинган бўлса, талабномада кўрсатилган белги намойиш этилган товарлардаги белгиларга мувофиқлиги.

Товарларнинг бир хил жинслигини белгилашда истеъмолчида шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган тасаввур пайдо бўлиши эҳтимоли аниқланади. Товарларнинг бир жинслигини белгилашда товарларнинг тури вазифаси, улар тайёрлаган материал тури, товарларни сотиш шarti исмеъмол доираси ва бошқа аломатлар.

**Топшириқлар:** Товарлар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш талабларини ўрганиши керак.

***Талабалар билимини ошириш учун назорат саволлари:***

7. Товар белгилари тушунчаси ва унинг моҳияти.

8. Ваколатли давлат органлари.

9. Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши ва унинг моҳияти.

10. Товарларнинг келиб чиққан жой номлари ҳақида.

11. Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларининг устуворлиги ҳақида тушунча.

12. Талабномага илова этиладиган ҳужжатларнинг топширилиши.

**Мавзу 14. ЭХМ учун дастурлар ва маълумот баъзалари интеллектуал мулк эканлиги ҳақида**

**Дарснинг мақсади:** ЭХМ учун дастурлар ва маълумот баъзалари интеллектуал мулк эканлигини ўргатиш.

**Машғулот режаси:**

1. ЭХМ учун дастурлар ва маълумот баъзалари интеллектуал мулк эканлиги ҳақида

**Таянч иборалар:** Интеллектуал мулк; ЭҲМ учун дастурлар; маълумотлар базаси; объектив код; структура; адаптация дастурлар.

### **Услубий кўрсатмалар**

ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофазаси ва унинг қўлланилиши, рўйхатдан ўтказилишини тартибга солиб туриш мақсадида 6 май 1994 йил №1060-ХП Ҷазбиристон Республкаси “ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қабул қилинган Қонун, 05.04.2002 йил №364-П, 30.08.2002 йил №405-П қўшимчалари билан амал қилинаяпти.

Ушбу қонуннинг (1-моддаси) билан қуйидаги тушунчалар қабул қилинган:

- маълумотлар базаси, бу системалашган, объектив формада мақолалар, ҳисоблар ва ҳ.к. кўринишидаги маълумотлар бўлиб, буларни ЭҲМ ёрдамида топиш ва қайта ишлаш мумкин бўлсин;

- ЭҲМ учун дастурлар объектив формада ЭҲМ ишлаши ва ЭҲМ тармоқларининг маълум натижа олиш учун маълумотлар ва кўрсатмалар;

- бошланғич текст – дастурлаш тилида ёзилган, компилятор ёрдамида қайта ишлови мумкин бўлган текст;

- объектив код – бошланғич текстни машина кодига айлантиришда вужудга келган дастур;

- ЭҲМ учун декомпилированган дастур деб, структура ва ЭҲМ кодлашни ўрганиш мақсадида объект кодини бошланғич текстга айлантириш техникавий приёми;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси учун адаптация дастури – конкрет шароитларда ЭҲМ дастурларини ишлаши учун, муаллифлик бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда маълумотлар базасига қўшимчалар критик;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини адаптацияси (қайта ишлови) – бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда критикланган ўзгантиришлар;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини дастурини қайта ишлаб чиқариш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини бир ёки ҳоҳлаган нусхаларда материал формада, ёки хотирада тайёрлаш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини тарқатиш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини сотиш, прокатга бериш, импорт қилиш ва ҳ.к. билан ишлашга йўл қўйилишига тушунилади;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини чоп этиш – муаллифнинг розилиги билан ЭҲМ ёки маълумотлар базасини печатга, ишлашга бериш;

- ҳуқуқ эгалари деганда, унинг муаллиф, ёки меросхўри юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонун асосида тўла мулкчилик ҳуқуқига эгаллигига тушунилади.

**ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабнома.** Қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ талабнома битта ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабнома қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ва номига рўйхатдан ўтказилиш сўраётган шахс (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) ҳамда уларнинг яшаш жойлари ёки жойлашган манзили кўрсатилган ҳолда расмий рўйхатдан ўтказиш учун ариза;

б) ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базасини идентификация қиладиган материаллар, рефератни ҳам ўз ичига олган ҳолда.

ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг реферати қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

а) ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг номи (аризада кўрсатилганидек ҳолда);

б) ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг вазифаси, қўлланилиш соҳаси ва функционал имкониятлари очиб берилган аннотация. Аннотациянинг ҳажми 700 та белгидан ошмаслиги лозим;

в) ишлатиладиган ЭХМнинг типии;

г) дастур тили (ЭХМ учун дастурга);

д) маълумотлар базасини бошқариш тури ва версияси (маълумотлар базасига);

е) операция тизимининг тури ва версияси;

ж) ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг машинада ўқиладиган шаклдаги ҳажми килобайтларда.

**Топшириқлар:** ЭХМ учун дастурлар ва маълумот баъзалари интеллектуал мулк эканлигини ўрганиши керак.

***Талабалар билимини ошириш учун назорат саволлари:***

7. “ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Ўз.Р. Қонуни моҳияти.

8. ЭХМ учун дастур ва маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш талаблари.

## **Мавзу 15. Интеграл микросхемалар топологиялари тушунчаси, уларнинг интеллектуал мулк сифатида**

**Дарсинг мақсади:** Интеграл микросхемалар топологиялари тушунчаси, уларнинг интеллектуал мулк сифатида қаралишини ўргатиш.

**Маънугулт режаси:**

1. Интеграл микросхемалар топологиялари тушунчаси ва уларнинг интеллектуал мулк сифатида кўриниши
2. ЭХМ учун дастурлар, маълумот баъзалари, интеграл микросхемалар топологияларга талабнома тузиш, бери шва гувоҳнома олиш жараёни

**Таянч иборалар:** интеграл микросхема, топология, талабнома, гувоҳнома олиш.

### **Услубий кўрсатмалар**

интеграл **микросхема** – электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган, туга лёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларининг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки борчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

- **интеграл микросхема топологияси** – интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;


- **ҳуқуқ эгаси** – интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкый ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

**Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари ва шартлари.** Интеграл микросхеманинг ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзига хос топологияси (бундан буён матнда топология деб юритилади) интеграл микросхема топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади.

**Топология муаллифи.** Ижодий меҳнати билан топологияни яратган жисмоний шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади. Агар топология икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳанти билан яратилган бўлса, улар биргаликда муаллифлар (ҳаммуаллифлар) деб эътироф этилади.

**Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи.** Ҳуқуқ эгасига топологиядан ўз ихтиёрига биноан фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи тегишлидир.

## ЭХМ учун дастурлар ва маълумот базалари буйича учун тушган аризни рўйхатдан ўтказиш ва иш юритиш схемаси



Талабнома берувчи Агентликнинг сўровига кўра ёки ўз ташаббуси билан маълумотлар расмий ахборотномада босиб чиқарилгунига қадар талабнома материалларини тўлдириш, уларга аниқлик киритиш ва уларни тузатишга ҳақлидир. Текшириш натижаси салбий бўлса, Агентлик талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини билдирувчи ҳужжат топширади.

**Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш.** Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан бевосита ёки ишончли вакил орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) берилади.

**Топшириқлар:** Интеграл микросхемалар топологиялари тушунчаси, уларнинг интеллектуал мулк сифатида қаралишини ўрганиши керак.

## **Мавзу 16. Фирма номлари тушунчаси, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш**

**Дарсинг мақсади:** Фирма номлари тушунчаси, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этишни ўргатиш.

### **Машғулот режаси:**

1. Фирма номлари тушунчаси, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш

**Таянч иборалар:** фирма номлари, ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш.

### **Услубий кўрсатмалар**

**Фирма номи.** Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

**Фирма номида кўрсатилиши лозим бўлмаган белгилар.** Фирма номида:

✚ давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

✚ тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда берладиган рухсатсиз;

✚ фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини қалғитиши мумкин бўлган белгилар;

✚ жамият манфаатларига. Инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги лозим.

Фирма номида:

✚ илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

✚ илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

✚ белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

✚ белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан

фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

**Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш.** Фирма номи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан, чет эл юридик шахсининг фирма номи эса, чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик муомаласи иштирокчиси сифатида фаолиятни амалга оширишни бошлаган санадан эътиборан ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

**Фирма номига бўлган ҳуқуқ.** Юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда мутлақ ҳуқуққа эга.

гиланган ҳужжат билан тасдиқланади.

**Фирма номидан фойдаланиш,** қуйидагилар:

➤ фирма номини расмий бланкаларда, муҳрларда, штампларда ва юридик шахсининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларда акс эттириш;

➤ фирма номини товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, реклама пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, босма нашрларда, товарларни Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркаларда намоиш этиш вақтида ишлатиш фирма номидан фойдаланишдир.

**Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши.** Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтишига фақат юридик шахс қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиш чиқариш йўли билан қайта ташкил этилган ёки бутун корхона мулкӣ мажмуа сифатида сотилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**Фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари.** Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш:

➤ юридик шахсининг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш мақсадида суд қарори тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

➤ ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровлардан олиб ташлаш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш;

➤ контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровларни фирма номига бўлган ҳуқуққа эгалик қилувчи юридик шахсга бериш орқали амалга оширилади.

**Топшириқлар:** Фирма номлари тушунчаси, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этишни ўрганиши керак.

## **Мавзу 17. Фирма номларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартиби**

**Дарсинг мақсади:** Фирма номларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартибини ўргатиш.

### **Машғулот режаси:**

1. Фирма номларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартиби.

**Таянч иборалар:** фирма номлари, давлат рўйхати, талабнома бериш, гувоҳнома олиш.

### **Услубий кўрсатмалар**

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида сўраб олинган кулай фирма номларини захирага олиш таъсисчиларнинг ўзлари томонидан ёки рўйхатга олаётган орган томонидан электрон талабнома асосида Интернет тармоғи орқали кеча-кундуз амалга оширилади. Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланади.

Юридик шахсларнинг фирма номини захирага олиш Ўзбекистон Республикасининг "Фирма номлари тўғрисида"ги Қонуни билан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Фирма номини захирага олиш учун таъсисчилар рўйхатга олувчи органга оғзаки мурожаат қилган тақдирда, рўйхатга олувчи органнинг масъул ходимлари электрон талабномани бир соат ичида Интернет тармоғи орқали расмийлаштиришлари лозим.

Фирма номини захирага олиш учун электрон талабномани олгач Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг масъул ходимлари фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан, 4 иш соатидан ошмаган муддатда, кулай фирма номини олиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширишлари шарт.

Оғзаки мурожаат, электрон талабномани қабул қилиш ва кулай фирма номларини захирага олиш учун тўлов ундирилмайди.

Захирага олинган фирма номининг амал қилиш муддати захирага олиш санасидан бошлаб 60 кунни ташкил қилади.

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ариза берувчи ўзи келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида» Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган шаклда ариза-хабарномани тақдим этади. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги ариза-хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг икки асл нусхаси (юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари - устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун - таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар, оилавий корхоналар учун эса - фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари учун - фақат устав). Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилади;

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);

фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль (кейинги ўринларда - фирма номининг захирага олинishi тасдиғи);

икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари.

**Топшириқлар:** Фирма номларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартибини ўрганиши керак.

## **Мавзу 18. Селекция ютуқлари тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий асослари**

**Дарсининг мақсади:** Селекция ютуқлари тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий асосларини ўргатиш.

### **Машғулот режаси:**

1. Селекция ютуқлари тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий асослари

**Таянч иборалар:** селекция, селекция ютуқлари, ҳуқуқий муҳофаза,.

### **Услубий кўрсатмалар**

“Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**Асосий тушунчалар.** Ушуб Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**зот** — генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (шу жумладан, паррандалар, ҳашоратлар, ипак қурти) ёки уларнинг дурагайлари гуруҳи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари айнан шу гуруҳга хос бўлади ва уни ҳайвонларнинг бошқа гуруҳларидан фарқлаб туради. Зот гуруҳи, зот ичидаги (зонал) тип, завод типии, завод линияси, зот оиласи,

партеноклонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**иш берувчи** – селекция ютуғини яратиш тўғрисида топшириқ берган ва бу топшириқ бажарилишини молиялаштираётган юридик ёки жисмоний шахс;

**лицензиар** – селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга лицензия шартномаси асосида олган юридик ёки жисмоний шахс;

**нав** – ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан-наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқаларидан ажратиб турувчи белгиларга қараб аниқланади ва Айни бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**патент эгаси** – селекция ютуғига берилган патентнинг эгаси;

**селекция ютуғи** – ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти;

**талабнома берувчи** – селекция ютуғига патент бериш ҳақида талабнома топширган юридик ёки жисмоний шахс.

**Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ташкилий асослари.** Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентиги селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

**Патент эгаси.** Селекция ютуғига патент:

- селекция ютуғининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

- муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки селекция ютуғи рўхатдан ўтказулгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома талабнома берувчини ўзгартириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (улар рози бўлган тақдирда);

- ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчига берилади.

Агар муаллиф (ҳаммуаллифлар) селекция ютуғи яратилаётганда:

ўзи (ўзлари) эгаллаб турган лавозимга хос вазифаларни бажарган бўлса;

селекция ютуғини яратиш мақсадини кўзлаб зиммасига (зиммаларига) махсус юклатилган вазифаларни бажарган бўлса;

иш берувчи томонидан ўзига (ўзларига) берилган моддий воситалар ёки молиявий маблағлардан фойдаланган бўлса;

ўзи (ўзлари) иш жараёнида орттирган, иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос хусусиятини ташкил этадиган билим ва тажрибадан фойдаланган бўлса, бундай селекция ютуғи хизмат тартибида яратилган деб ҳисобланади.

Селекция ютуғидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ патент эгасига тегишлидир.

Манфаатдор шахс муҳофаза қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ёки насл материаллини:

- етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);
- нав ёки наслик кондициясига етказиш;
- сотиш учун таклиф қилиш;
- сотиш ва бошқа усулларда ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;
- юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларда сақлаш учун патент эгасининг рухсатини олиши керак.

Муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан:

- шахсий ва нотижорат мақсадларида фойдаланиш;
- синов-тажриба мақсадларида фойдаланиш;
- бошқа навлар ёки зотлар яратиш учун дастлабки нав ёки зот сифатида фойдаланиш;

- корхона, хўжалик патент эгасидан олган навли уруғлик ва насл материалидан икки йил давомида такрор етиштириш учун ана шу корхона, хўжалик ҳудудига фойдаланиш патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш деб эътироф этилмайди.

**Топшириқлар:** Селекция ютуқлари тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий асосларини ўрганиши керак.

### **Мавзу 17. Фирма номларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартиби**

**Дарсинг мақсади:** Фирма номларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартибини ўргатиш.

#### **Машғулот режаси:**

1. Фирма номларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартиби.

**Таянч иборалар:** фирма номлари, давлат рўйхати, талабнома бериш, гувоҳнома олиш.

#### **Услубий кўрсатмалар**

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида сўраб олинadиган қулай фирма номларини захирага олиш таъсисчиларнинг ўзлари томонидан ёки рўйхатга олаётган орган томонидан электрон талабнома асосида Интернет тармоғи орқали кеча-кундуз амалга оширилади. Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланади.

Юридик шахсларнинг фирма номини захирага олиш Ўзбекистон Республикасининг "Фирма номлари тўғрисида"ги Қонуни билан белгиланган

талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Фирма номини захирага олиш учун таъсисчилар рўйхатга олувчи органга оғзаки мурожаат қилган тақдирда, рўйхатга олувчи органнинг масъул ходимлари электрон талабномани бир соат ичида Интернет тармоғи орқали расмийлаштиришлари лозим.

Фирма номини захирага олиш учун электрон талабномани олгач Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг масъул ходимлари фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан, 4 иш соатидан ошмаган муддатда, қулай фирма номини олиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширишлари шарт.

Оғзаки мурожаат, электрон талабномани қабул қилиш ва қулай фирма номларини захирага олиш учун тўлов ундирилмайди.

Захирага олинган фирма номининг амал қилиш муддати захирага олиш санасидан бошлаб 60 кунни ташкил қилади.

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ариза берувчи ўзи келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида» Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган шаклда ариза-хабарномани тақдим этади. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги ариза-хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг икки асл нусхаси (юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари - устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун - таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар, оилавий корхоналар учун эса - фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари учун - фақат устав). Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилади;

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);

фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль (кейинги ўринларда - фирма номининг захирага олиниши тасдиғи);

икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари.

**Топшириқлар:** Фирма номларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартибини ўрганиши керак.

## **Мавзу 18. Селекция ютуқлари тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий асослари**

**Дарсинг мақсади:** Селекция ютуқлари тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий асосларини ўргатиш.

**Машғулоти режаси:**

1. Селекция ютуқлари тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий асослари

**Таянч иборалар:** селекция, селекция ютуқлари, ҳуқуқий муҳофаза,.

### **Услубий кўрсатмалар**

“Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**Асосий тушунчалар.** Ушуб Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**зот** — генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (шу жумладан, паррандалар, ҳашоратлар, ипак курти) ёки уларнинг дурагайлари гуруҳи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари айнан шу гуруҳга хос бўлади ва уни ҳайвонларнинг бошқа гуруҳларидан фарқлаб туради. Зот гуруҳи, зот ичидаги (зонал) тип, завод типии, завод линияси, зот оиласи, партеноклонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**иш берувчи** — селекция ютуғини яратиш тўғрисида топшириқ берган ва бу топшириқ бажарилишини молиялаштираётган юридик ёки жисмоний шахс;

**лицензиар** — селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга лицензия шартномаси асосида олган юридик ёки жисмоний шахс;

**нав** — ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан-наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқаларидан ажратиб турувчи белгиларга қараб аниқланади ва Айни бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**патент эгаси** — селекция ютуғига берилган патентнинг эгаси;

**селекция ютуғи** — ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти;

**талабнома берувчи** — селекция ютуғига патент бериш ҳақида талабнома топширган юридик ёки жисмоний шахс.

**Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ташкилий асослари.** Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентиги селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

**Патент эгаси.** Селекция ютуғига патент:

- селекция ютуғининг муаллифига (хаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

- муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки селекция ютуғи рўхатдан ўтказулгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома талабнома берувчини ўзгартириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (улар рози бўлган тақдирда);

- ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчига берилади.

Агар муаллиф (хаммуаллифлар) селекция ютуғи яратилаётганда:

ўзи (ўзлари) эгаллаб турган лавозимга хос вазифаларни бажарган бўлса;

селекция ютуғини яратиш мақсадини кўзлаб зиммасига (зиммаларига) махсус юклатилган вазифаларни бажарган бўлса;

иш берувчи томонидан ўзига (ўзларига) берилган моддий воситалар ёки молиявий маблағлардан фойдаланган бўлса;

ўзи (ўзлари) иш жараёнида орттирган, иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос хусусиятини ташкил этадиган билим ва тажрибадан фойдаланган бўлса, бундай селекция ютуғи хизмат тартибида яратилган деб ҳисобланади.

Селекция ютуғидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ патент эгасига тегишлидир.

Манфаатдор шахс муҳофаза қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ёки насл материаллини:

- етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);

- нав ёки наслик кондициясига етказиш;

- сотиш учун таклиф қилиш;

- сотиш ва бошқа усулларда ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

- юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларда сақлаш учун патент эгасининг рухсатини олиши керак.

Муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан:

- шахсий ва нотижорат мақсадларида фойдаланиш;

- синов-тажриба мақсадларида фойдаланиш;

- бошқа навлар ёки зотлар яратиш учун дастлабки нав ёки зот сифатида фойдаланиш;

- корхона, хўжалик патент эгасидан олган навли уруғлик ва насл материаллидан икки йил давомида такрор етиштириш учун ана шу корхона, хўжалик ҳудудида фойдаланиш патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш деб эътироф этилмайди.

**Топшириқлар:** Селекция ютуқлари тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий асосларини ўрганиши керак.

## **Мавзу 19. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунида интеллектуал мулк объектлари**

**Дарсининг мақсади:** Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунида интеллектуал мулк объектларини ўргатиш.

### **Машғулоти режаси:**

1. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қамраган интеллектуал мулк объектлари
2. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилган асосий тушунчалар
3. Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларнинг муҳофаза этилиши тўғрисида

**Таянч иборалар:** муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар.

### **Услубий кўрсатмалар**

**Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси.** Ушбу қонунга мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий туриш жойига эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига;
- муаллифларининг фуқаролиги ва доимий туриш жойидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.

**Муаллифлик ҳуқуқи объекти.** Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи қуйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

- ёзма (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзув ва ҳ.к.);
- оғзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳ.к.);
- овозли ёки виде ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳ.к.);
- тасвир (расм, эскиз, манзара, тарҳ, чизма, кино-, теле-, виде- ёки фотокадр ва ҳ.к.);
- ҳажмли-фазовий (ҳайкал, модель, макет, иншоот ва ҳ.к.);
- бошқа шакллардаги.

**Муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган асарлар.** Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектларидир:

- адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);
- драма ва сценарий асарлари;

- матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;
- мусиқали драма асарлари;
- хореография асарлари ва патомималар;
- аудиовизуал асарлар;
- рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;
- манзарали-амалий ва сахна беағи санъати асарлари;
- архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;
- фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;
- жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тархлар, эскизлар ва асарлар;
- барча турдаги ЭҲМ учун дастурлар, шу жумладан ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда, чунончи бошланғич матн ҳамда объект кодида ифодаланиши мумкин бўлган амалий дастурлар ва операция тизимлари.

**Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланувчи асарнинг қисмлари, ҳосила ва жамлама асарлар.** Ушбу Қонуннинг муаллифлик ҳуқуқи объектларида белгиланган талабларга жавоб берадиган:

■ асарнинг мустақил равишда фойдаланилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан унинг номи);

■ ҳосил асарлар (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари);

■ тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганоиғига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади. Ҳосила ва жамлама асарлар, уларнинг яратилиши учу насос бўлган ёки уларнинг таркибига кирган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади.

**Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган материаллар.** Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлмайд:

■ расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, тўхтамлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

■ расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва ш у кабилар);

■ халқ ижодиёти асарлари;

■ оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга дои рёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;

■ инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

**Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларга бўлган ҳуқуқлар.** Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи лойиҳани яратган (ишлаб чиққан) шахсга тегишлидир.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**асар нусхаси** – асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган кўчирмаси;

**асарни омма олдида намойиш этиш** – асарнинг асл нусхаси ёки нусхасини бевосита ёхуд плёнка, диапозитив, телевизион кадр ёрдамида ёки бирон-бир бошқа техника воситалари орқали экранда кўрсатиш, шунингдек аудиовизуал асарнинг айрим кадрларини уларнинг кетма-кетлигига риоя этмасдан омма учун очик жойда ёки Айни бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда кўрсатиш;

**асарни ошкор қилиш** – муаллифнинг розилиги билан амалга оширилган, асарни чоп этиш, омма олдида намойиш этиш, омма олдида ижро этиш, эфирга узатиш ёки бошқача усулда юбориш йўли билан илк бор асардан барчанинг воқиф бўлиши учун имкон берадиган ҳаракат;

**аудиовизуал асар** – бир-бири билан боғланган (овоз жўрлигида ёки овоз жўрлигисиз) тасвирларнинг ёзиб олинган туркумидан иборат бўлган, тегишли техника воситалари ёрдамида кўриб ва эшитиб (ововз жўрлигида бўлганида) идрок этиш учун мўлжалланган асар, шу жумладан дастлабки ёки кейинги қайд этиш усулидан қатъи назар кинематография асарлари ва кинематографияникига ўхшаш воситалар билан ифодаланган барча асарлар (теле- ва видеофильмлар, диафильмлар, слайдфильмлар ҳамда бошқа асарлар);

**аудиовизуал асарни тайёрловчи** – шундай асарни тайёрлаш ташаббуси ва масъулиятини ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

**барчанинг эътиборига теказиш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини симлар ёки симсиз алоқа воситалари орқали телекоммуникация тизимларидан фойдаланувчилар ўз танловига кўра исталган жойда ва исталган вақтда улардан фойдалана олиши мумкин бўлган тарзда барчанинг эътибор учун юбориш;

**барчанинг эътибори учун юбориш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, шунингдек уларни юбориш жойида вакиллари бўлмаган омма эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиши учун, шу тарзда эшитиш ёки кўриш мумкин бўлган асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектлари амалда идрок этилиши-этилмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай бошқача усулларда етказиш (нусхаларни тарқатиш бундан мустасно);

**ёзув** – овозлар ва (ёки) тасвирларни қайта-қайта идрок этиш, такрорлаш ёки юбориш имконини берадиган бирон-бир моддий шаклда техника воситалари ёрдамида қайд этиш;

**ижро** – асарни (шу жумладан халқ ижодиёти асарини), фонограммани,, ижрони, сахна асарини ўйин, ифодали ўқиш, куйлаш, рақсга тушиш орқали жонли ижро ёки техника воситалари ёрдамида тақдим этиш;

**ижрочи** – актёр, хонанда, созанда, раққос ёки роль ўйнайдиган, куйлайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, рақсга тушадиган, талқин этадиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ёки санъат асарини (шу жумладан халқ ижодиёти асарини) ўзгача тарзда ижро этадиган бошқа жисмоний шахс, шунингдек спектаклнинг сахналаштирувчи режиссёр ива диржёр;

**кабель орқали юбориш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини кабель, сим ёки шунга ўхшаш воситалар ёрдамида барчанинг эътибори учун юбориш;

**манзарали-амалий санъат асари** – асл нусхалари ёки нусхалари амалда фойдаланиш ашёлари сифатида қўлланиладиган ёки ана шундай ашёларга қўчирилган икки ўлчовли ёки уч ўлчовли санъат асари, шу жумладан бадиий ҳунармандчилик асари ёки саноат усулида тайёрланган асар;

**маълумотлар базаси** – объектив шаклда ифодаланган ва электрон ҳисоблаш машиналари (бундан буён матнда ЭХМ деб юритилади) ёрдамида топиш ҳамда ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (мақолалар, ҳисоб-китоблар ва шу кабилар) мажмуи;

**муаллиф** – ижодий меҳанти билан асар яратган жисмоний шахс;

**омма олдидан ижро этиш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини ижро этиш ёки маълум қилишнинг ҳар қандай бошқа шакли воситасида, бевосита ёки техника воситалари ёрдамида, омма учун очиқ жойда ёки айни бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиш учун етказиш;

**прокатга бериш** – асарларнинг асл нусхасини ёки нусхаларини ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларини даромад олиш мақсадида вақитнчалик фойдаланиш учун бериш;

**репрографик такрорлаш** – фотокўчирмасини олиш йўли билан ёки бошқа техника воситалари ёрдамида ёзма ва бошқа асарларнинг асл нусхаларини ёки уларнинг кўчирмаларини бир ёки ундан кўп нусхада, ҳар қандай ўлчамда ва шаклда факсимал такрорлаш, тасвирий санъат асарлари репродукцияларини босмаҳона усулларида фойдаланган ҳолда тайёрлаш ҳоллари бундан мустасно. Репрографик такрорлаш мазкур кўчирмаларни рақамли шаклда сақлаш ёки кўпайтиришни ўз ичига олмайди, репрографик такрорлаш учун фойдаланиладиган техника воситаларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ муваққат кўчирма нусхалар яратиш ҳоллари бундан мустасно;

**ретрансляция** – эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи бир ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришини эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи бошқа ташкилот томонидан бир вақтда эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш;

**такрорлаш** – асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг ёхуд улардан бир қисмининг ҳар қандай усулда ва ҳар қандай моддий шаклда бир ёки ундан кўп нусхаларини тайёрлаш, шу жумладан икки ўлчовли асарнинг бир ёхуд ундан кўп нусхаларини уч ўлчовда ҳамда уч ўлчовли асарнинг бир ёки ундан кўп нусхаларини икки ўлчовда тайёрлаш, ЭҲМ ва бошқа электрон қурилмалар хотирасига ёзиб олиш;

**фонограмма** – бирон-бир ижронинг, бошқа овозларнинг ҳар қандай мутлақо овозли ёзуви, аудиовизуал асарга киритилган овозли ёзув бундан мустасно;

**фонограмма нусхаси** – ҳар –андай моддий жисмдаги, фонограммдан бевосита ёки билвосита тайёрланган ва шу фонограммада қайд этилган овозларнинг ҳаммасини ёхуд бир қисмини қамраб олган фонограмма кўчирмаси;

**фонограммани тайёрловчи** – ижронинг ёки бошқа овозларнинг биринчи овозли ёзуви учун ташаббус ва масъулиятни ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

**ҳалқ ижодиёти асарлари** – аниқ муаллифи бўлмаган эртаклар, қўшиқлар, рақслар, манзарали-амалий санъат асарлари ҳамда бадиий ва ҳаваскорлик ҳалқ ижодиётининг бошқа натижалари;

**чоп этиш** – асарнинг, ижро ёзувининг ёки фонограмманинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда омманинг оқилона эҳтиёжларини қондириш учун етарлича миқдорда асарнинг, ижро ёзувининг ёки фонограмманинг нусхаларини асар муаллифининг, ижрочининг ёки фонограммани тайёрловчининг розилиги билан муомалага чиқариш;

**эфир узатиш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини радио ёки телевидение, шу жумладан сунъий йўлдошлар (кабель телевидениеси бундан мустасно) орқали узатиш воситасида барчанинг эътибори учун юбориш. Асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини сунъий йўлдош орқали эфирга узатиш деганда сигналларни ердаги станциядан сунъий йўлдошга қабул қилиш ва сунъий йўлдошдан сигналларни узатиш тушунилади, улар воситасида асар ёки турдош ҳуқуқлар объектлари, уларни омма амалда қабул қилишидан қатъи назар, барчанинг эътиборига етказилиши мумкин;

**эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот** – эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш учун ташаббус ва масъулиятни ўз зиммасига олган ҳамда уларни белгиланган тартибда амалга оширувчи шахс;

**эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттириши** – эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўзи томонидан, шунингдек унинг буюртмаси бўйича ва унинг маблағлари ҳисобига бошқа ташкилот томонидан яратилган кўрсатув ёки эшиттириш;

**ҳуқуқ эгаси** – муаллифлик ҳуқуқига нисбатан муаллиф ёки унинг меросхўрлари, турдош ҳуқуқларга нисбатан ижрочи ёки унинг меросхўрлари,

фонограмани тайёрловчи, эфир ва кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот, шунингдек шартномада ёки ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асос бўйича асарлардан ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини олган бошқа юридик ёки жисмоний шахслар.

Мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ўз ҳуқуқдаридан хабардор қилиш учун муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисидан фойдаланиши мумкин бўлиб, бу белги асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттирилади ва қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

- айлана ичидаги лотинча «С» ҳарфи;
- мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми-шарифи (номи);
- асар биринчи марта чоп этилган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ҳисобланади.

Асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир:

- асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);
- асардан муаллифнинг ҳақиқий исми-шарифи, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исми-- шарифини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ);
- асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи;

- асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи).

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга. Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

- асарни такрорлаш;
- асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш;
- асарни барчанинг эътиборига етказиш;
- асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш;
- тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш;
- асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш;
- асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш;

- асарни омма олдида намойиш этиш;
- асарни омма олдида ижро этиш;
- асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш;
- асарни таржима қилиш;
- асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса.

Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади:

- бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарларини такрорлашга;
- маълумотлар базаларини ёки уларнинг муҳим қисмларини такрорлашга;
- қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун дастурларни такрорлашга;
- китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

Асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини албатта кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шарти билан қуйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

- ошкор қилинган асарлардан асл нусхада ва таржимада илмий, тадқиқий, мунозаравий, танқидий ҳамда реклама билан боғлиқ бўлмаган ахборот мақсадларида кўзланган мақсадга мос ҳажмда иқтибос олиш, шу жумладан газета ва журналлардаги мақолалардан парчаларни матбуот шарҳлари шаклида такрорлаш;

- ошкор қилинган асарлардан ёки бундай асарларнинг парчаларидан таълим ва ўқув тусидаги нашрларда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда, овозли ва видео ёзувларда кўзланган мақсадга мос ҳажмда мисоллар тариқасида фойдаланиш;

- кундалик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва диний масалалар юзасидан газета ва журналларда чоп этилган мақолалар ёки эфирга узатилган ёхуд кабель орқали юборилган шу тусдаги асарларни газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, шундай фойдаланиш муаллиф томонидан махсус тақиқланган ҳоллар бундан мустасно;

- омма олдида сўзланган сиёсий нутқлар, мурожаатлар, маърузалар ва шунга ўхшаш асарларни кўзланган мақсадга мос ҳажмда газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш. Бунда ана шундай асарларни тўпламларда чоп этиш ҳуқуқи муаллифда сақланиб қолади;

- даромад олишни кўзламаган ҳолда кўзи ожизлар учун қабарик нуқтали ҳарфлар ёки бошқа усуллар билан чоп этилган асарларни такрорлаш, ана шундай такрорлаш усуллари учун махсус яратилган асарлар бундан мустасно.

Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузишдир:

- муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;

- ижрочининг исми-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;

- ҳуқуқ эгаси ёки мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш;

- ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

- асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;

- ҳуқуқ эгаларининг мулкый ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш.

Муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси ҳуқуқбузардан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

- ҳуқуқларни тан олишини;

- ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклашини ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини юзага келтирадиган ҳаракатларни тўхтатишини;

- ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромади миқдоридаги зарарларнинг ўрнини қоплашини. Агар ҳуқуқбузар муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқларни бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳуқуқ эгалари бошқа зарарлар билан бир қаторда бой берилган фойдани бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қоплашини;

- зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарарнинг ўрнини қоплаш эвазига тўланиши лозим бўлган товонни тўлашини.

**Топшириқлар:** Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунида интеллектуал мулк объектларини ўрганиши керак.

## **Мавзу 20. Патент божлари тушунчаси. Божлар миқдори, тўлаш муддати ва қонундан келиб чиққан бошқа шартлар**

**Дарсинг мақсади:** Патент божлари тушунчаси. Божлар миқдори, тўлаш муддати ва қонундан келиб чиққан бошқа шартларни ўргатиш.

### **Машғулот режаси:**

1. Муаллифлик ҳуқуқини амал қилиш муддати
2. Патент божлари тушунчаси

**Таянч иборалар:** ихтирочилик; патент божлари; божлар ставкаси; саноат намунаси; фойдалимодел; лицензия; сотиб олиш, сотиш; МПК.

## Услубий кўрсатмалар

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охирги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Агар кўрсатилган муддат ичида тахаллус остидаги ёки имзосиз асар муаллифи ўз шахсини маълум қилса ёки бундан буён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, у ҳолда муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофаза қилинади. Асарга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза берилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати юқорида айtilган тартибда белгиланади. Лекин бу муддат асар келиб чиққан мамлакатда белгиланган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

**Патент божлари.** Саноат мулки объектларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Агентликка тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент божлари талабнома берувчи, патент эгаси ва бошқа манфаатдор шахс томонидан тўланади.

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божини тўлаш мақсадида қўшимча патент божи тўланган тақдирда, патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат берилади.

Агар патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи ва қўшимча патент божи имтиёзли муддат мобайнида тўланмаса, патентнинг амал қилиши белгиланган муддатда патент божи тўланмаган кундан эътиборан тугатилади.

**Топшириқлар:** Патент божлари тушунчаси. Божлар миқдори, тўлаш муддати ва қонундан келиб чиққан бошқа шартларни ўрганиши керак.

## Мавзу 21. Лицензия тушунчаси, шартномаси, кўриниш ҳоллари ва уларнинг ҳаракат

**Дарсининг мақсади:** Лицензия тушунчаси, шартномаси, кўриниш ҳоллари ва уларнинг ҳаракатни ўргатиш.

### Машғулот режаси:

1. Божлар миқдори, тўлаш муддати ва қонундан келиб чиққан бошқа шартлар
2. Лицензия тушунчаси, шартномаси, кўриниш ҳоллари ва уларнинг ҳаракати

**Таянч иборалар:** лицензия, бож, божлар миқдори, тўлаш муддати, лицензиянинг кўриниш ҳоллари.

### Услубий кўрсатмалар

Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари

| Бож коди                                                | Божнинг вазифаси                                                                           | Ставкалар             |                                | Бож тўланганлиги ҳақидаги хужжатлар тақдим этилиш муддатлари |
|---------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|--------------------------------|--------------------------------------------------------------|
|                                                         |                                                                                            | энг кам ойлик иш ҳақи | хорижий валютада (АҚШ доллари) |                                                              |
| 1                                                       | 2                                                                                          | 3                     | 4                              | 5                                                            |
| <b>1.1. Талабнома берилганлиги учун тўланадиган бож</b> |                                                                                            |                       |                                |                                                              |
| 1.1.1.                                                  | Патент беришга ва расмий экспертиза ўтказишга талабнома бериш:                             |                       |                                | Талабнома берилган бир вақтда                                |
|                                                         | а) – битта ихтирога                                                                        | 5                     | 421                            | Талабнома берилган бир вақтда                                |
|                                                         | - ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир ихтирога               | 2,5                   | 210                            |                                                              |
|                                                         | б) – битта фойдали моделга                                                                 | 5                     | 421                            |                                                              |
|                                                         | - фойдали моделлар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир фойдали моделга | 2,5                   | 210                            |                                                              |
|                                                         | в) – саноат намунасининг битта вариантига                                                  | 5                     | 420                            |                                                              |
|                                                         | - вариантларга, қўшимча равишда иккитадан ўнtagача бўлган ҳар бир вариант учун             | 2,5                   | 210                            |                                                              |
|                                                         | - вариантларга, қўшимча равишда                                                            | 5                     | 420                            |                                                              |

|                                                            |                                                                                                                                                                                                                                            |     |      |                                                                       |
|------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|------|-----------------------------------------------------------------------|
|                                                            | ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир вариант учун                                                                                                                                                                                                  |     |      |                                                                       |
| <b>1.2. Экспертиза ўтказилганлиги учун тўланадиган бож</b> |                                                                                                                                                                                                                                            |     |      |                                                                       |
| 1.2.1.                                                     | Қуйидагиларга нисбатан экспертиза ўтказиш:                                                                                                                                                                                                 |     |      | Расмий экспертиза қарори<br>жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида |
|                                                            | - битта фойдали моделга                                                                                                                                                                                                                    | 10  | 840  |                                                                       |
|                                                            | - фойдали моделлар гуруҳига, биттадан ортиқ бўлган ҳар бир фойдали моделга                                                                                                                                                                 | 10  | 840  |                                                                       |
|                                                            | - формуланинг ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига                                                                                                                                                                                  | 1   | 84   |                                                                       |
|                                                            | - қўшимча равишда формуланинг йигирмадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига                                                                                                                                                               | 0,5 | 42   |                                                                       |
| 1.2.2.                                                     | Қуйидагиларга нисбатан илмий-техник экспертиза ўтказиш:                                                                                                                                                                                    |     |      |                                                                       |
|                                                            | а) битта ихтирога                                                                                                                                                                                                                          | 15  | 1260 |                                                                       |
|                                                            | - ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир ихтирога                                                                                                                                                               | 15  | 1260 |                                                                       |
|                                                            | - қўшимча равишда формуланинг ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига                                                                                                                                                                  | 1   | 84   |                                                                       |
|                                                            | - қўшимча равишда формуланинг йигирматадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига                                                                                                                                                             | 0,5 | 42   |                                                                       |
|                                                            | б) битта саноат намунасига                                                                                                                                                                                                                 | 15  | 1260 |                                                                       |
|                                                            | - қўшимча равишда саноат намунасининг биттадан ўнтагача бўлган ортиқ бўлган ҳар бир варианты учун                                                                                                                                          | 5   | 420  |                                                                       |
|                                                            | - қўшимча равишда саноат намунасининг ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир варианты учун қўшимча                                                                                                                                                   | 10  | 840  |                                                                       |
|                                                            | в) ихтиро учун берилган талабномада халқаро қидириш органларининг бири томонидан тайёрланган халқаро қидириш тўғрисида ҳисобот мавжуд бўлган тақдирда, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартномага мувофиқ бож миқдори қуйидагиларни ташкил |     |      |                                                                       |

|                                                                                       |                                                                                                                                      |     |      |                                                                                                                                                                                            |
|---------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                       | этади:                                                                                                                               |     |      |                                                                                                                                                                                            |
|                                                                                       | - битта ихтиро учун                                                                                                                  | 12  | 1000 |                                                                                                                                                                                            |
|                                                                                       | - ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир навбатдаги ихтирога                                              | 10  | 840  |                                                                                                                                                                                            |
|                                                                                       | - қўшимча равишда формуланинг ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига                                                            | 1   | 84   |                                                                                                                                                                                            |
|                                                                                       | - қўшимча равишда формуланинг йигирматадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига                                                       | 0,5 | 42   |                                                                                                                                                                                            |
| <b>1.3. Патентларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш</b>                       |                                                                                                                                      |     |      |                                                                                                                                                                                            |
| 1.3.1.                                                                                | Ихтирони, фойдали моделни, саноат намунасини рўйхатдан ўтказиш                                                                       | 3   | 250  | Экспертиза қарори айтилган санадан бошлаб уч ой мобайнида                                                                                                                                  |
| 1.3.2.                                                                                | Эълон қилиш:                                                                                                                         |     |      |                                                                                                                                                                                            |
|                                                                                       | а) расмий ахборотномада рўйхатдан ўтказилган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари тўғрисидаги маълумотлар                  | 1   | 84   |                                                                                                                                                                                            |
|                                                                                       | б) ихтирога, фойдали моделга тавсиф:<br>- 35 варақча бўлган ҳажмда, шу жумладан формула, чизмалар, реферат ва бошқа материаллар      | 3   | 250  |                                                                                                                                                                                            |
|                                                                                       | - қўшимча равишда 35 варақдан ортиқ бўлган ҳар бир навбатдаги варақ учун                                                             | 0,1 | 8,4  |                                                                                                                                                                                            |
| 1.3.3.                                                                                | - патентлар бериш                                                                                                                    | 3   | 250  |                                                                                                                                                                                            |
| <b>1.4. Патентларнинг амал қилишини қўллаб-қувватлаганлик учун тўланадиган божлар</b> |                                                                                                                                      |     |      |                                                                                                                                                                                            |
| 1.4.1.                                                                                | Фойдали моделга патентни ҳар йили талабнома топширилган санадан бошлаб унинг амал қилишининг ҳар бир йилига доир кучда сақлаб туриш: | 10  | 840  | Биринчи йил учун рўйхатдан ўтказилганлигини эълон қилинганлиги берилганлиги учун тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бир вақтда, кейингилар учун – жорий йилнинг патентни амал қилиш муд- |
|                                                                                       | а) 5 йил дориасида                                                                                                                   | 5   | 420  |                                                                                                                                                                                            |

|                                                                                                                                  |                                                                                                                                        |                                      |      |                                                                                                                                                                           |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------|------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                                                                  |                                                                                                                                        |                                      |      | дати тамом бўлганга қадар охириги йиллар мобайнида                                                                                                                        |
|                                                                                                                                  | б) 6-8 йил дориасида                                                                                                                   | 5                                    | 420  |                                                                                                                                                                           |
| 1.4.2.                                                                                                                           | Рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вақти-вақти билан итирога берилган патентни кучда сақлаб туриш:                                    |                                      |      | Уч йил учун патент берилганлиги учун тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат берилган вақтда. Кейинги учун – патентнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар уч ой мобайнида |
|                                                                                                                                  | - уч йил учун                                                                                                                          | 10                                   | 840  |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - етти йил учун                                                                                                                        | 20                                   | 1680 |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - ўн бир йил учун                                                                                                                      | 30                                   | 2500 |                                                                                                                                                                           |
| 1.4.3.                                                                                                                           | Амал қилишининг учинчи йилидан бошлаб саноат намунасига патентни ҳар йили кучда сақлаб туриш:                                          |                                      |      | Узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда                                                                                                                          |
|                                                                                                                                  | - уч йил учун                                                                                                                          | 5                                    | 420  |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - тўртинчи-еттинчи йиллар учун                                                                                                         | 7,5                                  | 630  |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - саккизинчи-ўнинчи йиллар учун                                                                                                        | 10                                   | 840  |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - ўн биринчи-ўн бешинчи йиллар учун (узайтирилган ҳар бир йил учун)                                                                    | 15                                   | 1260 |                                                                                                                                                                           |
| 1.4.4.                                                                                                                           | Патентнинг амал қилиши муддати ўтгандан сўнг 6 ойлик муддат берганлик учун қўшимча бож                                                 | белгиланган бож миқдорининг 50 фоизи |      |                                                                                                                                                                           |
| <b>1.5. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига бўлган ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b> |                                                                                                                                        |                                      |      |                                                                                                                                                                           |
| 1.5.1.                                                                                                                           | Қуйидагилардан иборат бўлган лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш:                                                                  |                                      |      | Ариза бериш билан бир вақтда                                                                                                                                              |
|                                                                                                                                  | - ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга битта патент                                                                              | 10                                   | 840  |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга бир нечта патентларни, лицензия шартномасида кўрсатилган ҳар бир патентга қўшимча равишда | 5                                    | 420  |                                                                                                                                                                           |
| 1.5.2.                                                                                                                           | Қуйидагиларга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш:                                           |                                      |      |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга патент                                                                                    | 15                                   | 1260 |                                                                                                                                                                           |
|                                                                                                                                  | - ихтиро, саноат намунасига,                                                                                                           | 10                                   | 840  |                                                                                                                                                                           |

|                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                |     |     |                                                                 |
|----------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|-----|-----------------------------------------------------------------|
|                                                                | фойдали моделга бир нечта патентларни, ҳуқуқни бериш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган ҳар бир патент учун қўшимча равишда                                                                                                                                                                    |     |     |                                                                 |
| 1.5.3.                                                         | Ихтиродан, фойдали моделдан, саноат намунасидан фойдаланишга ҳуқуқни исталган шахсга бериш (очиқ лицензия) тўғрисидаги ариза ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш                                                                                                                                | 1   | 84  |                                                                 |
| <b>1.6. Ўзгартиришлар киритиш</b>                              |                                                                                                                                                                                                                                                                                                |     |     |                                                                 |
| 1.6.1.                                                         | Талабнома берувчининг ташаббусига кўра ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига доир талабномага, шу жумладан ихтиро, фойдали модел формула-сига, саноат намунасининг муҳим белгилари рўйхатига давлат экспертизасининг қарори чиқарилгунга қадар тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш | 2,5 | 210 | Ўзгартиришландан ва материаллар билан бир вақтда                |
| 1.6.2.                                                         | Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси рўйхатдан ўтказилгунгача талабнома берувчини ўзгартириш                                                                                                                                                                                                 | 2,5 | 210 | Ўзгартиришлар тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда            |
| 1.6.3.                                                         | Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига талабномани ажратиш, дастлабки талабномадан ажратилган ҳар бир талабнома учун (биргалик бузилган ҳолда)                                                                                                                                               | 10  | 840 | Ажратилган талабнома бериш билан бир вақтда                     |
| 1.6.4.                                                         | Рўхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ва патентни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш                                                                                                                                                                          | 2,5 | 210 | Ўзгартиришландан ва материаллар билан бир вақтда                |
| 1.6.5                                                          | Ихтирога талабномани фойдали моделга талабномага ўзгартириш                                                                                                                                                                                                                                    | 1,5 | 125 | Талабномани ўзгартириш тўғрисидаги ариза бериш билан бир вақтда |
| 1.6.6.                                                         | Фойдали моделга талабномани ихтирога талабномага ўзгартириш                                                                                                                                                                                                                                    | 2,5 | 210 |                                                                 |
| <b>1.7. Ҳужжатларни бериш муддатларини узайтириш ва тиклаш</b> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                |     |     |                                                                 |

|        |                                                                                                                                                                                                                                                              |     |      |                                                                             |
|--------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|------|-----------------------------------------------------------------------------|
| 1.7.1. | Ихтирога, фойдали моделга, саноат намуналарига талабномалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган муддатини узайтириш, узайтирилган ҳар бир ой учун:                                                                                |     |      | Белгиланган муддатни узайтириш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда |
|        | - белгиланган муддат тугаган санадан бошлаб 6 ойгача доирасида                                                                                                                                                                                               | 1   | 84   |                                                                             |
|        | - 6 ойдан 12 ойгача                                                                                                                                                                                                                                          | 5   | 420  |                                                                             |
| 1.7.2. | Ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига талабномалар саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясида белгиланган муддатдан кечикиб берилганда конвенцион устуворликни сўраш муддатини кўпи билан 2 ойга узайтириш                              | 2,5 | 210  | Ариза бериш билан бир вақтда                                                |
| 1.7.3. | Қуйидаги муддатлар доирасида берилган илтимоснома бўйича, ихтироларга, фойдали моделларга, саноат намуналарига талабномалар юзасидан экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган, талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатни тиклаш: |     |      | Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома билан бир вақтда    |
|        | - берилган муддат тугаган санадан бошлаб 6 ойгача                                                                                                                                                                                                            | 6   | 600  |                                                                             |
|        | - 6 ойдан 12 ойгача                                                                                                                                                                                                                                          | 15  | 1260 |                                                                             |

Патент эгасининг ҳоҳлаганича саноат мулкidan фойдаланишга ҳуқуқ – лицензия бериш учун Интеллектуал мулк агентликга қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

а) форма асосида лицензия очиш тўғрисида ариза. Ариза ўзбек ва рус тилида бўлиши мумкин.

Битта патентга битта ариза берилади ва ҳамма муаллифлар қўл қўйиш шарт;

б) патентнинг ҳақиқий ўзи;

в) меросхўрлик ҳақидаги ҳужжат;

г) вакилликга ишончнома (агар бўлса);

д) патент божлари тўланганлиги ҳақида ҳужжат.

Патент лицензияларининг сотилиши, олиниси қонунда ва қоидада кўрсатилган тартибда шартнома асосида бажарилади, шартномада кўрсатилган муддат асосида, келишилган шароитда фойдаланилади.

**Топшириқлар:** Лицензия тушунчаси, шартномаси, кўриниш ҳоллари ва уларнинг ҳаракатни ўрганиши керак.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**



---

---

**«ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ»**  
**фанидан**  
**ГЛОССАРИЙ**

---

---

**САМАРҚАНД 2019**

**Интеграл микросхема топологияси** – интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

**Ҳуқуқ эгаси** – интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкӣ ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

**Топология муаллифи.** Ижодий меҳнати билан топологияни яратган жисмоний шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади

**Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи.** Ҳуқуқ эгасига топологиядан ўз ихтиёрига биноан фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи тегишлидир.

**Фирма номи.** Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

**Ихтиронинг патентга лаётқатлилиқ шартлари.** Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

**Саноат намуналари** - бу саноатда ишлаб чиқариладиган буюмнинг (товарнинг) ташқи оригинал кўриниши белгиларидан унинг бадий конструкторлик ечимига айтилади.

**Атамага хос ном,** техниканинг шу соҳа бўйича мутахассисига маълум бўлган объектнинг муҳим аломатлари мажмуини улар санаб ўтилганли ёки йўқлигидан қатъий назар характерлайди.

**Тавсифий ном** объектнинг вазифаси ва у томондан техниканинг бир ёки турли хил соҳаларида бажарадиган функцияси ҳақида тасаввур беради, аммо талабнома берилган ихтирони тавсифловчи муҳим аломатларнинг зарур бўлган мажмуаси тўғрисида аниқ фикр юритиш имкониятини бермайди.

**Ваколатли давлат органи.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси (бундан буён матнда “Патент идораси” деб юритилади) товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасдиаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

**Товар келиб чиққан жой номи.** Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг (бундан буён матнда “жўғрофий объект” деб юритилади) белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектнинг ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар жой номи эътироф этилади.

**Товар келиб чиққан жой номини ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш.** Товар келиб чиққан жой номи ҳуқуқий жихатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

**Интеграл микросхема** – электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган, туга лёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларининг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки борчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

**Интеграл микросхема топологияси** – интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

**Ҳуқуқ эгаси** – интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкӣ ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

**Топология муаллифи.** Ижодий меҳнати билан топологияни яратган жисмоний шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади.

**Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи.** Ҳуқуқ эгасига топологиядан ўз ихтиёрига биноан фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи тегишлидир.

**Фирма номи.** Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

**Фирма номига бўлган ҳуқуқ.** Юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда мутлақ ҳуқуққа эга.

**Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши.** Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтишига фақат юридик шахс қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилган ёки бутун корхона мулкӣ мажмуа сифатида сотилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**зот** – генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (шу жумладан, паррандалар, ҳашоратлар, ипак курти) ёки уларнинг дурагайлари гуруҳи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари айнан шу гуруҳга хос бўлади ва уни ҳайвонларнинг бошқа гуруҳларидан фарқлаб туради

**Иш берувчи** – селекция ютуғини яратиш тўғрисида топшириқ берган ва бу топшириқ бажарилишини молиялаштираётган юридик ёки жисмоний шахс;

**Лицензиар** – селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга лицензия шартномаси асосида олган юридик ёки жисмоний шахс;

**Нав** – ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан-наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқаларидан ажратиб турувчи белгиларга қараб аниқланади ва Айни бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**патент эгаси** – селекция ютуғига берилган патентнинг эгаси;

**селекция ютуғи** – ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти;

**талабнома берувчи** – селекция ютуғига патент бериш ҳақида талабнома топширган юридик ёки жисмоний шахс.

**асар нусхаси** – асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган кўчирмаси;

**асарни омма олдида намойиш этиш** – асарнинг асл нусхаси ёки нусхасини бевосита ёхуд плёнка, диапозитив, телевизион кадр ёрдамида ёки бирон-бир бошқа техника воситалари орқали экранда кўрсатиш, шунингдек аудиовизуал асарнинг айрим кадрларини уларнинг кетма-кетлигига риоя этмасдан омма учун очик жойда ёки Айни бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда кўрсатиш;

**асарни ошкор қилиш** – муаллифнинг розилиги билан амалга оширилган, асарни чоп этиш, омма олдида намойиш этиш, омма олдида ижро этиш, эфирга узатиш ёки бошқача усулда юбориш йўли билан илк бор асардан барчанинг воқиф бўлиши учун имкон берадиган ҳаракат;

**аудиовизуал асарни тайёрловчи** – шундай асарни тайёрлаш ташаббуси ва масъулиятини ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

**барчанинг эътиборига теказиш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини симлар ёки симсиз алоқа воситалари орқали телекоммуникация тизимларидан фойдаланувчилар ўз танловига кўра исталган жойда ва исталган вақтда улардан фойдалана олиши мумкин бўлган тарзда барчанинг эътибор учун юбориш;

**барчанинг эътибори учун юбориш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, шунингдек уларни юбориш жойида вакиллари бўлмаган омма эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиши учун, шу тарзда эшитиш ёки кўриш мумкин бўлган асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектлари амалда идрок этилиши-этилмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай бошқача усулларда етказиш (нусхаларни тарқатиш бундан мустасно);

**ёзув** – овозлар ва (ёки) тасвирларни қайта-қайта идрок этиш, такрорлаш ёки юбориш имконини берадиган бирон-бир моддий шаклда техника воситалари ёрдамида қайд этиш;

**ижро** – асарни (шу жумладан халқ ижодиёти асарини), фонограммани,, ижрони, сахна асарини ўйин, ифодали ўқиш, куйлаш, рақсга тушиш орқали жонли ижро ёки техника воситалари ёрдамида тақдим этиш;

**ижрочи** – актёр, хонанда, созанда, раққос ёки роль ўйнайдиган, куйлайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, рақсга тушадиган, талқин этадиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ёки санъат асарини (шу жумладан халқ ижодиёти асарини) ўзгача тарзда ижро этадиган бошқа жисмоний шахс, шунингдек спектаклнинг сахналаштирувчи режиссёр ива диржёр;

**кабель орқали юбориш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини кабель, сим ёки шунга ўхшаш воситалар ёрдамида барчанинг эътибори учун юбориш;

**манзарали-амалий санъат асари** – асл нусхалари ёки нусхалари амалда фойдаланиш ашёлари сифатида қўлланиладиган ёки ана шундай ашёларга кўчирилган икки ўлчовли ёки уч ўлчовли санъат асари, шу жумладан бадиий ҳунармандчилик асари ёки саноат усулида тайёрланган асар;

**маълумотлар базаси** – объектив шаклда ифодаланган ва электрон ҳисоблаш машиналари (бундан буён матнда ЭҲМ деб юритилади) ёрдамида топиш ҳамда ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (мақолалар, ҳисоб-китоблар ва шу кабилар) мажмуи;

**муаллиф** – ижодий меҳанти билан асар яратган жисмоний шахс;

**омма олдида ижро этиш** – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини ижро этиш ёки маълум қилишнинг ҳар қандай бошқа шакли воситасида, бевосита ёки техника воситалари ёрдамида, омма учун очик жойда ёки айни бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиш учун етказиш;

**прокатга бериш** – асарларнинг асл нусхасини ёки нусхаларини ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларини даромад олиш мақсадида вақитнчалик фойдаланиш учун бериш;

**репрографик такрорлаш** – фотокўчирмасини олиш йўли билан ёки бошқа техника воситалари ёрдамида ёзма ва бошқа асарларнинг асл нусхаларини ёки уларнинг кўчирмаларини бир ёки ундан кўп нусхада, ҳар қандай ўлчамда ва шаклда факсимал такрорлаш, тасвирий санъат асарлари репродукцияларини босмахона усулларида фойдаланган ҳолда тайёрлаш ҳоллари бундан мустасно.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**



---

---

**«ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ»**  
**фанидан**  
**ИЛОВАЛАР**

---

---

**САМАРҚАНД 2019**